




ОЙЛИК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ  
ЕЖЕМЕСЯЧНЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

# БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТЛАРНИ КРИПТОГРАФИК УСЛУБЛАР ЁРДАМИДА ҲИМОЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

- 6-бет





# TADBIRKOR AYOLLAR UCHUN KREDITLAR

Ipoteka-bank ayol tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlash maqsadida xorijiy valyutada yangi kredit mahsulotini taqdim qilmoqda.

## KREDIT SHARTLARI:

- yillik foiz stavkasi – **6%**.

## MUDDATI:

- aylanma mablag'larni to'ldirish uchun – **12 oygacha**;
- asosiy vosita sotib olish uchun – **36 oygacha**;
- kredit summasi – **300 ming AQSH dollarigacha** (loyihaning salohiyatidan kelib chiqqan holda 1 mln. AQSh dollarigacha).

Алишер Навоий  
номидagi  
O'zbekiston МК



**TURON  
BANK**

**30**  
Йил  
Сиз билан бирга!

*Барқарорлик белгиси!*

**МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ  
ВАЛЮТАДАГИ БАНК КАРТАЛАРИ**



1220  
99895 144-60-00

[www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz)

[turonbank](#)

[turonbankuz](#)

[turonbank](#)

Хизматлар лицензияланган

# МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ



**4** **Банк тизими барқарорлиги**  
**Н. Ходжикулова**  
Тижорат банкларида бозор таваккалчилиги хусусида

**6** **Банк хавфсизлиги**  
**Т. Шодиев, Ш. Эрнazarov**  
Банк тизимида ахборотларни криптографик услублар ёрдамида ҳимоялашнинг долзарб муаммолари

**14** **Молиявий саводхонлик**  
**Н. Ризакулов**  
Бизнес-таҳлил асослари ва уни Ўзбекистон молия муассасаларида амалга ошириш




**20** **Мамлакат экспорт салоҳияти**  
**А. Қодиров**  
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини оширишда тижорат банкларининг ўрни

**26** **Корпоратив бошқарув**  
**Т. Бердиев**  
Корпоратив бошқаруving япон модели ва унинг амалдаги ҳолати (Mizuho Financial Group, Inc. банки мисолида)

**32** **Банкларни солиққа тортиш**  
**Ф. Иззатуллаев**  
Тижорат банкларида қандай солиқлар тўланади?

**36** **Солиқ сиёсати**  
**У. Тўлаков**  
Мол-мулк солиғи бўйича имтиёزلарни такомиллаштириш



**48** **Банк тизими тарихи**  
**Ф. Амонова**  
Бухоро амирлигида банклар фаолияти (XIX аср охири ва XX аср бошлари)

**52** **Давлат харидлари**  
**А. Маманов, Ш. Маманов**  
Давлат харидлари механизмини такомиллаштиришда электрон давлат харидларининг ўрни

**60** **Иқтисодий ислохотлар**  
**М. Тўраев, Ш. Ходжаев**  
Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида стандартлаштириш

**66** **Цифровизация**  
**Д. Нарзуллаева**  
Цифровое реформирование управления развитием малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане

**БПК**  
БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ойлик илмий-амалий  
иқтисодий журнал  
1996 йил сентябрдан  
нашр этилмоқда

2/2021

Февраль (285)

## ТАҲРИРИЯТ

Директор:  
Г.Н. БЕЗГИН

Бош муҳаррир:  
В.С. УМИРОВ

Масъул котиб:  
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

## Реклама ва маркетинг хизмати:

Тел.: (+998)71-234-91-13;  
(+998)99-837-11-04

## ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,  
Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўч., 1А-уй.  
<http://www.bpk.uz/>  
e-mail: [info@bpb.uz](mailto:info@bpb.uz)

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт.  
Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.

## МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналыда мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қуйидаги манзилга юборинг:  
[info@bpb.uz](mailto:info@bpb.uz)

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журнализмнинг [www.bpk.uz](http://www.bpk.uz) сайти орқали танишишингиз мумкин.

**Эслатма:** муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғлиқ телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

Журналнинг обуна индекси: 853  
ISSN 2010-6580

Журнал ЎзП Матбуот ва ахборот агентлигида  
2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.  
Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 04.03.2021 й.  
Босишга рухсат этилди: 14.04.2021 й.

Бичими: 60x90/8.  
Офсет босма усулида чоп этилди.  
Шартли босма табоғи: 9.0.  
Буюртма №13. А.: 865.

«SILVER STAR PRINT» МЧЖда чоп этилди  
(Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
22-даҳа, 17-уй).

Баҳоши шартнома асосида.

## Stability of the Banking System

**4 N. Khodjikulova**  
*On Market Risk in Commercial Banks*

At present, the country faces the task of creating equal competitive conditions in the financial market, lending only on market terms, improving the quality of the loan portfolio and risk management. In this article, the author writes that in the context of ongoing instability in the global economy and financial markets, ensuring the financial stability of commercial banks and managing market risk in them is an important issue.

## Banking Security

**6 T. Shodiev, Sh. Ernazarov**  
*Current Issues of Cryptographic Protection of Information in the Banking System*

This article clearly shows the prospects for the use of software and technical means of information technology through the introduction of cryptographic methods of protecting information in the banking system.

The relevance of protection against unauthorized access to existing data in automated production systems, the mechanism of cryptographic implementation in ensuring the integrity and authenticity of data is explained. The main directions and principles of ensuring information security during the digitalization of the economy, as well as problems in the development of measures, are described in detail.

## Financial Literacy

**14 N. Rizakulov**  
*Essentials of Business Analytics and its Implementation in the Financial Institutions of Uzbekistan*

According to the author of this article, demand for highly qualified professionals in the field of business analysis shall rise. Their expertise will be in a great importance in promoting, facilitating and launching complex projects both in private and public sector. The author believes that the role of business analysts is important in promoting financial literacy among Uzbekistan's population.

This article shall analyze the essentials of business analytics and its implementation in the Financial Institutions of the Republic of Uzbekistan. Detailed discussion of all elements of business analysis shall be demonstrated as well.

## Country's Export Potential

**20 A. Qodirov**  
*The Role of Commercial Banks in Increasing Exports of Agricultural Products*

This article examines some of the current problems and risks that arise when crediting agricultural exports, the role of our state in gradually strengthening the export of agricultural products, scientific proposals and practical recommendations aimed at improving the practice of lending to commercial banks. The conclusions made and the practical implementation of the proposals will allow to form the financial resources of agricultural enterprises, increase them, improve the system of providing the agricultural network with credit resources of commercial banks, ensure the stability of foreign exchange earnings of the Republic, create new and additional jobs and increase the income of the local population.

## Corporate Governance

**26 T. Berdiyev**  
*The Japanese model of corporate governance and its current status (On the example of Mizuho Financial Group, Inc.)*

The article analyzes the Japanese model of corporate governance, highlights the advantages and disadvantages of the basic principles of this model. The position of the Japanese model in banking practice is analyzed using the example of one of the largest banks in Japan.

## Taxation of Banks

**32 F. Izzatullaev**  
*What Taxes are Paid in Commercial Banks?*

The bank is an independent taxpayer. Calculation and payment of taxes and application of benefits are carried out in accordance with the Tax Code of the Republic of Uzbekistan, laws and regulations. In this article, our correspondent tried to find an answer to the question "What taxes are paid in commercial banks?"

## Tax Policy

**36 U. Tulakov**  
*Improving Property Tax Benefits*

The article considers the theoretical basis of the terms «privilege» and «preference» in the system of taxation, their essence and significance, types and criteria of designation. In particular, in order to achieve the goals of property tax reform in Uzbekistan, methods have been considered to improve the benefits of real estate taxation. Based on the study of the experience of foreign countries, recommendations have been developed for the application of property (real estate) tax benefits for low-income (poor) taxpayers.

## History of Banking System

**48 F. Amonova**  
*Activities of Banks in the Emirate of Bukhara (Late 19th and early 20th centuries)*

One of the main pillars of any country's economy is the financial sector, and the most economically stable and stable system is banks. The author writes that the influx of Russian banks into Central Asia, including the Emirate of Bukhara, has played an important role in expanding the partnership of Russian companies and societies with local entrepreneurs, the development and financing of factories and enterprises in the emirate.

## Public Procurement

**52 A. Mamanov, Sh. Mamanov**  
*The Role of E-procurement in Improving the Public Procurement Mechanism*

Continuous improvement of the public procurement system, reduction of human intervention through the widespread introduction of modern information technologies in public procurement processes, ensuring openness and transparency is one of the most pressing issues in the industry today.

Achieving economic growth in a country involves many factors and can have a positive impact on economic growth through the effective organization of public procurement.

## Economic Reforms

**60 M. Turaev, Sh. Khodjaev**  
*Standardization at the Current Stage of Economic Reforms in Uzbekistan*

According to the authors of this article, standardization develops and improves along with the development of society, which requires the same approach to the achievement of mutual cooperation and agreement in relations in various fields, the definition of General acceptable norms and rules and the strengthening by documentation are the results of it.

## Digitalization

**66 D. Narzullaeva**  
*Digital Reform of Small Business and Entrepreneurship Development Management in Uzbekistan*

In this article, the author writes that at the present stage, developed and developing countries are investing in a digital transformation strategy as part of strengthening their positions in domestic and international markets, increasing the competitiveness of their goods and services. The significant role of the state as a regulator, improving productivity conditions and thus reducing costs, not only improves the business climate, but also facilitates the flow of investment into the country where digitalization is given special attention.



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БОЗОР ТАВАККАЛЧИЛИГИ ХУСУСИДА

Маълумки, мамлакат иқтисодиёти ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида бешта устувор йўналиш бўйича «Банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш» алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фар-

монига мувофиқ, молия бозорларида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш каби вазифалар юклатилган.

Шунга мувофиқ, жаҳон иқтисодиёти ва молия бозорларида нобарқарорлик давом этаётган шароитда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларда бозор таваккалчилигини бошқариш муҳим масала ҳисобланади.



**Наргиза Ходжикулова,**  
«Ипотека-банк» АТИБ Операциялар блоки Операциялар департаменти  
Чакана амалиётлар бошқармаси бош мутахассиси

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизими қатъий халқаро талабларига жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айна пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустақам позицияларга эга ҳисобланади ҳамда ҳозирги шароитда бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Бозор таваккалчилиги дейилганда одатда хавф-хатар тушунилади, муваффақият учун ҳаракат қилиш эса ижобий натижага эришиш имконини беради. Тижорат банклари фаолиятининг муҳияти билан узвий боғлиқ бўлган банк бозор рисксининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ишлаб чиқариш жараёнини акс эттириб, ижтимоий маҳсулот айланишида, айирбошлаш соҳасидаги тўлов муносабатларида намоён бўлади, бозор таваккалчилигининг бозор омиллари ўзгариши оқибатида кредит ташкилоти активлари баҳосининг пасайиши хавфини ифодалайди. Бозор таваккалчилиги макроиқтисодий табиатга эгадир, яъни молия тизимининг макроиқтисодий кўрсаткичлари – бозор индекслари, фоиз ставкалари эгри чизиклари бозор таваккалчиликлари манбаи бўлиб ҳисобланади. Кредит ташкилотларида бозор таваккалчилигини бошқариш энг муҳим ва долзарб масаладир.

Бозор таваккалчилиги асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

## **БОЗОР ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БАНКЛАРИДА КЕНГ ҚўЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАРДАН БИРИ – «СТРЕСС-ТЕСТ» АМАЛИЁТИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАМЛАКАТИМИЗ БАНКЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ.**

- Валюта таваккалчилиги;
- Фоиз таваккалчилиги;
- Фонд таваккалчилиги.

АҚШда 2008 йилда иқтисодий инқироз юзага келгандан сўнг бизнинг мамлакатда ҳам баъзи тижорат банкларида таваккалчиликларнинг олдини олиш мақсадида тегишли департаментлар ташкил этилиб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида валюта, фоиз ва фонд таваккалчиликларининг тўғри ва шаффоф ҳисобланиши, яъни банкларда валюта курсларининг тебраниши, фоизлар юқорилаб кетишининг олди олиниши ҳамда ҳосилавий инструментларни ҳисоблаш йўли билан амалга оширилиб келинмоқда.


Умуман олганда, иқтисодиётда бозор муносабатларининг соғлом ривожланиши содир бўлиши билан рақобат кучая боради. Шу рақобат курашига бардош бериш учун ишлаб чиқариш жараёнига техникавий янгиланган жорий этиш сари дадил ҳаракат қилиш лозим. Бу эса пировард натижада таваккалчиликни кўпайтиради ва, умуман олганда, даромад бор жойда таваккалчиликнинг юзага келиши ҳам табиийдир.

Шу ўринда бозор таваккалчиликларини бошқаришда хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар банкларида кенг қўлланиладиган усуллардан бири – «стресс-тест» амалиётини татбиқ этиш мамлакатимиз банклари барқарорлигини таъминлашда муҳим, деб ҳисоблаймиз, шунингдек тижорат банкларида бозор таваккалчиликларини баҳолашда хорижий банкларда фойдаланиладиган усуллар (VAR усули, тарихий ва Монте-Карло моделлари) қўлланилиши ҳамда бу моделлар татбиқ этилгандан сўнг улар автоматлаштирилган электрон версияга ўтказилиши мақсадга мувофиқдир, чунки автоматлаштирилган электрон версия бозор таваккалчиликлари баҳолаши ва бошқарилиши учун муҳим аҳамият касб этади. VAR барқарор бозорлар учун ишлатилиб, бозор таваккалчиликларини ҳар томонлама қийматли баҳоловчи универсал услубият ҳисобланади. VAR усули бозор ҳолатининг ноқулай ўзгариши натижасида рўй бериши мумкин бўлган потенциал йўқотишлар таваккалчилигини баҳолаш учун халқаро Базель қўмитаси томонидан таклиф қилинган.

Юқоридагиларни инобат олган ҳолда, тижорат банкларининг фаолиятида бозор таваккалчиликларини бошқариш ва бозор таваккалчиликлари даражаси юқорилаб кетишига йўл қўймаслик, миллий банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БОЗОР ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ БАҲОЛАШДА ХОРИЖИЙ БАНКЛАРДА Фойдаланиладиган усуллар (VAR усули, тарихий ва монте-карло моделлари) қўлланилиши ҳамда бу моделлар татбиқ этилгандан сўнг улар автоматлаштирилган электрон версияга ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.**

# БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТЛАРНИ КРИПТОГРАФИК УСЛУБЛАР ЁРДАМИДА ҲИМОЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ



XX асрнинг энг катта кашфиётларидан бири бўлган ва энг кўп аудиторияни ўзига жалб қилган телевидение сафига 1960 йилларнинг бошларидан компьютерлар кириб кела бошлади. Ахборот технологиялари ҳам инсоният тараққиётининг янги даражаси эканлиги, у иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, инсонларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш (Интернет) ҳамда ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, унда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг энг муҳим вазифалари белгилаб берилган.



**Тургунбой Шодиев,**  
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ  
Самарқанд минтақавий  
филиали бошқарувчиси



**Шербой Эрнazarов,**  
Хавфсизлик ва ахборот  
муҳофазаси бўлими  
бош мутахассиси



**Б**угунги кунда «Ким инфор-мацияга эга бўлса, у дунё-ни бошқаради» деган қои-да ҳукмрон бўлиб қолди. Шундай экан, жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида бўлгани каби, ахборот хавфсизлигини таъмин-лаш ҳам ўта мураккаб ва жуда муҳим соҳалар қаторидан жой олди. Аввало, ахборот хавфсиз-лиги нима, деган саволга жавоб берайлик. Ахборот хавфсизлиги – бу ахборотнинг махфийлигини, бутунлигини ва ундан эркин фой-даланишни таъминловчи чора-тадбирлар режаси мажмуаси-дир. Махфийлик – ахборот билан фақат ваколатга эга бўлган шах-сларнинг танишиши мумкинли-ги. Бутунлик – ахборотга фақат ваколатли шахслар томонидан ўзгартириш киритиш мумкинли-ги. Эркин фойдаланиш – ахборот ресурсларидан эркин фойдала-ниш ҳуқуқининг ваколатли шахс томонидан берилиши мумкинли-ги. Ахборот махфийлиги – бу текширишдан ўтказилган ва рухсат берилган тизим субъект-ларигагина (фойдаланувчиларга, дастурларга, жараёнларга ва ҳ.к.) маълум бўлган ахборот жи-ҳатларидир. Ахборот хавфсизли-ги – Тизим хавфсизлиги остида унинг фаолияти жараёнига атай-лаб ёки тасодифан аралашуш, ўғирлаш, шаклини ўзгартириш ёки таркибий қисмини бузишга бўлган уринишлардан ҳимоя деб тушунилади. Таъсир кўрсатиш табиати турлича бўлиши мумкин. Яъни тизимга қасддан кириш-га уриниш, ходимлар хатолари, табиий офатлар (тўфон, ёнгин) ва автоматлаштирилган тизим-



## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ – ТИЗИМ ХАВФСИЗЛИГИ ОСТИДА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНИГА АТАЙЛАБ ЁКИ ТАСОДИФАН АРАЛАШУШ, ЎҒИРЛАШ, ШАКЛИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ТАРКИБИЙ ҚИСМИНИ БУЗИШГА БЎЛГАН УРИНИШЛАРДАН ҲИМОЯ ДЕБ ТУШУНИЛАДИ.

ларнинг ишдан чиқиши. Ахборот хавфсизлиги ахборотларни қайта ишлаш жараёни билан боғлиқ тизим ва тармоқларнинг хавфсизлигини ўз ичига олади. Буларга компьютер хавфсизлиги, тармоқ хавфсизлиги, телекоммуникация хавфсизлиги, маълумотлар хавфсизлиги киради, бу ерда:

- тўлов тизими хавфсизлиги;
- банк-мижоз тизими хавфсизлиги;
- интернет-банк тизими хавфсизлиги;
- офис – узокдаги мене-жер хавфсизлиги;

● бош офис – минтақавий филиаллар/филиаллар хавфсизлиги;

● филиал-минибанк/жам-фарма шохобчалар хавфсизлиги киради.

Банкнинг хавфсизлик тизи-ми унинг пул маблағлари, мод-дий бойликлари ва кадрлари турли хавфлардан ишончли сақланишини таъминлаши ло-зим. Хавфсизлик тизимининг асосий мақсади банкнинг бел-гиланган режага мувофиқ турли шариотларда иқтисодий ва молиявий жиҳатдан барқарор ривожланиши учун хавфсиз ах-борот маконини яратиш ҳамда ахборот хавфсизлиги масала-ларида мижозлар, юқори таш-килотлар ва ҳамкорларнинг манфаатларини муҳофаза қи-лишдан иборатдир.

Банк хавфсизлик тизимининг вазибалари қуйидагилардан иборат:

◆ ахборот объектларини аниқлаш ва квалификация қи-лиш;

**ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ БАНКНИНГ БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАГА МУВОФИҚ ТУРЛИ ШАРИОТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТДАН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ХАВФСИЗ АХБОРОТ МАКОНИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИДА МИЖОЗЛАР, ЮҚОРИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ҲАМКОРЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДАН ИБОРАТДИР.**

◆ ахборотларни яратувчи, сақловчи, қайта ишловчи, узатувчи, қабул қилувчи ҳамда йўқ қилувчи объектларнинг ҳисобини юритиш;

◆ жаҳон ахборот макони ҳолатининг ўзгаришларига мос равишда муҳофазаланган ахборот муҳитини шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш;

◆ ахборот хавфсизлигининг барча жабҳаларида хавфсизлик қоидаларини бузиш натижасида зарар ҳажмини қисқартириш ва баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш;

◆ банкнинг ахборот ҳисоблаш комплекси барча объект ва субъектларини ходимларнинг хатоси, дастурий ва техник таъминотларнинг носозлиги, ғаразли ниятда қасддан қилинган ҳаракатлар, банк ва унинг филиал-

лари ҳудудига бостириб кириш натижасида зиён етказилишидан муҳофаза қилиш;

◆ банк ва унинг ходимлари қонуний ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;

◆ банкда муҳитни тавсифловчи маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогноз қилиш;

◆ ҳамкорларни, мижозларни ва рақобатчиларни ўрганиш;

◆ банк ва унинг ходимларига таҳдид қилишга интилиши мумкин бўлган ташқи манбаларни ўз вақтида аниқлаш;

◆ жинойий мақсадларда ахборот тизимига суқулиб киришга йўл қўймаслик;

◆ банк сири ҳисобланган моддий бойликлар ва маълумотлар сақланишини таъминлаш;

◆ хавфсизлик тизими самарали ишлашини назорат қилиш.

Хавфсизлик тизимининг ишончли ва самарали ишлаши банкка ва банк ахборот тизими-га жинойий мақсадларда ноқонуний кириш ҳолатлари юз бермаганлиги ёки бундай ҳаракатлар ўз вақтида аниқланганлиги, банк сири ҳисобланган маълумотлар, муҳим ҳужжатлар чиқиб кетишига йўл қўйилмаганлиги, банк ходимлари томонидан ноқонуний ва неготив ҳолатлар содир этилмаганлиги, моддий бойликлар, пул маблағлари сақланиши, фавқулодда ҳодисалардан огоҳлантирилганлик билан баҳоланади.

Банкимизда ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, ахборот хавфсизлигини таъминловчи хизматлар ишини ривожлантириш, ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айниқса, юртимизда ушбу соҳага бўлган эътибор ортаётганлиги ушбу йўналиш бўйича қатор қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар маҳкамаси

**БАНКИМИЗДА АХБОРОТ ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ, АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ХИЗМАТЛАР ИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АХБОРОТНИ КРИПТОГРАФИК ҲИМОЯЛАШ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ КАБИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН ВА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**



қарорлари, Марказий банкнинг Низом ва йўриқномаларида ўз аксини топган. Шу вақтгача биргина «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун жаҳоннинг 70га яқин мамлакатларида қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон ҳам ана шулар қаторидан ўрин олди.

Электрон имзо ўзи нима? Ундан қандай фойдаланилади? Қонунда электрон рақамли имзо – электрон ҳужжатдаги рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо тарзида таърифланган. Бунда бизга нотаниш иборалар борлиги учун ҳам бир ўқишда электрон рақамли имзонинг нима эканлигини англаб олиш мушкул. Тushunchаларга аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Электрон ҳужжат – муайян ҳужжатнинг компьютерда тайёрлаб, унинг хотираси ёки у билан боғлиқ электрон ахборот ташувчиларда сақланаётган кўринишидир. Электрон ҳужжат ўзининг анъанавий, яъни қозғоғдаги кўринишига қараганда анча ихчам бўлади. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити – имзо қўювчи шахснинг ўзигагина маълум бўлган белгилар кетма-кетлиги. Электрон ҳужжатдаги ахборот ана шу калит асосида яратилади.

Ҳозирда жаҳон ўргимчак тўри ҳисобланган Internet тизими бизнес ва банклар ривожланиши учун катта имкониятлар берди, чунки бу соҳада аслида дунёдаги барча ахборот ресурслари бир жойга тўпланган, жаҳон молия институтлари, давлат муассасалари, банклар ва шу қабилар у ерга уланган. Шуни айтиш кераки, банкимизда интернет тармоғи орқали Moneygram,



### ҚОНУНДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО – ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТДАГИ РАҚАМЛИ ИМЗОНИНГ ЁПИҚ КАЛИТИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА МАХСУС ЎЗГАРТИРИШ НАТИЖАСИДА ҲОСИЛ ҚИЛИНГАН ҲАМДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОНИНГ ОЧИҚ КАЛИТИ ЁРДАМИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТДАГИ АХБОРОТДА ХАТОЛИК ЙЎҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ЁПИҚ КАЛИТИНИНГ ЭГАСИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРАДИГАН ИМЗО ТАРЗИДА ТАЪРИФЛАНГАН.

Western Union, Blizko пул ўтказмалари тизимлари самарали ишлатилмоқда. Муайян ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, ушбу тизимларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қатор техника воситалари ва дастурлар сотиб олинмоқда. Бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу борада Ахборот технологиялари бош бошқармаси билан яқиндан ишламоқдамиз.

Ҳозирги замон ахборот хавфсизлиги мавзулари қаторига давлат ва тижорат ташкилотларининг ички хавфсизлиги, яъни ташкилот ходимларини ҳам киритиш керак. Бу мавзу ҳозирги замон адабиётларида кам ёритилган. Лекин, хабарларга кўра, битта шу йўналиш

бўйича қилинган хатолар бутун бир банкнинг, ҳаттоки банкларнинг катта зарар кўришига олиб келганини кўрамиз (масалан, 2005 йил Citigroup банкининг Техас филиалида магнит лентаси ўғирланган). Махфийлик – ахборот билан фақат ваколатга эга бўлган шахсларнинг танишиши мумкинлиги. Бутунлик – ахборотга фақат ваколатли шахслар томонидан ўзгартириш киритилиши мумкинлиги. Эркин фойдаланиш – ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқи ваколатли шахс томонидан берилиши мумкинлиги. Ахборот махфийлиги – текширишдан ўтказилган (авторлаштирилган) ва рўхсат берилган тизим субъектларигагина (фойдаланувчи-



**КОМПЬЮТЕР АХБОРОТЛАРИНИНГ ТУРЛИ ХИЛ ЙЎЛЛАР БИЛАН ЙЎҚОЛИБ КЕТИШИ ЁКИ УНДАН ТУРЛИ ХИЛ ҒАРАЗЛИ МАҚСАДЛАРДА ФЙДАЛАНИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ МАВЖУД. ҒАҚАТГИНА УЛАРНИНГ ЗАРУРИЙ ТАШКИЛИЙ, ТЕХНИКАВИЙ ВА МЕЪЁРИЙ-УСЛУБИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН БИРГАЛИҚДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ КЕНГ МИҚЁСДАГИ ПОТЕНЦИАЛ ТАХДИДЛАРДАН ҲИМОЯЛАШНИ ТАЪМИНЛАШИ МУМКИН.**

ларга, дастурларга, жараёнларга ва ҳ.к.) маълум бўлган ахборот жиҳатлари.

Ахборотларни муҳофаза қилиш воситалари: Жисмоний воситалар – барқарор муҳит издан чиқарилишига қарши турли хил тўсиқларни ҳосил қиладиган механик, электрик, электромеханик, электрон, электрон-механик ва шунга ўхшаш қурилма ва тизимлар. Аппарат воситалар – ахборот муҳофазаси масалаларини ҳал этиш учун автоматлаштирилган тизим қурилмаларига ўрнатиладиган ёки улар билан бирга ишлатиладиган турли электрон, электрон-механик ва шунга ўхшаш қурилмалар.

Дастурий воситалар – муҳофаза масалаларини ҳал этишда фойдаланиладиган компьютер дастурлари. Ташкилий восита-

лар – муҳофаза масалаларини ҳал қилиш учун йўналтирилган ташкилий-техник чора-тадбирлар. Қонунчилик воситалари – эркин фойдаланиш чегараланган ахборотлар мавжуд бўлган автоматлаштирилган тизимга алоқадор шахслар ва тузилмаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Маънавий ва ахлоқий воситалар – жамиятда ёки жамоада шаклланган маънавий нормалар ва ахлоқий қоидаларга риоя қилиниши ахборотлар муҳофазасига кўмаклашади. Электрон рақамли имзо – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда

электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатлик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Тизимнинг ҳар бир ахборот объекти учун унга кириш қоидаларини белгилловчи ва назорат қилувчи маъсул ходим (маъмур) бўлиши лозим. Ҳар бир маъмур ўзи маъсул бўлган зонасида ахборот тизимининг ҳисобини юритиши лозим. Барча ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари, дастурлар, электрон ҳужжатлар ва маълумотлар базаси рўйхатга киририлган бўлиши керак.

Тизимнинг самарасини ва сифатини баҳолашда банкнинг турли шароитларда иқтисодий ва молиявий ривожланиши барқарорлиги асосий мезон ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришда шу маълум бўлмоқдаки, ахборот ва у билан боғлиқ ахборот технологиялари жамиятнинг ривожига жуда катта роль ўйнамоқда.

Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган тизимларида компьютер технологияларининг кенг қўлланилиши компьютер тизимларида мавжуд бўлган маълумотларга рухсатсиз киришни ҳимоялаш муаммоларининг чуқурлашувига олиб келди.

Компьютер ахборотларининг турли хил йўллар билан йўқолиб кетиши ёки ундан турли хил ғаразли мақсадларда фойдаланишларнинг олдини олиш усуллари мавжуд. Ғақатгина уларнинг зарурий ташкилий, техникавий ва меъёрий-услубий воситалар билан биргаликда қўлланилиши кенг миқёсдаги потенциал тахдидлардан ҳимоялашни таъминлаши мумкин.

Бундай тахдидларга қарши туриш ва нохуш ҳолатларни бартараф этишнинг самарали чора-тадбирларини таъминлаш учун соҳада ахборот хавфсизлиги

етарли даражада таъминланиши лозим. Ушбу сабабларга кўра соҳа фаолиятида ахборот хавфсизлиги энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Антивирус ҳимояси ахборот йўқолишининг олдини олишда муҳим восита бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- антивирус ташхис воситалари таркибини ва уларни қўллаш, тафтишдан ўтказиш ва янгилаш тартибини белгилаш;

- антивирус ташхис воситаларини қўллаган ҳолда профилактика ишларини ўтказиш;

- автоматлаштирилган банк тизимини ишлатишнинг барча жараёнларини ахборотларни ҳимоя қилиш дастурлари билан таъминлаш.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда дискрет шифрловчи дастурни мисол келтириш мумкин.

Тизимга киришни криптографик усуллар ёрдамида назорат қилишни таъминлаш учун фойдаланувчиларнинг ҳақиқийлигини текшириш ва идентификациялаш дастурлари йўлга қўйилди.

Электрон ҳужжат айланмасига ўтишда электрон хабарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида криптография асо-

сида очиқ калит билан электрон рақамли имзо тизими ишлаб чиқилди.

Электрон рақамли имзо электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини беради.

Ахборотли ўзаро алоқани ҳимоялаш учун криптографик воситаларни тезкор қўллаш унинг ҳамма иштирокчиларига зарурий калит маълумот ўз вақтида тезкор жўнатилишини талаб эта-

ди. Ҳозирда электрон калитларни бошқариш тизимида унинг генерацияси ва яхлитлигини таъминлаш ҳамда хавфсиз қўлланилиш имкони мавжуд.

Ахборот хавфсизлиги тизимининг глобал мақсади комплекс чора-тадбирлар яратишдир.

- ❖ Ахборот хавфсизлиги таъминоти бўйича барча режаларни бошқариш;

- ❖ АХ сиёсатини ўзгартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш;

- ❖ АХ таъминоти бўйича мавжуд бўлган ва янги меъёрий-услубий ҳужжатларни ўзгартириш ва қабул қилиш;

- ❖ АХни бошқариш ва таъминлаш воситаларини танлаш;

- ❖ Антивирус ҳимояси воситалари, шунингдек, АХ таъминотининг бошқа воситаларидан

## АХБОРОТЛИ ЎЗАРО АЛОҚАНИ ҲИМОЯЛАШ УЧУН КРИПТОГРАФИК ВОСИТАЛАРНИ ТЕЗКОР ҚЎЛЛАШ УНИНГ ҲАММА ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЗАРУРИЙ КАЛИТ МАЪЛУМОТ ЎЗ ВАҚТИДА ТЕЗКОР ЖЎНАТИЛИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. ҲОЗИРДА ЭЛЕКТРОН КАЛИТЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИДА УНИНГ ГЕНЕРАЦИЯСИ ВА ЯХЛИТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ХАВФСИЗ ҚЎЛЛАНИЛИШ ИМКони МАВЖУД.



фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фаолликни назорат қилиш;

- ❖ АХ билан боғлиқ ҳодисалар мониторингини амалга ошириш;

- ❖ АХ бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни текшириб чиқиш.

Фойдаланувчи ўз фаолияти доирасида фойдаланадиган барча қондалар, талаблар ва ахборот муҳофазаси соҳасидаги бошқарув принципларини ахборот хавфсизлигининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб аниқлаши керак.

Ахборот муҳофазасининг динамика мониторинги имкониятлари математик ва алгоритмик таъминотга ҳамда технологик ва техник воситаларга боғлиқ.

Маълумотларнинг тўлиқлигича сақланишида, шунингдек, маълумотларнинг ўзгартиришсиз, тўғри узатилишида зарурий воситаларнинг татбиқ этилиши, чора-тадбирлар белгиланиши ва таҳлил қилиниши ижобий натижа беради.

Тадқиқот натижаларига кўра, мобиль илова асосида банк тизимида электрон тўловлар амалга оширилишида ахборот муҳофазасининг дастурий воситаларидан самарали фойдаланиш ижобий натижа берганини кўриш мумкин. 2018 йилда 4 225 нафар жисмоний шахс масофавий банк хизматларидан фойдаланган бўлса, 2021 йил 1 январь ҳолатига уларнинг сони 13 748 нафарга етди. Мобиль иловалар сонининг кўпайиши, QR-код тизимининг афзалликлари, энг асосийси, аҳолида рақамли молиявий хизматлардан фойдаланиш бўйича саводхонликнинг яшиланиб бориши билан банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўлами ортмоқда.

Эндиликда рақамли банк хизматлари замон талабларига мос равишда янада тараққий этишида ахборот муҳофазасининг замонавий технологияларини татбиқ этиш талаб қилинади. Зарур норматив-ҳуқуқий база ярати-

либ, масофадан идентификация қилиш (e-ID ва e-KYC) тизимини йўлга қўйиш ижобий натижа беради.

Марказий банк ҳузурида банк ва молия-кредит соҳасида ахборот ва киберхавфсизлик таҳдидларининг олдини олиш ҳамда молиявий фирибгарликларга қарши таъсир чораларини кўриш ва текшириш (FINCERT) марказини ташкил этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Албатта, мижозларнинг тўлов хизматлари бозорига бўлган ишончини таъминлаш, фирибгарликка қарши курашни ва маълумотларни ҳимоя қилишда ахборот хавфсизлиги масалалари эътибор марказида бўлади.

ERP тизими бизнес жараёнларини автоматлаштиришда муҳим ўринга эга. ERP тизимлари (ингл. Enterprise Resource Planning, корхона ресурсларини режалаштириш) корхона ресурсларини режалаштириш тизимлари бўлиб, ташкилотдаги барча маълумотларни ва амалга ошириладиган электрон ҳисоб ва ҳисобот жараёнларини ягона тизимга интеграциялаш учун иш-

латилади. Ушбу тизимни жорий қилиш учун турли хил дастурий ва аппарат воситалардан фойдаланилади. Турли хилдаги тизим модулларининг маълумотларни сақлайдиган ягона маълумотлар базаси ERP тизимларининг асосий компоненти бўлиб ҳисобланади ёки содда қилиб айтганда корхонанинг барча маълумотлари баъзалари умумий битта платформада мужассамлаштирилади.

ERP тизими молиявий-ҳўжалик, кадрлар бошқаруви, ишлаб чиқаришни назорат қилиш, логистика ва оддий компьютер тизимларида мавжуд бўлган эски тизимларнинг функцияларини ҳам ўз ичига қамраб оладиган дастурий модуллардан ташкил топган ягона тизимдир. Молиялаштириш, ишлаб чиқариш ёки оморга хизмат кўрсатадиган дастурлар энди бир-бири билан боғланган бўлиб, бир бўлимдан туриб сиз тизимга бошқа бўлимлар киритган маълумотларни ваколатингиз доирасида кўришингиз мумкин бўлади. Табиийки, бундай тизимларни бошқариш ва ундаги маълумотларни қай-

Диаграмма  
Ахборот тизимларига бўлган киберхужумлар тармоқлар кесимида, 2020 йил IV квартал



Манба: Киберхавфсизлик маркази ДУК маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилди.



## ДАСТУРИЙ ВОСИТА ВА ТАРМОҚ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ДИНАМИК ТАБИАТИДА АНИҚЛАНГАН ДАСТУРИЙ ХАТОЛИКЛАР ҲАМДА КАМЧИЛИКЛАР ЎЗ НАВБАТИДА ЯНГИ ЗАРАРЛИ ДАСТУРЛАРНИ, ЯЪНИ «ВИРУСЛАРНИ» ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН ЗАМИН БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

та ишлаш жараёнида ахборот хавфсизлигига эътибор қаратиш долзарб ҳисобланади.

ERP тизимлари учун хавфсизликни таъминлаш кўплаб соҳаларда жуда муҳим бўлиб, айниқса ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзига хос сирларни сақлаш, шу жумладан мудофаа, разведка, тиббиёт, банк тизимида молиявий операциялар ва бошқа соҳаларда ахборот хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратиш лозим (Диаграмма).

2020 йил IV квартал ҳолатига тармоқлар кесимида ахборот тизимларига бўлган киберҳужумлар ўтган даврларга нисбатан камайганлиги аниқланди (Диаграмма). Хусусан, бунда савдо, транспорт, онлайн сервислар ва блокчейн лойиҳалар соҳаси энг паст кўрсаткичи эгаллаган.

Ҳозирги кунда ERP тизимлари учун алоҳида хавфсизликни таъминловчи дастурий воситалар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Мақсуд дастурий воситалар ERP

тизимга қўшимча ўрнатилади ва бу ўз навбатида тизимнинг ҲИМОЯЛАНГАНЛИК даражасини оширади.

ERP тизимида маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш усуллари:

1. ERP Дастурий воситаларини ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган дастур учун қўшимчаларни мавжуд тизим учун ўз вақтида юклаб бориш.

2. ERP тизимлари ҳаётийлик даврида камчиликларсиз фаолият олиб бориш учун тизимга керакли бўлган ҳамда тизим ишлаб чиқарувчиси томонидан тақдим этиладиган янгиликларни доимий равишда янгиллаб бориш (тизимга юклаб олиш) катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дастурий восита ва тармоқ хавфсизлигининг динамик табиатида аниқланган дастурий хатоликлар ҳамда камчиликлар ўз навбатида янги зарарли дастурларни, яъни «вирусларни» ишлаб чиқиш учун замин бўлиб

хизмат қилади. Бизнес жараёнларининг асосий қисми бўлган ERP тизимларини дастурий «вирус»лардан ҲИМОЯЛАШ мақсадида тизим учун ёзилган қўшимча янгиликлар юклаб олинади ва ўрнатилади. Бу жараён ўз навбатида тизимнинг камчиликлари ва хатоликларини яхшилайди ва дастурларнинг маҳаллий версияларида мавжуд бўлмаган қўшимча афзалликларни қўшиш имкониятини яратади. ERP дастури кенг қамровли бўлганлиги учун тизимнинг ҳар бир модулига янгиликларни киритиш учун биров вақт талаб этилиши мумкин.

Тизимнинг асосий камчиликларидан бири унинг ҳажм жиҳатдан катталиги бўлиб, мавжуд кўплаб файллар орасида яширинган заифликлар эътиборсиз қолдирилиши эҳтимоли бор. Корхона даражасидаги умумий дастурий воситалар тизимга бузиб кириш хавфини туғдиради. Бу битта компонентга таъсир қилибгина қолмай, тизимнинг қолган қисмларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли ERP маълумотлар базасининг ҳар бир қисми, шу жумладан ўрнатилган модуллар доимий равишда янгилаб турилиши керак. Молиявий маълумотларни бошқариш каби муҳим асосий функцияларни бажарадиган қўшимчалар эҳтиёткорлик билан ўрнатилиши лозим, шунда тизимнинг бир модулига бузиб кирилган тақдирда ҳам тизимнинг бошқа бир модулларига кириш имконияти чекланади. Янгиликларни эксплуатация қилинаётган тизимларнинг ҳар бир таркибий қисми учун қўллаш мураккаблиги сабабли ташқи кибер-таҳдидларга сезгирлик сақланиб қолади. Шунингдек, эскирган интерфейслардан фойдаланиш осонроқ ҳамда улар янгилари билан мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолда янада замонавий маълумотларни ҲИМОЯ қилиш хусусиятларини ўз ичига олган ERP тизимига ўтиш масаласини ўйлаб кўриш лозим бўлади.



## БИЗНЕС-ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИШ

**Нурали Ризакулов,**  
«Асакабанк» АЖ Бошқаруви раиси маслаҳатчиси

### БИЗНЕС-ТАҲЛИЛ НИМА?

Бизнес-таҳлиллари тушунча олиш ва бизнесни режалаштиришга йўналтириш учун ўтган бизнес натижаларини доимий равишда такрорий излаш ва текшириш бўйича кўникмалар, технологиялар ва амалиётларни англатади.

Бизнес-таҳлил бўйича жуда кўп мисоллар келтириш мумкин, ammo тижорат ташкилотлари ҳақида гап кетганда, БТ одатда кўйидаги ҳолатлар учун ишлатилади:

Турли манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш. Бу булутли дастурлардан тортиб

маркетингни автоматлаштириш воситалари ва СРМ дастурларига қадар бўлиши мумкин.

Маълумотлар тўпламлари ичида қонуниятларни топиш учун ривожланган таҳлил ва статистикадан фойдаланиш. Ушбу намуналар келажақдаги тенденцияларни башорат қилишда ва истеъмолчи ва уларнинг хатти-

**ТУРЛИ МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ  
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ. БУ БУЛУТЛИ ДАСТУРЛАРДАН ТОРТИБ  
МАРКЕТИНГНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ ВА  
СРМ ДАСТУРЛАРИГА ҚАДАР БЎЛИШИ МУМКИН.**

**БИЗНЕС-ТАҲЛИЛЛАРИ  
ТУШУНЧА ОЛИШ  
ВА БИЗНЕСНИ  
РЕЖАЛАШТИРИШГА  
ЙЎНАЛТИРИШ УЧУН  
ЎТГАН БИЗНЕС  
НАТИЖАЛАРИНИ ДОИМИЙ  
РАВИШДА ТАКРОРИЙ  
ИЗЛАШ ВА ТЕКШИРИШ  
БЎЙИЧА КЎНИКМАЛАР,  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ВА АМАЛИЁТЛАРНИ  
АНГЛАТАДИ.**

ҳаракатлари тўғрисида янги тушунчаларга эга бўлишда ёрдам беради.

КПИ ва тенденцияларнинг реал вақт режимида ўзгаришини кузатиб бориш. Бу корхоналар учун нафақат ўз маълумотларини бир жойда тўплашни, балки тез ва аниқ хулосалар чиқаришни ҳам осонлаштиради.

Энг сўнгги маълумотларга асосланган қарорларни қўллаб-қувватлаш. Ўзингизнинг қарорларингизни асослашда фойдаланишингиз мумкин бўлган жуда кўп маълумотларни тақдим этган БТ билан сиз бир эмас, балки бир нечта турли хил сценарийлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эканлигингизга амин бўлишингиз мумкин.

Бу энг кенг тарқалган фойдаланиш усуллари бўлса-да, бизнесни таҳлил қилишнинг тўртта асосий йўли мавжуд. Улар энг содда босқичларидан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилади. Битта усул бошқасидан муҳимроқ эмас, барчаси БТни ишлатишда сизнинг мақсадингиз нима эканлигига боғлиқ бўлади.



Ушбу тўрт турдаги таҳлиллардан фойдаланганда маълумотларингизни тозалаш, турларга ажратиш ва қабул қилиш мумкин, бу сизнинг ташкилотингиз қандай қийинчиликларга дуч келмасин, ечимларни ишлаб чиқишга имкон беради.

① Таърифловчи таҳлил: тенденциялар ва қонуниятларни аниқлаш учун тарихий маълумотлар ва КРларни шарҳлаш. Бу ўтмишда нима бўлганлиги ва ҳозирги пайтда нима содир бўлаётгани ҳақида маълумотни йиғиш ва маълумотларни йиғиш техникаси ёрдамида яхлит тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Кўпгина компаниялар ҳаридорларнинг хатти-ҳаракатларини чуқурроқ кўриб чиқиш ва маркетинг стратегиясини ушбу миқозларга нисбатан қандай қўллаш мумкинлигини билиш учун тавсифловчи таҳлиллардан фойдаланадилар.

② Диагностик таҳлил: ўзига хос тенденциялар қайси элементларга таъсир қилишини аниқлаш учун аввалги кўрсаткичларга эътибор қаратади.

Бу муайян воқеаларнинг сабабини билиш учун қисқартириш, маълумотларни аниқлаш, маълумотларни топиш ва ўзаро боғлиқлик ёрдамида амалга оширилади. Воқеа содир бўлиши эҳтимоли ва ҳодиса нима учун рўй бериши мумкинлиги тўғрисида маълумотга эга бўлингандан сўнг, таснифлаш ва регрессия учун алгоритмлардан фойдаланилади.

③ Башоратли таҳлил: статистик моделлар ва машиналарни ўрганиш техникаси ёрдамида келажакдаги натижаларни прогноз қилиш ва баҳолаш учун статистикадан фойдаланади. Бу кўпинча муайян натижалар эҳтимоллигини аниқлайдиган моделларни яратиш учун тав-

сифловчи таҳлил натижаларини олади.

Ушбу тур кўпинча савдо-сотиқ ва маркетинг гуруҳлари томонидан ижтимоий тармоқлар маълумотлари асосида аниқ мижозларнинг фикрларини прогноз қилиш учун ишлатилади.

④ Тавсия мазмунидagi таҳлил: келажакда шунга ўхшаш вазиятларни қандай ҳал этишни тавсия қилиш учун аввалги маълумотлардан фойдаланади. Ушбу турдаги бизнес-таҳлиллари нафақат натижаларни аниқлайди, балки энг яхши натижага эришиш учун содир бўлиши керак бўлган аниқ ҳаракатларни ҳам тавсия қилиши мумкин. Бунга кўпинча чуқур ўрганиш ва мураккаб нейрон тармоқлари ёрдамида эришилади.

Ушбу турдаги бизнес-таҳлиллари кўпинча турли хил вариантларни истеъмолчининг реал вақт эҳтиёжларига мослаштириш учун ишлатилади.

Қайси усул билан боришни ҳал қилиш бизнеснинг мавжуд ҳолатига боғлиқ бўлади.

**БИЗНЕС-ТАҲЛИЛЛАРГА ЧУҚУР ШЎНҒИШ ПАЙТИДА СИЗ ҚАРОР ҚИЛГАН УСУЛ МАЗКУР ЖАРАЁННИ БОШЛАШДАН ОЛДИН ҚЎЙГАН МАҚСАДИНГИЗГА БОҒЛИҚ БЎЛАДИ. ҚАЙСИ УСУЛНИ ТАНЛАШИНГИЗДАН ҚАТЪИ НАЗАР, МАРРАДА СИЗНИ КУТИБ ТуРАДИГАН АНИҚ ТУШУНЧАЛАРНИ ТОПАСИЗ.**

### БИЗНЕС-ТАҲЛИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Энди у қандай ишлашини мухтасар айтадиган бўлсак, келинг, бизнес-таҳлилга қирадиган барча таркибий қисмларни ва унинг қимматли хулосаларини топиш учун қайси усуллардан фойдаланилаётганини кўриб чиқамиз.

БТга чуқур шўнғиш пайтида сиз қарор қилган усул мазкур жараёни бошлашдан олдин қўйган мақсадингизга боғлиқ бўлади. Қайси усулни танлашингиздан қатъи назар, маррада сизни кутиб турадиган аниқ тушунчаларни топасиз.

### МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚИДИРИШ ВА ТОПИШ

Маълумотларни қидириш ва топиш – бу борича ўрганиш, статистика ва маълумотлар базалари тизимлари ёрдамида дастлаб кўринмайдиган маълумотлар ҳа-



қидаги нуқтаи назарлар, тенденциялар ва бошқа ҳақиқатларни аниқлаш учун катта маълумотлар тўпламларини саралаш стратегияси, маълумотларни қидириш ва топшининг бизнес аналитикаси томонидан қўлланилиши мумкин бўлган бир нечта техникаси мавжуд, жумладан регрессия, кластерлаш ва ташқаридан аниқлаш.

Бу бизнесни таҳлил қилишнинг фойдали элементи, чунки бу қарорлар тезроқ ва самаралироқ қабул қилинишига олиб келади. Масалан, маълумотлар олиш орқали корхона йилнинг маълум вақтларида қайси мижозлар қандай маҳсулотларни сотиб олаётганини кўриши мумкин. Кейинчалик ушбу маълумотлардан ушбу мижозларни сегментларга ажратишда фойдаланилади.

### БАШОРАТ ҚИЛИШ (FORECASTING)

Бизнес аналитикасидан маълум бир давр ёки мавсум давомида содир бўлган жараёнларни таҳлил қилишда фойдаланилганда, корхоналар тарихий маълумотлар туфайли келажакдаги воқеалар ёки хатти-ҳаракатларнинг прогнози билан таъминланади.

Прогнозлаш турли хил вазиятларда ишлатилиши мумкин, масалан, маълум байрамлар атрофида чакана савдо ва баъзи воқеалар атрофида Интернет-қидирувларнинг фаоллашуви (масалан, мукофот намоиши ёки Super Bowl).

«Portent» компаниясининг таҳлилчиси ва стратегия бўйича эксперти Жеки Жефферс башорат қилишни стратегиянинг асосий қисми сифатида қўллаш муҳимлигини таъкидлайди. «Тарихий маълумотларга асосланиб башорат қилиш йиллик мақсадларни белгилашда ҳамда трафик ва конверсиялар каби онлайн фойдаланувчи хатти-ҳаракатларини башорат қилишда фойдалидир.



**БИЗНЕС АНАЛИТИКАСИДАН МАЪЛУМ БИР ДАВР ЁКИ МАВСУМ ДАВОМИДА СОДИР БЎЛГАН ЖАРАЁНЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА, КОРХОНАЛАР ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАР ТУФАЙЛИ КЕЛАЖАКДАГИ ВОҚЕАЛАР ЁКИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.**

Мижозлар саёҳати таҳлиллари конвертация босқичига қадар потенциал етакчи билан бирламчи ўзаро таъсирларни аниқлашга имкон беради. Нуқтаи назарга эга бўлиш тарбия жараёнидаги барча кесишув нуқталари орасидаги қадамларни оптималлаштиришга ва фойдаланувчи саёҳатини яхшилашга имкон беради.

«Бизнес-таҳлил нафақат етакчилик воронкангизни яратишга ёрдам беради, балки у сизнинг пастроқда турувчи қатламнингизга бошқа йўллар билан таъсир қилади. Масалан, кўнғирқорлар сонини прогноз қилиш call-марказида кадрлар ресурсларини оптималлаштиришга ёрдам беради. Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш нафақат фойдали, балки маълумотларга асосланган ва яхши ўйланган қарорлар қабул қилиш учун жуда муҳимдир».

### НИМА УЧУН БИЗНЕСНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МУҲИМ?

Бизнес-таҳлил ўз ичига оладиган жуда кўп ҳаракатланувчи қисмлар мавжуд, аммо БТ нима учун биринчи навбатда сизнинг ташкилотингиз учун муҳимлиги номаълум бўлиши мумкин.

Ишни янги бошлаётганлар учун бизнес-таҳлил сизнинг компаниянгиз муайян қарорларни қабул қилиши учун зарур бўлган воситадир. Ушбу қарорлар сизнинг бутун ташкилотингизга таъсир қилиши мумкин, чунки улар рентабелликни яхшилаш, бозор улушини ошириш ва потенциал акциядорларга катта даромад келтириши эҳтимоли катта.

Технологиялар бизнесга шу қадар таъсир қилиши инкор этилмайди, аммо тўғри ишлатилганда БТ сизнинг компаниянгизга яхшироқ таъсир қилиш имкониятига эга, чунки у турли компанияларга рақобатбардош устунлик беради.

Баъзи бир компаниялар катта ҳажмдаги маълумотлар билан нима қилишни билмаётган бўлишса-да, бизнес-таҳлилчилари компания сифатида қабул қилган қарорларингизни яхшилаш учун ушбу маълумотларни амалдаги тушунчалар билан бирлаштириш устида бош қотиришади.

Бундан ташқари, ушбу маълумотлар ҳар қандай форматда тақдим этилиши мумкинлиги сабабли сизнинг ташкилотингизда қарор қабул қилувчи шахслар ўзларига ва жараённинг бошида қўйган мақсадларингизга мос равишда хабардор бўлишади.

Аслида ҳар қандай соҳада бизнесни таҳлил қилишнинг тўртта асосий усули мавжуд:

- Сизнинг бизнесингизга нималар иш бераётгани ва иш бермаётгани тўғрисида аниқ тасаввур пайдо қилиш орқали иш фаолиятини яхшилайди.

- Қарорлар тезроқ ва аниқроқ қабул қилинишини таъмин этади.

- Хатарларни минималлаштиради, чунки бу бизнесда истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари, тенденциялари ва самарадорлиги бўйича тўғри танлов қилишга ёрдам беради.

- Истеъмолчи ҳақидаги саволларга жавоб бериш орқали ўзгариш ва янгиликлар қилинишини рағбатлантиради.

**БИЗНЕС-ТАҲЛИЛНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА  
ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ**

Савол билан бошланг: «Бизнес-таҳлилнинг татбиқ этилиши молия муассасаларига қандай фойда келтиради?» Медиа учун катта маълумотлар деб номланган ҳисобот туфайли биз бизнесни таҳлил қилиш сизнинг компаниянгизга катта фойда келти-

риши мумкинлигини биламиз, масалан, The Huffington Postнинг АҚШдаги энг кўп ташриф буюриладиган веб-сайтга айланиши. Бизнес-таҳлил ўйин қоидаларига катта таъсир этувчи омил саналади ва йилдан йилга ўсиб бориши кутилмоқда, чунки тобора кўпроқ ишлаб чиқариш тармоқлари ўз маълумотларидан фойдаланишни бошлайди. Одатда, жавоб уч қисмдан иборат:

Маълумотлар сизнинг бизнесингиз маданияти ва қарорларингизни ҳам қамраб олганига ишонч ҳосил қилинг.

Ушбу маълумотларни унификациялашган тарзда тақдим этинг (маълумотларни тақдим этиш қоидалари, аммо аксарият ҳолда жадваллар шаклида тақдим этилади).

Ушбу маълумотлардан ўзингизнинг бизнес мақсадларингизга эришиш учун фойдаланинг.

Бизнес-таҳлилни амалга ошириш режасини яратиш – бу дастлабки босқичдан олдинги қадам, лекин аслида уни амалга ошириш уч қисмдан иборат рўйхатни бошқариш каби оддий эмас. Корхоналарда моделлар турлича бўлганлиги сабабли аслида бир хил ечим йўқ. Аксарият бизнес талабларини жамлаш жараёни сингари, сиз ҳам ўзингизнинг бизнесингизни танқидий таҳлил

**МЕДИА УЧУН КАТТА МАЪЛУМОТЛАР ДЕБ НОМЛАНГАН  
ҲИСОБОТ ТУФАЙЛИ БИЗ БИЗНЕСНИ ТАҲЛИЛ  
ҚИЛИШ СИЗНИНГ КОМПАНИЯНГИЗГА КАТТА ФОЙДА  
КЕЛТИРИШИ МУМКИНЛИГИНИ БИЛАМИЗ, МАСАЛАН,  
THE HUFFINGTON POSTНИНГ АҚШДАГИ ЭНГ КЎП ТАШРИФ  
БУЮРИЛАДИГАН ВЕБ-САЙТГА АЙЛАНИШИ.**



қилишингиз ва ўзингизнинг аниқ вазиятингиз учун нима кераклигини билиб олишингиз лозим бўлади. Ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичларини, масалан, олинган ёки берилган даромадни, кўнғироқларнинг ўртача вақтини ва ички бюрократияга сарф қилинган ўртача вақтни эътибордан қочирманг. Ҳозир кенг қўламли бўлиши мумкин бўлган сабаб шундаки, бу компанияга ҳар бир ҳолат ҳар хил кўринади. Ўзингизнинг муваффақиятингизни ўлчаш учун ноёб ва мазмундор усулларни излаш сизнинг режангиз томон қўйиладиган биринчи муҳим қадамдир. Буни амалга оширгандан сўнг, маълумотларга амал қилиш осонроқ бўлади.

#### АНАЛИТИК ХУСУСИЯТЛАРИНГИЗНИ АНИҚЛАНГ

IBM маълумотларига кўра, бизнесни таҳлил қилишдан энг юқори даражада фойда кўрадиган соҳалар самарадорлик ва жараёнлардир. Технологик опе-

рациялар каби соҳалар қўшимча фойда келтиради. Сиз бизнес-таҳлил маълумотларини қаерда тарқатасиз (бутун компания бўйлабми ёки молия ёхуд маркетинг каби департаментлардами)? Бу компаниянгизга кўпроқ фойда келтириши мумкин, деб ўйлайсизми?

Бизнес-таҳлилни амалга ошириш режангизни тайёрлашда сизга керак бўлган ўзига хос хусусиятлар ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг. Дастурий таъминот сотувчиси битта эмас. Бизнесни таҳлил қилиш воситаларининг муайян рўйхатини тузишда Сизга ёрдам бериш учун жуда кўп ишладик ва айнан сизнинг ишингиз учун моё воситани топишга ёрдам берамиз.

#### ЎЗИНГИЗНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА КўРСАТКИЧЛАРИНГИЗНИ АНИҚЛАНГ

Бизнес-таҳлилни амалга ошириш режасини бажаришнинг ўзи муваффақиятни таъминла-

майди, худди қўлнинг исталган жойида балиқ овлаш овингиз бароридан келишини таъминла-маслиги каби. Аввал сувнинг балиқ кўп учрайдиган жойларига ўтишингиз керак. Бизнес олами деярли бир хил – бирор нарсага эришиш учун аниқ мақсадларни белгилашингиз лозим.

Тушунчалар ўлчовлардан келиб чиқади, улар ўз-ўзидан шунчаки маълумотлар нуқталари бўлиб, маълумотлар қандай қилиб тўпланганига қараб бир қатор ҳикояларни айтиб беришлари мумкин. Режалаштириш палласида саволларингизга жавоб бериш учун ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш усулларига эътибор беринг. Бизнес-таҳлилни режалаштириш муайян мақсад кўзлангандагина самаралироқ бўлади, катта, мавҳум концепция бу ерда иш бермайди.

Ҳар қандай маркетинг мутахассиси сизга бир марталик кампания ўтказишга уриниш ўрнига маълум бир аудитория билан алоқа ўрнатишингизни тавсия қилади ва бу сизнинг режангизни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

#### ХУЛОСА

Бизнес-таҳлилни амалга ошириш режаси сиздан жуда қийин саволларни ўртага қўйишни ва аналитиканинг сизнинг аниқ сценарийингиз учун қандай ишлашни баҳолашни талаб қилади. Фойдаланиш учун қулай, кенг, модулли ва тарқатиладиган аналитик тўпланми танлаб олиш қийин, албатта, ammo биз бизнес-таҳлилда қўл келадиган воситаларнинг рўйхатини яратиш учун ҳаракат қилдик ва агар сиз навбатдаги қадамни босишга тайёр бўлсангиз, биз ҳам сизга ёрдам беришга шаймиз.

Ўзбекистоннинг ҳозирги бозор шароитида бизнесни таҳлил қилиш воситаларини муваффақиятли татбиқ этиш бизнес юриштини осонлаштирибгина қолмай, унинг муваффақиятини ҳам таъминлайди.

### IBM МАЪЛУМОТЛАРИГА КўРА, БИЗНЕСНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДАН ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ФОЙДА КўРАДИГАН СОҲАЛАР САМАРАДОРЛИК ВА ЖАРАЁНЛАРДИР.





# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР

## 10 гектаргача иккиламчи ижарага берилиши мумкин

Манба: УРҚ-680-сон, 01.04.2021 й.

@huquqiyaxborot



✓ 18 ёшга тўлган, муомалага лаёқатли бўлган, ўзига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида берилган Ўзбекистон фуқароси ёки Ўзбекистон ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин.



### ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ



Деҳқон хўжалиги бошлигининг давлат хизматлари марказларига шахсан ташрифи воситасида.



Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳисобга қўйилади ёки давлат рўйхатидан ўтказилади. Бундан давлат божи ва йиғим ундирилмайди.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун 0,06 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда ер участкалари берилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг асосий экиндан бўшаган қисми 0,06 гектардан 10 гектаргача бўлган ўлчамда бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага (ичинчи шахсга бериш ҳуқуқисиз) берилиши мумкин.

✓ Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан деҳқон хўжалигининг ихтисослашуви асосида фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланилиши керак.

✓ Ер участкасида енгил конструкцияли иккисонналар ва бошқа иморатлар, шунингдек суғориш иншоотларидан ташқари иншоотлар ва иморатлар, шу жумладан ер ости иншоотлари аниқланган тақдирда.



• Бундай ер участкасида 10 бошгача чорва молни ўтлатишга йўл қўйилади.



• Ваколатли давлат органнинг ёзма тақдимномасига қўра деҳқон хўжалиги бошлиғи тақдимномани олган кундан эътиборан 15 кун ичида ихтиёрий равишда ўз ҳисобидан бузиб ташлаши ҳамда ер участкасини олдинги ҳолатга келтириши шарт.

✓ Деҳқон хўжалиги ўз ихтисослашувини, шу жумладан қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари ва ҳажмларини, уларни етиштириш ҳамда агротехник тадбирларни ўтказиш усулларини мустақил равишда белгилайди.

✓ Деҳқон хўжалиги ўзи ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда нархлар белгилайди.

✓ Деҳқон хўжаликлари тасарруфиде бўлган ер участкалари майдонларини уларнинг розилигисиз мақбуллаштиришга (қисқартиришга, ўзгартиришга ва бошқаларга) йўл қўйилмайди.

# ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ

Манба: УРҚ-681-сон, 01.04.2021 й.

@huquqiyaxborot



Томорқа хўжалиги – шахсий томорқа ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш билан боғлиқ меҳнат фаолияти.



Томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва уни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди.



Томорқа хўжалигини юритиш учун ажратилган шахсий томорқа ер участкасида етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусий мулкдир.



Томорқа хўжалигидagi фаолият шахсий томорқа ер участкаси эгасининг ва оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

### Томорқа хўжалиги қўйидаги ерларда амалга оширилиши мумкин:



Мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалиги учун ерлар, ўрмон фонди ерлари ҳамда аҳоли пунктлари ерларидан берилган ерлар.



Мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ерлар.



Майдони камида 0,04 гектар бўлган шахсий томорқа ер участкасида банд бўлган ёки мазкур майдонда шохли қорамол ёхуд камида 50 бош парранда боқаётган шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари ижтимоий солиқ тўлаши мумкин.



Томорқа хўжаликларининг ҳисоби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Томорқа хўжаликларини ҳисобга олиш реестрини шакллантириш орқали юритилади.



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЎРНИ

Сўнгги йилларда республикада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш масаласи давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Қайта тиклаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган иқтисодий чоралар сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти сезиларли даражада яхшиланишига ва миқдори ортиб боришига олиб келмоқда.



**Аббосхон Қодиров,**  
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бош офиси Транзакцион банкинг департаменти  
бош мутахассиси, Банк-молия академияси тингловчиси

Ўзбекистон жаҳон озиқ-овқат бозорининг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб, мамлакат 70дан ортиқ турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил январь-август ойлари маълумотларига кўра, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми бу даврда 979,8 минг тоннани ташкил этди ва қиймат жиҳатидан 595,6 миллион АҚШ долларидан ошди.

Республикада замонавий технологияларни жорий этиш орқали экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 55та ихтисослаштирилган минтақа ташкил этилди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги сектори ҳар йили 21 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот ишлаб чиқаради. Республика ҳудудида 350дан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда, шундан 180дан ортиқ янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ташқи бозорларга етказиб берилмоқда.

Ҳозирда 160 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, иссиқхоналарнинг умумий майдони 9 минг гектарни ташкил этади. Бундан ташқари, экинларни йиллик ишлаб чиқариш 600 минг тоннадан ошади. Интенсив боғларнинг майдони 45 минг гектарга етди.

2017 йилда янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш жисмоний ҳажмда 116 фоизга ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 107,8 минг тоннага ўсди ва 904,1 минг тоннани ташкил этди (<http://epauzb.uz/why-ru.html>).

Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти устувор ўринлардан бирини тутар экан, унда иқтисодий ислохотларни олиб бориш ва уни ривожлантиришдан барча манфаатдор ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни тубдан ислоҳ қилиш, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни жорий этишда фаолияти айнан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан чамбарчас боғлиқ бўлган тижорат банкларида ҳали тўлиқ ишламаётган имкониятларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

«2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорда «2021 йилда республика экспорт салоҳиятини тиклаш ва янада кенгайтириш мақсадида: ..."ишлаб чиқаришдан то хорижий истеъмолчигача" тамойили бўйича экспортчи ташкилотларга кўмаклашишда алоқадор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг горизонтал ва вертикал ўзаро ҳамкорликда ишлаши" механизмини назарда tutган ҳолда худудий экспорт штабларининг

тўлақонли фаолият юритиши таъминлансин» деб белгиланди (ПҚ-4949-сон, 14.01.2021 й.).

Аҳамият бериш лозимки, кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, шу жумладан МДХ мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилиги паст даражада эканлиги кузатилмоқда. Бундай шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини ошириш муаммоси юзага келади. Бу муаммоларни ҳал қилишда асосан уч хил ёндашув мавжуд бўлиб, биринчи ёндашувда ҳукумат давлат бюджети маблағлари ёки махсус ташкил этилган давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

экспорти билан шуғулланувчиларни кредитлашни таъминлайди. Бундай ёндашувда тижорат банклари молиявий воситачиси сифатида пассив роль ўйнайдилар ва одатда кичик миқдордаги фоиз ва маржа эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортчиларини кредитлашни амалга оширадидлар.

Иккинчи ёндашувда давлат тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортчиларига берилаётган кредитлар бўйича юзага келадиган кредитлар рискин тўлиқ ўз зиммасига олади. Яъни берилган кредит ўз вақтида қайтмай қолган тақдирда кредитнинг асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича юзага келган қарздорлик суммаси давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилади.

Учинчи ёндашувда тижорат банклари томонидан қишлоқ

**КўПЧИЛИК ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИДА, ШУ ЖУМЛАДАН МДХ МАМЛАКАТЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ КРЕДИТ ТўЛОВИГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ПАСТ ДАРАЖАДА ЭКАНЛИГИ КУЗАТИЛМОҚДА.**



хўжалиги маҳсулотлари экспортчиларига нисбатан паст фоиз ставкаларида имтиёзли кредитлар берилади. Имтиёзли кредитнинг паст фоиз ставкаси билан банк кредитлари бозор ставкаси ўртасидаги фарқ давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилади.

Халқаро амалиётда учинчи ёндашувнинг бошқаларига нисбатан самаралироқ эканлиги ўз исботини топган. Бу дегани, кредитнинг қайтиш даражасини ошириш, тижорат банкларининг кредит портфелида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун кредитларнинг барқарор салмоғини шакллантириш имконияти юзага келди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кредитлаш масаласи қатор хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Д.Макнотон (1993) «Ривожланаётган бозорларда банк муассасалари» мавзусида илмий-тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларни келаси ҳосилини гаровга олиш йўли билан кредитлаш уларнинг ти-

жорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини янада оширади, деб илмий хулосасини асослаб берган. Фикримизча, Д.Макнотоннинг ушбу илмий хулосаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг тижорат банклари амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Сабаби, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларда асосан юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги муаммоси мавжуд, шунингдек, келаси хосилни фьючерс шартномалари асосида қатъий белгиланган баҳоларда сотиш имконияти мавжуд эмас, кейин эса келаси хосилни суғурталаш тартибини

такомиллаштириш орқали қурғоқчилик, табиий офатлар сабабли ҳосилга зиён етган тақдирда ҳам берилган кредитни суғурта компаниясидан ундириш мумкин.

Е.Серова ҳамда Р.Янбихларнинг (1998) илмий хулосалари ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари, жумладан республикамыз учун ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. Сабаби, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларда юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги, рентабеллик даражасининг нисбатан пастлиги уларнинг банк кредитлари олиш имкониятини, яъни айланма маблағ-

**БАНК ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТЛАРСИЗ ҲЕЧ ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК ЯРАТИБ БЎЛМАЙДИ ВА МИЖОЗЛАРГА, ЖУМЛАДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ҚИЙИН. БОШҚА ДАВЛАТЛАРНИНГ БАНКЛАРИДА РАҚОБАТЧИЛИК ЮҚОРИ БЎЛГАНЛИГИ САБАБЛИ УЛАР ҲАР БИР МИЖОЗНИ ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ БИЛАН ЎЗИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ БОРАСИДА БОШ ҚОТИРИШАДИ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА МАЖБУР БЎЛИШАДИ.**



(наrx ва талаб ўзгариши) кўпчилик майда фермер хўжаликлари ўз маблағлари эвазига ёки ўз маблағлари билан ҳисса қўша олмаслигини кўрсатиб ўтган ҳамда уларнинг ривожланишини рағбатлантириш ва уларга ишониш, таклиф қилинган молиявий имкониятлардан фойдаланган ҳолда давлат бюджети томонидан молиялаштириш ва банклар томонидан қишлоқ хўжалигини кредитлашни ўрганишга эътибор қаратган. Бу тадқиқот асосан давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ёқлаганлиги сабабли у тўлақонли амалга ошишига шубҳа бор. Чунки, бизга маълумки, давлат томонидан бериладиган имтиёзларнинг керагидан ортиғи манфаатлар суиистеъмолига олиб келиши мумкин.

ларини тўлдиришни чегаралаб қўяди. Бундай шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларга тижорат банклари томонидан берилётган кредитларнинг фоиз ставкаларини ҳукумат томонидан субсидиялаш уларга берилётган кредитлар ҳажмини ошириш имконини беради. Буларнинг жами, яъни фоиз ставкаларининг субсидиялаштирилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларда кредитларни қайтара олиш имконини яратади, тижорат банклари учун муҳим саналган кредит рисклари сезиларли даражада камаяди ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётганлар учун маҳсулот таннархини камайтириб, экспортга йўналтирилган маҳсулотдан кўпроқ фойда олиш имконини беради.

МДХнинг бошқа таниқли олимлари ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти қилувчиларнинг салоҳиятини ошириш, хусусан, банкларнинг иштирокини фаоллаштириш масалаларига тўхталиб ўтишган. Хусусан, М.Чистякова (2016) ўз тадқиқотларидан бирида шу мавзу бора-

сида давлатнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётнинг аграр секторини молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишончли, таянса бўладиган кучли молиявий тизимни қуриш, молия секторини ривожлантириш, биринчи навбатда, тизимли ислохотлар, ресурс базасини кенгайтириш учун шароит яратиб бериш орқали банк секторини қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган масалаларни ўрганишга ҳаракат қилган. Чиндан ҳам, банк тизимида ислохотларсиз ҳеч қандай янгилик яратиб бўлмайди ва миқозларга, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига таъсир кўрсатиш қийин. Бошқа давлатларнинг банкларида рақобатчилик юқори бўлганлиги сабабли улар ҳар бир миқозни янги хизмат турлари билан ўзига жалб қилиш борасида бош қотиришади ва ислохотларни амалга оширишга мажбур бўлишади.

Л.Оганесян (2015) ўзининг тадқиқотларида нисбатан юқори бозор хатарларини ҳисобга олган ҳолда



## ҲОЗИРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЕТИШТИРИЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АКСАРИЯТ ҚИСМИ ФАҚАТ РОССИЯ ВА МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ БОЗОРИДА ҚИЗИҚИШ ҲЎҒОТАДИ. АФСУСКИ, РОССИЯДА ҲАМ УШБУ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ РАҚОБАТНИНГ КЎЧАЙИШИ САБАБЛИ БОРГАН САРИ ҚИСҚАРИБ БОРМОҚДА.

Н.Ефимова (2019) ўз изла-нишларида Россия Федерация-сида мавжуд молиявий инсти-тутлар мисолида экспортни қў-лаб-қувватлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни тадқиқ этган. Жумладан, экспорт билан эндигина шуғулланувчиларга ёр-дам бериш мақсадида улар учун қўлланма нашр қилинганлигини эътироф этадики, у ўзида барча хизматларни мужассам қилган, бажарилиши лозим бўлган, ҳар бир операция босқичма-бос-қич кўрсатиб ўтилган иловадан ташкил топган. Бундан ташқари, молиявий институтлар экспорт шартномаси харажатлари, жор-ий харажатларни молиялаш-тириш, экспортни молиялаш-тириш, тижорат кредитининг тўғридан-тўғри экспорт қилувчи хорижий харидорга бериладиган кредитларни молиялаштиришни таъминлаши тўғрисидаги фикр-лар батафсил келтириб ўтилган. Лекин бу тадқиқотда кўрсатил-ган ечимлар жаммуаси кўплиги-ни ҳисобга олган тақдирда ҳам бу банкларда катта рискларни келтириб чиқаришини кўриши-миз мумкин.

Республикаимиз иқтисод-чи олимларидан И.Бакиева, Н.Усмановалар (2015) ўзла-рининг тадқиқотларида қайта ишлаш корхоналарида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга фермерларни қизиқтирган шаклда ва ўз вақ-тида тўлаш имкониятини бериш керак, деб ёзадилар. Улар қайта ишлаш корхоналарининг ўзлари ҳам баҳорда айланма маблаг-ларга эга бўлмагани бос (аниқ-роғи, баҳорда фермерларга кўп пул керак) қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари ишлаб чиқарув-чиларини қўллаб-қувватлаш учун йирик банклар томонидан кредит линияси очишни бош-лаш йўналишларини тадқиқ этишга эътибор қаратганлар. Бу тадқиқотда банклар ишти-рокида кредит линияларини очиб қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни молиялаштириш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Ф.Додиевнинг (2017) фикри-ча, банклар томонидан экспорт салоҳиятини ошириш учун ин-вестиция лойиҳаларини молия-лаштиришга Ўзбекистон Рес-публикаси Тикланиш ва тарақ-қиёт жамғармаси маблағларини жалб қилиш лозим. Бундай л-й-иҳаларни молиялаштириш учун ушбу жамғармадан тижорат банкларига субординар қарз бе-риш механизмини йўлга қўйиш керак, деб ҳисоблайди у.

Бу, ўз навбатида, йирик ҳажм-даги маблағларга эга бўлган тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш фаолиятидаги ишти-рокини талаб этади. Давлат мо-лиявий кўмаги ҳамда тижорат банкларининг кредит маблағла-ри билан таъминланиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилув-чилар баъзи муаммоларга дуч келмоқдалар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларининг экспортчилари ҳали ҳам талаб қилинадиган сифатга эга бўлган маҳсулотнинг катта ҳажмини таъминлаб бера ол-маяптилар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилув-чиларнинг аксарияти страте-гик қарорлар қабул қилиш ва бозорни тўғри таҳлил қилишни

тўғри йўлга қўймаган. Жаҳон ис-теъмол бозорида қайси мева ва сабзавот турига талаб юқорили-гини тўлиқлигича ўрганмасдан, ўзларининг билими доирасида маҳсулот етиштириб, экспорт қи-лишмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжали-ги маҳсулотларини экспортга тайёрлаш билан шуғулланувчи баъзи брокерлар йигирма-ўттиз йиллардан бери бир хил тизимда ишлаб ўрганиб қолишган, улар кўпинча бир кун далада қолган маҳсулотни экспортга йўналти-ришади, мева ва сабзавотларни жойлаштириб солинадиган қу-тиларнинг тагига сифатсизроқ-ларини, устига эса сифатлисини жойлаштиришади. Натижада экспорт қилинган қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотлари чет элдаги мижозга топширилганда сифат билан боғлиқ муаммолар вужуд-га келади.

Шу билан бирга, қишлоқ хў-жалиги маҳсулотларини етиш-тиришда уларни мижозларга сифатини сақлаган ҳолда элтиб бериш, маълум вақт сақланиши-ни таъминлаш ва қадоқлаш каби асосий омилларни ҳисобга олиш жуда муҳимлиги инobatга олин-маяпти.

Бу вазибаларни амалга оширишда биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-рини экспорт қилишга тижорат банкларнинг таъсирини амал-га ошириш механизмларини мукамал ишлаб чиқиш, айниқ-са инновацион технологиялар-дан унумли фойдаланган ҳолда ҳозирги замон бозор иқтисодиё-ти субъектларига хос усулларни такомиллаштириш ва ишга ян-гича ёндашиш ҳамда рақамлаш-тирилган иқтисодиётни йўлга қў-йиш тақозо этилади.

Ҳозирда мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжали-ги маҳсулотларининг аксарият қисми фақат Россия ва МДҲ мамлакатлари бозорида қизи-қиш ҲўҒОТАДИ. АФСУСКИ, Рос-сияда ҳам ушбу маҳсулотлар бозори рақобатнинг кучайиши

сабабли борган сари қисқариб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда сифат ва табиий хусусиятларини йўқотмаган тарзда максимал даражада тайёрлаш учун замонавий техникалар кам. Шу боис ҳам айни пайтда хорижий давлатлардан мазкур жараёни амалга оширадиган замонавий техникаларни тижорат банклари молиялаштирадиган кредит линиялари орқали олиб келиш керак.

Энг муҳим восита бўлган ер учун ажратиладиган кредитлаш тизими яхши ривож топмаган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга кредит ёрдами вақтида етказиб бериш инвестиция учун қўшимча имкониятларни очиб беради. Бундай вазиятнинг сабаби зарурий маблағларнинг етишмаслиги, институционал инфратузилмани қўллаб-қувватлаш (ер, ипотека банклари, суғурта маб-

лағлари), кредитни қайтаришни таъминловчи воситалар (ипотека, опционлар, фьючерслар ва бошқалар) етарли эмаслигидан иборат.

Кредит рискин минималлаштиришдан уларни бошқаришга, инновацион дастурларни қўллашга ўтиш керак, кредитлаш жараёнини такомиллаштиришга ёрдам берадиган технологияларни қўллаш лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчилар олдида пайдо бўлиши эҳтимоли бўлган муаммоларни эрта аниқлаш учун банкнинг кредит портфелини ўз вақтида тузатиш чораларини қабул қилиш мақсадида доимий кузатув ўрнатиш зарур.

Тез бузилувчан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кредит берилаётганда кредитнинг қайтмаслик хавфини камайтириш учун фермер ва деҳқон хўжаликлари билан экспорт учун тайёрлов ёки қайта ишлаш корхонасига маҳсулотни

сотиш бўйича шартнома тузилган бўлган тақдирдагина тижорат банклари томонидан кредит берилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг кредитга бўлган талабини қондириш учун қишлоқ жойларда тижорат банкларининг микрокредит ташкилотларини ташкил этишни рағбатлантириш, солиқ соҳасида имтиёзлар бериш орқали уларни қўллаб-қувватлашнинг давом эттириш лозим.

Шунингдек, тижорат банкларининг ўқув марказларида экспортёр мижозларнинг малакасини ошириш бўйича бепул курслар ташкил этиб, бу ишга етакчи малакали мутахассисларни жалб қилиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини оширишга ёрдам бериш талаб этилади. Бу мижозларнинг банкка бўлган ишончини орттириши, уларнинг сони кўпайишига олиб келади ва экспорт амалиётида вужудга келадиган хато ҳамда рискларни камайтиришга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини тижорат банкларининг кредит ресурслари орқали оширишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда уни республикаимиз шароитини ҳисобга олган ҳолда татбиқ қилиш керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш, жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини кўтариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортдан тушган валюта тушумлари барқарорлигини таъминлаш республикаимиз экспортнинг асосий қисмини ташкил қиладиган ёқилғи-энергетика ва қимматбаҳо металлларга боғлиқлик даражаси пасайишига олиб келади, шунингдек қўшимча иш ўринлари яратилиб, маҳаллий аҳолининг даромадлари ошишига ва мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига катта ҳисса қўшади.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ ОРҚАЛИ ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИ ЎРНАТган ҳолда уни республикаимиз шароитини ҳисобга олган ҳолда татбиқ қилиш керак.



# КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЯПОН МОДЕЛИ ВА УНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ (MIZUHO FINANCIAL GROUP, INC. БАНКИ МИСОЛИДА)



Ушбу модель аввал тарихан континентал корпоратив бошқарув модели таъсири остида шакланган, сўнгра 90-йилларда мамлакатда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг элементи сифатида гавдаланди<sup>1</sup>. Япон модели ҳам акциядорлар, ҳам манфаатдор томонлар (стейкхолдерлар)нинг ҳуқуқлари ва манфаатларига алоҳида эътибор беради. Бу моделга компания акцияларини «кейрецу» таркибига кирувчи катта ва ўрта акциядорлар қўлида юқори концентрация, компаниялар акцияларига кесишувчан эгаллик қилиш хусусияти хосдир. Бундан ташқари, асосий ролни банк ташкилотлари ўйнайди ва улар ҳар бир саноат гуруҳининг фаолиятини белгилаб беради. Компания акцияларининг асосий қисми молия институтлари ва шўъба корхоналарига тегишли бўлади, аммо компания фаолиятини нафақат унинг акциядори,

<sup>1</sup> Кибанов А.Я. Мотивы соучастия персонала в деятельности организации и модели корпоративного управления // Кадры. Кадровый менеджмент. 2008. №12.

Япон корпоратив бошқарув моделида миллий маданиятнинг таъсири жуда катта ва сезиларли бўлиб, унда ижтимоий ҳамжамият ва корпоратив маданият муҳим элементлар ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш керакки, айнан миллий урф-одатлар таъсири остида корпоратив бошқарувнинг япон модели жуда ёпиқ ва фақат Японияда қўлланилади.



**Тоштемир Бердиев,**  
АТ «Халқ банки» Банк стратегияси ва инновацион ривожлантириш департаменти директори ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

балки энг йирик кредитори ҳам бўлган асосий банк томонидан мониторинг қилиш механизми орқали амалга оширилади. Қоидага кўра, кейрецу гуруҳнинг барча компанияларини молиялаштириши таъминлайдиган у ёки бу йирик банк атрофида тўпланади. Бу кейрецу таркибидаги компанияларни молия бозори бошқа иштирокчиларининг рейдерлик хавфидан ҳимоя қилади. Мамлакат қонунчилигидаги сўнги ўзгаришлар билан япон моделига Англо-Американ модели таъсири оша бошлади, самарали ривожланишга тўсқинлик қилган, деб ҳисобланиб акцияларга кесишувчан эгалик қилиш тушунчасига барҳам берилди бошлади. Мамлакат иқтисодиётида хорижий институционал сармоядорлар ўз иштирокини кўпайтира бошлагач, япон компаниялари Англо-Американ моделидаги каби бозорга, акциядорларга кўпроқ эътибор қарата бошладилар.

Расмий жиҳатдан Японияда корпоратив бошқарув органларининг тузилиши Англо-Американ моделидан фарқ қилмайди, шу билан бирга улар фаолиятининг норасмий (амалиётдаги) жиҳатлари сезиларли даражада фарқ қилади. Японияда нодавлат нотижорат уюшмаларининг ҳар хил турлари – касаба уюшмалари, профессионал уюшмалар катта аҳамиятга эга. Улар компанияларнинг юқори даражадаги менежменти ўртасида дўстона, ишончли муносабатларни сақлашда муҳим роль ўйнайди ва турли хил ўзаро маълумот алмашинувини осонлаштиради. Кейрецу учун ушбу турдаги энг нуфузли орган ҳар ой гуруҳнинг асосий компаниялари президентлари орасидан сайланадиган гуруҳ президентлик кенгаши ҳисобланади. Норасмий шароитда муҳим маълумотлар алмашинади ва асосий қарорлар муҳрама қилинади. Гуруҳ ичидаги ўзаро фаол жараёнлар ўрта ме-


нежмент даражасида, шунингдек техник мутахассислар даражасида содир бўлади.

Бугунги кунда Японияда компанияни бошқаришнинг иккита тизими мавжуд: аудиторлар тизими ва кўмиталар тизими. Бошқарувнинг биринчи тизими, яъни корпоратив аудиторлар тизимига кўра, компанияда қуйидаги органлар мавжуд: акциядорларнинг умумий йиғилиши, директорлар кенгаши, ижрочи директорлар, корпоратив аудиторлар кенгаши. Иккинчи тизимни компанияда акциядорларнинг умумий йиғилиши, директорлар кенгаши ва таркибдаги аудит комиссияси, номзодлар билан ишлаш кўмитаси ҳамда мукофотлар бўйича кўмита ва ижрочи директорлар ташкил қилади.

Япония компанияларидаги директорлар кенгаши расмиятчилик бўлиб, қарор бутун корпорация доирасидаги музокаралар ва таҳлил жараёнини ўз ичига олган ҳолда жамоавий равишда қабул қилинади<sup>2</sup>. Бошқача

## ЯПОНИЯ КОМПАНИЯЛАРИДАГИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ РАСМИЯТЧИЛИК БЎЛИБ, ҚАРОР БУТУН КОРПОРАЦИЯ ДОИРАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР ВА ТАҲЛИЛ ЖАРАЁНИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ҲОЛДА ЖАМОАВИЙ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

<sup>2</sup> Дробышевская Л.Н., Саломатина Е.В. Модели корпоративного управления: мировой опыт и российская практика [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.teoria-practica.ru/-5-2011/economics/drobyshevskaya-salomatina.pdf>.



**MIZUHO FINANCIAL GROUP, INC. – ТОКИОНИНГ ОТЕМАЧИ ХУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН ЯПОН БАНК ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ. АКТИВЛАРИ БЎЙИЧА 1,625 ТРЛН. АҚШ ДОЛЛАРИГА ЭГА ВА ЯПОНИЯДА ИККИНЧИ ЙИРИК МОЛИЯВИЙ ГУРУХ БЎЛИБ, MITSUBISHI UFJ FINANCIAL GROUP (MUFG) ВА SUMITOMO MITSUI FINANCIAL GROUP (SMFG) ДАН КЕЙИН УЧИНЧИ БАНК КОМПАНИЯСИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

айтганда, корпоратив бошқаруving япон моделини банк назорати ва молиялаштиришга асосланган тўлиқ ёпиқ тизим, деб таърифлаш мумкин. Японияда банк ва саноат гуруҳларида узок муддатли шериклик алоқаларини ўрнатиш бош банкнинг назорати билан олиб борилади, бу Англо-Американ моделига хос бўлган менежерлар фаолиятини назорат қилиш каби муаммоларни камайтиради.

Эътибор қаратмоқчи бўлган навбатдаги банкимиз бу Mizuho Financial Group, Inc. (MHFG) дир. Mizuho Financial Group, Inc. – Токионинг Отемачи хуудидида жойлашган япон банк холдинг компанияси. Активлари бўйича 1,625 трлн. АҚШ долларига эга ва Японияда иккинчи йирик молиявий гуруҳ бўлиб, Mitsubishi UFJ Financial Group (MUFG) ва Sumitomo Mitsui Financial Group (SMFG) дан кейин учинчи банк компанияси ҳисобланади. Бозор капиталлашуви жиҳатидан дунёда тўққизинчи ўринни эгаллайди. 60 мингдан ортиқ ходим фаолият олиб боради. Forbes Global 2000 дунёдаги энг йирик компаниялар рейтингига 2018 йилда 59-ўринни эгаллаган<sup>3</sup>.

Директорлар кенгашининг асосий вазифалари бизнесни бошқариш бўйича фаолият қонун-қоидаларга мувофиқ бўлиши, гуруҳ узок муддатли ривож-

ланиш стратегиясининг амалга оширилиши, бошқарув кенгаши томонидан белгиланадиган ҳамда директорлар ва мансабдор шахсларнинг вазифаларини бажаришини назорат қилиш каби бизнес масалалари бўйича қарорлар қабул қилишдир. Директорлар кенгаши, умуман олганда, Mizuho Financial Group, Inc. Президенти ва бош ижрочи директорга бизнесни қандай оид боришга оид қарорларни тезкор равишда амалга оширишда ёрдам беради ва назорат қилади. Директорлар кенгаши ўз фаолиятини асосан компания Устави ва Япония корпоратив бошқарув кодексига асосан олиб боради.

Директорлар кенгаши таркиби компания Уставига асосан 15 кишидан ошиб кетмаслиги зарур<sup>4</sup>. Директорлар кенгаши таркиби Япония корпоратив бошқарув кодекси 4.6 ва 4.8 тамойилларига асосан тузилади, директорларнинг бтаси ташқи ва 7таси ички, 2таси ижрочи бўлмаган директор сифатида хизмат қилади<sup>5</sup>.

Mizuho Financial Group, Inc. Директорлар кенгаши фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида кенгаш қошида 4та кўмита, 2та кенгаш ташкил қилинган<sup>6</sup>.

① Тайинлов кўмитаси (Япония Корпоратив кодексининг

3.1 iv, 4.1.3, 4.3, 4.10, 4.13.2 тамойиллари). Асосан Mizuho Financial Group, Inc.нинг бошқарувидан мустақил бўлган ташқи директорлардан иборат бўлиб, вазифаси директорларни тайинлашда холислик ва ошкораликни таъминлашдир.

Тайинлов кўмитаси қуйидагилар учун жавобгардир:

- Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиш учун Mizuho Financial Group, Inc. директорларини тайинлаш ва ишдан бўшатиш бўйича таклифларни тайёрлаш.

- Mizuho Financial Group, Inc. гуруҳининг уч асосий компаниялари ҳар бирининг директорларини тайинлаш ва ишдан бўшатиш;

- Mizuho Financial Group, Inc. да ваколатли директорларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, шунингдек учта асосий компаниянинг махсус унвонларига эга бўлган директорларни тайинлаш ва лавозимдан озод этиш.



Тайинлов кўмитасида камида уч (3) аъзо бўлиши керак. Умуман олганда, кўмитанинг барча аъзолари ва раиси ташқи директорлардан тайинланиши лозим.

② Рағбатлантириш кўмитаси (Япония Корпоратив кодексининг 3.1 iii, 4.2, 4.2.1, 4.13.2 тамойиллари). Асосан Mizuho Financial Group, Inc. нинг бошқарувидан мустақил бўлган ташқи директорлардан иборат бўлиб, вазифаси директорлар ва ижрочи директорларнинг ҳаққоний ва ошкора ҳаққ олишларини таъминлашдан иборат.

Рағбатлантириш кўмитаси қуйидагилар учун жавобгардир:

- ◆ Директорлар ва ижро этувчи ходимлар, шунингдек Mizuho Financial Group, Inc. ва учта асосий компаниянинг бошқарувчи директорлари учун иш ҳақи тизимини такомиллаштириш ва назорат қилиш;

- ◆ Mizuho Financial Group, Inc. нинг ҳар бир директори учун рағбатлантириш сиёсатини аниқлаш ва амалга ошириш;

- ◆ Mizuho Financial Group, Inc. гуруҳининг уч йирик компанияси ҳар бир директори учун рағбатлантириш сиёсатини аниқлаш ва амалга ошириш.

Рағбатлантириш кўмитасида камида уч (3) аъзо бўлиши керак. Умуман олганда, кўмита-

нинг барча аъзолари ва раиси ташқи директорлардан тайинланиши лозим.

③ Аудит кўмитаси (Япония Корпоратив кодексининг 4.4.1, 4.11, 4.13.2, 4.13, 4.13.1, 4.13.2, 4.13.3 тамойиллари). Директорлар ва ижро этувчи мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини бажариши қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини текширади. Тафтиш ўтказаятганда кўмита, зарурат бўлганда, хўжалик мулкни текшириш ҳуқуқига асосланган маълумотларни олади.

Аудит кўмитаси қуйидагилар учун жавобгардир:

- Кўмита Директорлар кенгашининг назорат функцияси ролида ҳаракат қилади. Директорлар ва мансабдор шахсларнинг вазифаларини бажаришини текширади;

- Mizuho Financial Group, Inc. ва унинг шўъба корхоналари ички назорат тизимини яратиш ва бошқаришни назорат қилади;

- Корпоратив бошқарув мажбуриятларининг шўъба корхоналари ва ижро этувчи мансабдор шахслар томонидан бажарилишини назорат қилади;

- Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиш учун аудиторларни тайинлаш, ишдан бўшатиш ва қайта тайинлаш тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди;

- Ички аудитнинг асосий режаларини, шунингдек, ички аудит гуруҳи бюджетини ва Бош аудиторнинг комиссиясини тайинлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- Ички аудит гуруҳи ва бошқалар билан самарали мувофиқлаштириш орқали Mizuho Financial Group, Inc. ва унинг филиалларида ички назорат тизимини яратиш ва бошқаришни амалга оширади.

Аудит кўмитасининг камида уч (3) аъзоси бўлиши талаб этилади. Умуман олганда, кўмитанинг кўпчилик аъзолари ва раи-

<sup>3</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Mizuho\\_Financial\\_Group#История](https://en.wikipedia.org/wiki/Mizuho_Financial_Group#История).  
<sup>4</sup> [https://www.mizuho-fg.com/investors/stock/pdf/incorporation\\_eng.pdf](https://www.mizuho-fg.com/investors/stock/pdf/incorporation_eng.pdf).  
<sup>5</sup> Japan's Corporate Governance Code.  
<sup>6</sup> <https://www.mizuho-fg.com/company/structure/governance/structure.html#supervision>.

# «Mizuho Financial Group, Inc.»нинг корпоратив бошқарув тузилмаси



Манба: <https://www.mizuho-fg.com/company/structure/governance/structure.html>

## «Mizuho Financial Group, Inc.»нинг Директорлар кенгаши қўмиталари тузилмаси



Манба: <https://www.mizuho-fg.com/company/structure/governance/structure.html#supervision>

си ташқи директорлардан тайинланиши керак.

④ Риск қўмитаси (Япония Корпоратив кодексининг 4.10 тамойиллари). Қўмита Директорлар кенгашига хавфларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш, назорат қилиш ва таваккалчиликларни бошқариш ҳолати каби масалалар бўйича маслаҳат беради.

Риск қўмитаси камида уч (3) аъзодан иборат бўлиши керак, улар Ижрочи бўлмаган директорлар ёки ташқи экспертлар бўлиши лозим.

⑤ Инсон ресурслари бўйича экспертлар кенгаши (Япония Корпоратив кодексининг 3.1 iv, 4.3, 4.1.3, 4.3.1, 4.3.2, 4.3.3, 4.10 тамойиллари). Кадрлар бўйича йиғилишда Компаниялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Mizuho Financial Group, Inc. раҳбар ходимларини лавозимга тайинлаш ва ишдан бўшатиш масалалари муҳокама қилинади.

Бундан ташқари, ходимларни текшириш бўйича йиғилишда урта асосий компаниянинг раҳбар ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ёки тайинлаш режалари муҳокама қилиниши керак. Ушбу махсус тартиб ички тартиб-қоидаларда белгиланган ва бундай режалар Директорлар кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим.

Ижрочилар ва ихтисослашган ходимларни тайинлашда ошкоралик ва адолатлиликни таъминлаш учун кадрлар бўйича экспертлар кенгаши таркибига тайинлов қўмитаси аъзолари, рағбатлантириш қўмитаси ва Бош ижрочи директор гуруҳи аъзолари қиради.

⑥ Ташқи директорлар кенгаши (Япония Корпоратив кодексининг 4.8.1, 4.8.2, 4.10, 4.11, ва 4.11.3 тамойиллари). Кенгашда мунозараларга фаол қатнашиш учун мустақил директорлар мустақил равишда ва объектив нуқтаи назардан маълумот алмашиш ва ўзаро хабардорликни



**MIZUHO FINANCIAL GROUP, INC. БОШҚАРУВИ ЎЗИДА ЯПОН АНЪАНАЛАРИНИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ АКС ЭТТИРГАН. БАНК ЯПОН МЕНТАЛИТЕТИНИНГ ХОС ХУСУСИЯТИ УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ЙўНАЛИШИНИ ТАЊЛАГАН. «БУГУНГИ КУННИ УНУТ ВА ЭРТАНГИ КУН ҲАҚИДА ЎЙЛА» – БУ ЁНДАШУВ БАНКНИНГ АСОСИЙ ШИОРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

ривожлантиришлари керак. Бунинг учун фақат битта мустақил директорлардан иборат кенгаш тузилган ва мунтазам йиғилишлар ўтказилади.

Mizuho Financial Group, Inc. бошқаруви ўзида япон аъналарини ва қоидаларини акс эттирган. Банк Япон менталитетининг хос хусусияти шуки, узоқ муддатли стратегик ривожланиш йўналиши танланган. «Бугунги кунни унут ва эртанги кун ҳақида ўйла» – бу ёндашув банкнинг асосий шiori ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Япон корпоратив бошқарув моделининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

① Банкларнинг асосий роли. Корпоратив бошқарув япон моделининг хусусиятларидан бири – бу банкларнинг муҳим аҳамиятга эгалигидир. Одатда

банк корпорациянинг ядросига айланади;


② Молиявий ва саноат тармоқларининг мавжудлиги;

③ Кейрецу;

④ Ходимларни умр бўйи жалб қилиш тизими ва корпоратив маданиятнинг аҳамияти;

⑤ Япон корпоратив бошқарув моделининг навбатдаги ўзига хос хусусияти – бу индивидуал инвесторлар улушининг камлигидир.

Булар молия бозорлари Япония иқтисодиётида муҳим роль ўйнамаслигини ва акциялар ва бошқа қимматли қоғозларнинг рентабеллиги масаласига катта аҳамият берилмаслигини кўрсатади. Япония корпорацияларининг асосий мақсади бозор улушини ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ. Бу ўз-ўзидан юқори кучли иқтисодий ёратмоқда.



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҚАНДАЙ СОЛИҚЛАР ТЎЛАНАДИ?

Банк мустақил солиқ тўловчи ҳисобланади (банк филиаллари бундан мустасно). Барча солиқлар ва ҳисоботлар Бош банк томонидан топширилади. Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳамда имтиёزلарни қўллаш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига, қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. «Тижорат банклари қандай солиқларни тўлайди?», деган саволимизга **Микрокредитбанк АТБ департамент директори ўринбосари Жўрабек Сагдуллаев** жавоб берди.

### Фойда солиғи

Банк фойда солиғининг объекти банк фаолиятининг натижаларига кўра олинadиган жами даромаддан «фойда ва зарарлар» тўғрисидаги ҳисоботга мувофиқ харажатлар чегирилган ҳамда тескари тартибда солиқ

базасига киритилadиган харажатлар суммасидан иборат. Фойда солиғи 20 фоизли ставка миқдорида амалга оширилади. Банкнинг солиққа тортиладиган фойдаси амалдаги қонунчилик асосида берилган имтиёзлар суммасига камайтирилади.

Фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, солиқ даври якунлари бўйича эса солиқ даври ўтгандан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай тақдим этилади.

Банк қуйидаги миқдорда ҳар ойлик бўнак тўловларини ҳисобот даври ҳар бир ойнинг 20-кунидан кечиктирмай тўлайди.

Жорий солиқ даврининг I чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўловининг сўммаси ўтган солиқ даврининг охириги чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўлови суммасига тенг этиб қабул қилинади.

**Фойда солиғи 20 фоизли ставка миқдорида амалга оширилади. Банкнинг солиққа тортиладиган фойдаси амалдаги қонунчилик асосида берилган имтиёзлар суммасига камайтирилади.**



Жорий солиқ даврининг II қоррагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси жорий йилнинг биринчи ҳисобот даври учун солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғи суммасининг 1/3 қисмига тенг этиб қабул қилинади.

Жорий солиқ даврининг III қоррагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси ярим йиллик якунларига кўра солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғининг суммаси ва биринчи чорак якунлари бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғининг суммаси ўртасидаги фарқнинг 1/3 қисмига тенг этиб қабул қилинади.

Жорий солиқ даврининг IV қоррагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси тўққиз ойлик якунларига кўра солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғининг суммаси ўртасидаги фарқнинг 1/3 қисмига тенг этиб қабул қилинади.

### МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ

Бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар,

## МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ 2 ФОИЗ МИҚДОРИДА ТЎЛАНАДИ. НОРМАТИВ (БЕЛГИЛАНГАН) МУДДАТДА ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ БЎЙИЧА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ИККИ БАРОБАР (4 ФОИЗ) СТАВКАДА ТЎЛАНАДИ.

темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Мол-мулк солиғи 2 фоиз миқдорда тўланади. Норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари бўйича мол-мулк солиғи икки баробар (4 фоиз) ставкада тўланади.

Солиқ даври мобайнида мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловлари тўланади. Бўнақ тўловлари миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун жорий солиқ даврининг 10 январигача мўлжалланаётган

солиқ базасидан ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилади.

Мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловлари мол-мулкка солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдоридан ҳар ойнинг 10-қунидан кечиктирмай тўланади. Солиқ даври учун тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси, бўнақ тўловлари ҳисобига олинган ҳолда, солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Мол-мулкка солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Агар кўчмас мулк солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, ҳисоб-китоб кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

### СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ объекти ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ҳажми ҳисобланади.

Солиқ миқдори ва йиллик ҳисоботлар ўсиб боровчи якун

СОЛИҚ МИҚДОРИ ВА  
ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАР  
ЎСИБ БОРУВЧИ ЯКУН  
БИЛАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ  
ВА 2021 ЙИЛДА 1 КУБ. МЕТР  
УЧУН ЕР УСТИ СУВЛАРИГА  
182.0 СЎМ ВА ЕР ОСТИ  
СУВЛАРИГА ЭСА 221.0 СЎМ  
МИҚДОРИДА СОЛИҚ  
ҲИСОБЛАНАДИ.



**Жўрабек Сагдуллаев,**  
Микрокредитбанк АТБ департамент директори  
ўринбосари

билан тақдим этилади ва 2021 йилда 1 куб. метр учун ер усти сувларига 182.0 сўм ва ер усти сувларига эса 221.0 сўм миқдорида солиқ ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлови чораклик ҳар чоракда учинчи ойнинг 20-санасидан кечиктирмай тўланади.

Солиқ даври учун бўнак тўловлари ҳисобга олинган ҳолда солиқни тўлаш солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ ҳисоботи бир йилда бир марта йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

#### **ЕР СОЛИҒИ**

Ер солиғи ҳақиқатда эгалланган ер участкасининг умумий майдони бўйича белгиланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқилади.

### **ЕР СОЛИҒИ ЙИЛЛИК СУММАСИНИНГ ЎН ИККИДАН БИР ҚИСМИ МИҚДОРИДА, ҲАР ОЙНИНГ 10-САНАСИГАЧА ТЕНГ МИҚДОРЛАРДА Тўланади.**

### **Қўшилган қиймат солиғи банклар томонидан 15 фоизлик ставкада тўланади. Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб кириш қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади.**

Солиқ ставкаларининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

Ер солиғи йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида, ҳар ойнинг 10-санасигача тенг миқдорларда тўланади. Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январигача бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ жорий солиқ даврининг 10 январига қадар тақдим этилади.

#### **Қўшилган қиймат солиғи**

Қўшилган қиймат солиғи банклар томонидан 15 фоизлик ставкада тўланади. Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига то-


варларни олиб кириш қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш бўйича айланмаларга нималар киритилиши Солиқ кодексининг тегишли моддалари билан белгиланган.

Солиқ солинадиган база акциз солиғини (акциз тўланадиган товарлар, хизматлар учун) ҳисобга олиб, унга ҚҚСни киритмаган ҳолда, битим тарафлари томонидан қўлланилган нархдан (таърифдан) келиб чиққан ҳолда реализация қилинадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати сифатида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 244-моддасига асосан ҚҚСдан озод этиладиган молиявий хизматлар қўшилган қиймат солиғига тортилмайди. Юқоридаги молиявий хизматлардан ташқари бошқа даро-





мадлар Солиқ кодексига белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғига тортилади. Солиқ солинадиган айланмалар учун қўшилган қиймат солиғи суммаси солиқ кодексига мувофиқ алоҳида-алоҳида усулда ҳисобга олинади (заҳёт қилинади).

Солиқ бўйича ҳисоботлар ўтган солиқ даврдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этилади. Солиқни тўлаш ҳар бир солиқ даврининг якунларига кўра, солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

### ИЖТИМОЙ СОЛИҚ

Ижтимоий солиқ 12 фоиз ставкада тўланади. Ижтимоий солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса молиявий ҳисобот топширилдиган муддатда тақдим этилади. Ижтимоий солиқни тўлаш ҳар

**ИЖТИМОЙ СОЛИҚ 12 ФОИЗ  
СТАВКАДА ТЎЛАНАДИ.**

ойда, ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз ставкада тўланади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш солиқ агенти сифатида банк томонидан амалга оширилади. Солиқ суммаси жисмоний шахсларга даромадларни тўлаш билан бир вақтда, лекин солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай тўланади. Банк ҳар ойда, ҳисобот даврдан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган даромадлар суммалари ҳамда ушлаб қолingan солиқнинг суммалари тўрисидаги маълумотларни солиқ органига тақдим этади.

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН  
ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД  
СОЛИҒИ 12 ФОИЗ  
СТАВКАДА ТЎЛАНАДИ.**

**НОРЕЗИДЕНТЛАРДАН  
ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД  
СОЛИҒИ 20 ФОИЗ  
СТАВКАДА ТЎЛАНАДИ.**

### НОРЕЗИДЕНТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ

Норезидентлардан олинадиган даромад солиғи 20 фоиз ставкада тўланади. Норезидентлардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш солиқ агенти сифатида банк томонидан амалга оширилади. Солиқ суммаси жисмоний шахсларга даромадларни тўлаш билан бир вақтда, лекин солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай тўланади. Банк ҳар ойда, ҳисобот даврдан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган даромадлар суммалари ҳамда ушлаб қолingan солиқнинг суммалари тўрисидаги маълумотларни солиқ органига тақдим этади.

**Фаррух Иззатуллаев  
суҳбатлашди.**

# МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Имтиёзлар ва преференциялар – солиқлар ва йиғимларни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш тарзида айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлардир. Улар Солиқ кодекси, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Президентининг қарорлари билан белгиланади. Мол-мулк солиғи, ер солиғи сингари солиқлар бўйича имтиёзларни бериш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Одатда, имтиёзлар ва преференциялар фаолиятнинг муайян соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожланишини рағбатлантириш, маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш учун тақдим этилади. Бунда имтиёзларнинг жорий этилиши ижтимоий адолат принциплари ва мувофиқ келиши лозим, яъни

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича яқка тартибда имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди (Тўлаков, Худойкулов, 2020).

Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти **солиқ имтиёзлари** деб эътироф этилади.

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИГА СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШ БЎЙИЧА МУДДАТНИ КЕЧИКТИРИШ (БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШ) ИМКОНИЯТИ БЕРИЛИШИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ҲИСОБЛАНМАЙДИ. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС.**



**Улуғбек Тўлаков,**  
Термиз давлат университети «Молия» кафедраси  
катта ўқитувчиси

Солиқ тўловчига солиқларни тўлаш бўйича муддатни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилиши солиқ имтиёзлари ҳисобланмайди. Солиқ имтиёзлари индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас.

Айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда ва (ёки) реализация қилинганда акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини камайтириш, лекин кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар солиқлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар юзага келган пайтдан эътиборан уларнинг бутун амал қилиш даври мобайнида фойдаланишга ёки солиқ имтиёзидан фойдаланишдан воз кечишга ёхуд ундан фойдаланишни бир ёки бир неча солиқ даврларида тўхтатиб туришга ҳақли, қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бундан мустасно.

Солиқлар бўйича имтиёзлар солиқ солишдан бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шarti билан берилиши мумкин. Бундай маблағлар мақсадли ишлатилмаган тақдирда мақсадсиз ишлатилган маблағлар суммаси белгиланган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундирилиши лозим. Солиқлар бўйича имтиёз-

**ПРЕФЕРЕНЦИЯ (ЛОТ. PRAEFERENTIA «АФЗАЛЛИК»)**  
– БУ АЙРИМ ДАВЛАТЛАРГА, КОРХОНАЛАРГА, ТАШКИЛОТЛАРГА ФАОЛИЯТНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН АФЗАЛЛИК, ИМТИЁЗ ҲИСОБЛанаДИ.

лар берилиши муносабати билан бўшаган ва мазкур имтиёзларнинг амал қилиш даврида фойдаланилмаган маблағлар суммаси берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати туғанидан сўнг бир йил давомида уларни тақдим этишда белгиланган мақсадлар учун йўналтирилиши мумкин. Бунда белгиланган муддатда фой-

даланилмаган маблағлар бюджетга ўтказилиши лозим (Солиқ кодекси, 2019).

**Преференция** (лот. praeferentia «афзаллик») – бу айрим давлатларга, корхоналарга, ташкилотларга фаолиятнинг айрим турларини қўллаб-қувватлаш учун



бериладиган афзаллик, имтиёз ҳисобланади.

Бу турдаги имтиёзлар солиқларни камайтириш, боғхона тўловларига чегирмалар, тўловлардан озод қилиш ва имтиёзли кредитлар бериш шаклида амалга оширилади.

Преференция давлат томонидан таъминланади ва мақсадга йўналтирилади.

Преференциялар инвестицион солиқ имтиёзлари сифатида инвестиция ва инновацион харажатларни молиялаштириш учун мақсадли шаклда белгиланади.

Солиқ преференцияларининг ҳудудий, тармоқ, мақсадли, функционал, интравектор, шошилич шакллари мавжуд. Улар функцияларига қараб таснифланади.

Шундай қилиб, солиқ преференцияларининг ҳудудий тури маълум бир соҳада ва устувор

зонада тараққиётни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Масалан, бу махсус иқтисодий, оффшор зонани ажратиш ва бошқаларга тегишли.

Солиқ имтиёзларининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар И.М.Александров, В.Н.Незамайкин, И.Л.Юрзинова, И.А.Майбуров, Б.Х.Алиев, Л.П.Павлова, С.В.Барулин, О.С.Кириллова, Т.В.Муравлёва, Е.Г.Ефимова, Е.Б.Поспелова, Н.В.Милякова ҳамда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари И.А.Завалишина, К.А.Яҳёев, Ш.Гатаулин, А.Ваҳобов, А.Жўраев, Т.Маликов, З.Қурбанов, Ф.Акрамов, О.Т.Юлдашев, Ф.Рахматуллаева ва И.Ниёзметовларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Улар ўз тадқиқотларида «Солиқ имтиёзи – бу солиқ юкининг оғирлигини камайтириш ва солиқ тўловчиларнинг янада самарали

фаолият кўрсатишларини рағбатлантириш мақсадида солиқ тўловчи ёки солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан таққослаганда тақдим этилган афзаллик бўлиб, у солиқ тўловчига солиққа тортиш миқдорини камайтириш, солиқ тўламаслик ёки қисман тўлаш, солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш имкониятини беради» деб эътироф этишган. Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш ва уларни такомиллаштириш доирасида бир қатор тавсиялар ва тақлифларни илмий асослаб беришган.

Н.В.Милякова «солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан таққослаганда афзалликлар тақдим этиш, жумладан солиқ ёки йиғимни тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти» деб таъриф берган (Милякова, 2008).

И.А.Майбуров ўзининг илмий ишларида солиқ имтиёзларининг шакллари ҳам кўрсатиб ўтган: «солиқ имтиёзларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи им-

**СОЛИҚ ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ТУРИ МАЪЛУМ БИР СОҲАДА ВА УСТУВОР ЗОНАДА ТАРАҚҚИЁТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШГА ҚАРАТИЛГАН. МАСАЛАН, БУ МАХСУС ИҚТИСОДИЙ, ОФФШОР ЗОНАНИ АЖРАТИШ ВА БОШҚАЛАРГА ТЕГИШЛИ.**



Ў.А. фотоси.

**2018 ЙИЛДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ЖИСМОНИЙ ШАҲСЛАР УЧУН КЎЧМАС МУЛККА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ ЁНДАШУВИДАН ФОЙДАЛАНМОҚДА. СОЛИҚ БАЗАСИ КАДАСТР ҚИЙМАТИ АСОСИДА ҲИСОБЛАНАДИ, БУ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЙМАТИДАН АНЧА ЮҚОРИДИР. ЙИЛЛАР ДАВОМИДА СТАВКАЛАР ЎЗГАРСА-ДА (ҲОЗИРГИ ВАҚТДА 0,25 ФОИЗДАН 0,35 ФОИЗГАЧА), ИМТИЁЗ ТОИФАЛАРИ ЎЗГАРИШСИЗ (ПЕНСИОНЕРЛАР, НОГИРОНЛАР, ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА БОШҚАЛАР), ИЛГАРИГИДЕК САҚЛАНИБ ҚОЛМОҚДА.**

тиёзлар ҳамда улар бир неча шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили» (Майбу-ров, 2011).

Т.А.Логинова ўзининг илмий қарашларида кўчмас мулкни жорий қилиш ва уни амалиётга татиқ этишда аҳолининг ижтимоий қатламини инобатга олиш лозимлигини қайд қилиб ўтган (Логинова, 2018).

Ўзбек олимларидан И.Ниязметов ҳам бу борада фикр юритиб, мол-мулк солиғи имтиёзларининг адолатсиз эканлигини таъкидлаб, имтиёз сифатида солиққа тортилмайдиган минимумни жорий қилиш таклифини илгари сурган (Ниязметов, 2018).

Ф.Раҳматуллаева эса солиқ имтиёзига иқтисодий категория сифатида куйдагича таъриф берган: «Имтиёзлар – бу иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир» (Раҳматуллаева, 2016).

А.Ваҳобов ва А.Жўраевлар «Солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил энгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин. Солиқ имтиёзларининг турлари, амал қилиш механизмлари,

белгилаш мезонлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, деб талқин этишган (Ваҳобов, Жўраев, 2019).

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мақолада хорижий давлатларда мол-мулк солиғи бўйича жорий қилинган имтиёзлар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди ва Ўзбекистонда қўллаш бўйича таклифлар ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, мамлакатимизда мол-мулк солиғи имтиёзлари таснифи аниқланди. 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон жисмоний шахслар учун кўчмас мулкка солиқ солишининг мутлақо янги ёндашувидан фойдаланмоқда. Солиқ базаси кадастр қиймати асосида ҳисобланади, бу инвентаризация қийматидан анча юқоридир. Йиллар давомида ставкалар ўзгарса-да (ҳозирги вақтда 0,25 фоиздан 0,35 фоизгача), имтиёз тоифалари ўзгаришсиз (пензионерлар, ногиронлар, ҳарбий хизматчилар ва бош-

қалар), илгаригидек сақланиб қолмоқда.

Натижада бир томондан солиқ суммаси ҳозирда ҳеч қандай имтиёз берилмаган камбағаллар учун кўпайса, бошқа томондан, амалдаги имтиёзга эга бўлганларни солиқлардан озод қилиш солиқ базасини анча камайтиради. Бундай шароитда солиқ базасини эҳтиёткорона «сақлаш» билан бирга, камбағаллар учун ҳаддан ташқари оғир бўлган солиқ юки муаммосини ҳал қиладиган имтиёзга эҳтиёж сезилади.

Мол-мулк солиғи солиқ тўловчининг реал даромадига боғлиқ бўлмаса-да, уни солиқ тўлашга ундайди. Шунинг учун ҳозирги пайтда кам таъминланган кўчмас мулк эгаси тўловга қодир бўлмаслиги мумкин (Johannesson-Linden, Gaer, 2012). Солиқ базаси ўсиб бориши билан фуқароларнинг айрим гуруҳлари: пенсионерлар, ногиронлар ва камбағалларга солиқ юкини энгиллаштириш айниқса муҳимдир (Youngman, 1996).

Мол-мулк солиғидан озод қилиш иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллар ўзаро таъсирининг ёрқин намунаси. Кўчмас мулкни имтиёзга солиққа тортишни белгилайдиган қонунчиликнинг мавжудлиги мулкнинг айрим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган турларини ёки унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож эгаларини солиқдан озод қилиш зарурлигини кўрсатади. Ушбу жамоатчилик талабини қондириш учун ҳукумат ижтимоий ҳарактердаги имтиёзларни қабул

**МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНING РЕАЛ ДАРОМАДИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАСА-ДА, УНИ СОЛИҚ ТЎЛАШГА УНДАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲОЗИРГИ ПАЙТДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН КЎЧМАС МУЛК ЭГАСИ ТЎЛОВГА ҚОДИР БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН. СОЛИҚ БАЗАСИ ЎСИБ БОРИШИ БИЛАН ФУҚАРОЛАРНИНГ АЙРИМ ГУРУҲЛАРИ: ПЕНСИОНЕРЛАР, НОГИРОНЛАР ВА КАМБАҒАЛЛАРГА СОЛИҚ ЮКИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ АЙНИҚСА МУҲИМДИР.**

қилмоғи зарур. Шу билан бирга, иқтисодий нейтраллик ва маъмурий самарадорлик тамойиллари имтиёзлар иложи борича камроқ бўлишини талаб қилади (Youngman, 1996).

Шуни таъкидлаш керакки, айрим тоифадаги фуқароларнинг тўлов қобилиятига оид хавотирлар кўчмас мулк солиғини ислоҳ қилиш учун тўсиқлардан бири бўлиши мумкин. Ислоҳот (солиқларни ошириш) мулкдорларнинг айрим тоифалари (масалан, кексалар) учун адолатсиз бўлиб туюлса-да, мавжуд имтиёзлар тизимининг янада адолатсизлиги эътиборсиз қолдирилиши мумкин (Slatsk, Bird, 2014).

Мол-мулк солиғи маҳаллий бюджет эҳтиёжларини қондирадиган солиқ бўлиб, бюджетдаги улуши жуда кам бўлса-да (бошқа солиқларга нисбатан), аҳолининг кам таъминланган қатлами учун керак бўлганда катта миқдорларни англатади. Айтайлик, 110 миллион сўм қийматидаги вилоят марказидаги 3 хонали 83 кв. м майдондан иборат квартира учун солиқ ставкаси 0,23 фоизни ташкил қилиб, у йил охирида 253,0 минг сўм солиқ тўлаши керак. Агар ушбу кўчмас мулкдан яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолияти (офис) сифатида фойдаланилса, у 2200,0 минг сўм солиқ тўлаши керак бўлади. Баъзи солиқ тўловчилар учун ушбу миқдор уларнинг ойлик даромадларидан ошиб кетиши солиқларни ўз вақтида тўлаи олмаслик хавфини туғдиради.

Аҳолининг айрим тоифалари учун кўчмас мулк солиғини жорий этиш оқибатларини юм-

## АҲОЛИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН КЎЧМАС МУЛК СОЛИҒИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ ҲАМДА ТЎЛАШГА ҚИЙНАЛАЁТГАНЛАР УЧУН СОЛИҚ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ УСУЛЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ЗАРУР.

шатиш ҳамда тўлашга қийналаётганлар учун солиқ бўйича имтиёзлар бериш усулларини кўриб чиқиш зарур. Булар одатда кам ёки ўзгарувчан даромадга эга бўлган ижтимоий гуруҳлар: пенсионерлар, ногиронлар, ишсизлар, боқувчисини йўқотган оилалар, кўп боғали оилалар ва қийин ҳаёт шароитида бўлган инсонлардир.

Бироқ шу тоифадаги барча фуқароларни ушбу гуруҳларга киритиш ва мол-мулк солиғидан тўлиқ озод қилиш шарт эмас. Бу ҳолда имтиёзлар жорий қилишнинг мақсади – мол-мулк солиғининг бошқа таркибий қисмлари ва уни бошқариш механизмлари билан биргаликда солиққа тортишининг адолатли бўлиши таъминланишини тушуниш мўҳимдир.

Фуқароларнинг кенг тоифалари, хусусан, пенсионерлар ва ҳарбийлар учун имтиёзларни камайтириш – бу оммабоп бўлмаган сиёсий қадам ҳисобланса-да, бу каби тоифадагиларнинг барчаси ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож эмас. Биринчи навбатда, мол-мулк солиғи маҳаллий солиқ сифатида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини субсидиялаш учун яроқсиз восита бўлиб туюлса-да, аҳолини даромадлари ва мол-мулкига қараб маҳаллий даражада фарқлашга тўғри келади.

Иккинчидан, маҳаллий бюджетларни молиялаштиришнинг бошқа усуллари жиддий камчиликларга эга (Youngman, Malme, 2004), шунинг учун мол-мулк солиғи базасидан тежамли фойдаланиш яхшироқ. Учинчидан, бундай имтиёзлардан бадавлат фуқаролар солиқ тўлашдан «қонуний» қочиш учун фойдаланишлари мумкин, натижада ҳамма бундай солиқни ўта адолатсиз деб билади.

Шундай қилиб, бир томондан, камбағалларга ортқича солиқ юки тушишига тўсқинлик қиладиган ва умуман олганда идрок этилган адолат талабини қондирадиган, иккинчидан, самарасиз имтиёзга айланмайдиган мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш лозимлиги масаланинг долзарблигини белгилайди.

Хорижий давлатлар тажрибаси мол-мулк солиғи бўйича чегирмалар ва имтиёзларни чекланган тарзда қўллашда яққол исбот бўла олади. Ушбу мақолада биз хорижий тажриба асосида камбағалларга имтиёзлар беришнинг энг замонавий усулларини кўриб чиқамиз ва кейин уларни Ўзбекистонда қўллаш бўйича таклифлар ва тавсияларни келтириб ўтаемиз.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида имтиёзларнинг иккита асосий гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин. Имтиёзларнинг биринчи гуруҳи солиқ базасини камайтириш орқали солиқ тўловчиларни солиқдан озод қилса, иккинчи гуруҳи якуний тўловни камайтириш орқали солиқни кечиктириш ва қўри солиқ юкидан ҳимоялаш каби афзалликларни тақдим этади.

**МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРАДИГАН СОЛИҚ БЎЛИБ, БЮДЖЕТДАГИ УЛУШИ ЖУДА КАМ БЎЛСА-ДА (БОШҚА СОЛИҚЛАРГА НИСБАТАН), АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМИ УЧУН КЕРАК БЎЛГАНДА КАТТА МИҚДОРЛАРНИ АНГЛАТАДИ.**

АҚШда «Уйларимизни қутқаринг» деган шиор остида қайта баҳолашда уй-жойлар кадастр қийматининг ўсиши бўйича чекловчи қонунлар қабул қилинган. Натижада қайта баҳолашда ўсиш йилига 3 фоиз билан чекланадиган ва солиқ ставкаси 2 фоиздан ошмайдиган бўлди.

Ўзбекистонда фуқаролар учун икки хилдаги, яъни солиқдан тўлиқ озод қилиш ва турар жой объектнинг 60 кв.м қисмига тўғри келадиган мулк қийматини солиқ базасидан чегирмалар тарзидаги имтиёзлар кўзда тутилган. Камбағал фуқароларга ёрдам беришда яна бир кенг тарқалган ва ҳозирда қўлланмайдиган имтиёз тури бу солиқ базасидан чегирма бўлиб, ундан мамлакатимиз мол-мулк солиғи имтиёзларида фойдаланиш мумкин.

Чегирмалар беришнинг халқаро тажрибасини Канада мисолида кўриб ўтамиз. Канадада мол-мулк солиғини камайтириш (камайтириш, бекор қилиш ёки қайтариш) одатда махсус ҳолатлар (касаллик ёки қашшоқлик) билан боғлиқ. Ушбу имтиёз бир йил давом этади ва солиқ тўловчи имтиёзни янгилаш учун ўз позициясини исботлаши керак. Бундай имтиёзлар муниципалитет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу имтиёзлар, худди грантлар каби, ҳақиқатан ҳам муҳтожларни аниқлаш осон бўлган кичик муниципалитетлар учун кўпроқ мос келади (Kitchen, 2013).

Мол-мулкка солиқ юкини камайтириш механизми бўлган баҳоланган қийматдан чегирмалар Канадада бошқа имтиёзлар сингари кенг тарқалмаган. Ҳар бир мулкка нисбатан бундай имтиёздан фойдаланиш мол-мулк солиғининг прогрессив тизимига олиб келади. Чегирмаларнинг маълум бир камчиликлари шундаки, улар тўлов қобилиятига эмас, балки мол-мулкнинг баҳоланган қийматига боғлиқ бўлиб, имтиёзга муҳтожларга солиқ

юкини самарали равишда камайтира олмайди (Slatsk, 1989).

Агар имтиёз фақат ёшга боғлиқ бўлса, унда тўлов қобилиятини эътиборсиз қолдирмаслик керак. Шунингдек, агар имтиёз даромад билан боғлиқ бўлса, унда мол-мулк қийматини эътиборсиз қолдирмаслик лозим.

Мулк солиғини кечиктирувчи имтиёзлар одатда мол-мулк солиғини тўлашга қийинаётган кекса одамларга ёрдам бериш учун жорий этилади. Ушбу имтиёзлар пенсионерларга солиқ мажбуриятлари уларнинг тўлов қобилиятидан ошмаслигига кафолат бўлиб, солиқлар даромадларининг озгина қисми билан қопланишига сабаб бўлади.

АҚШнинг Миннесота штатидаги солиқ тўловларини кечиктириш учун ўрнатилган тартибни кўриб чиқадиغان бўлсак, маҳаллий тўловларни кечикти-

риш даромадлари йилига 60000 доллардан ошмайдиган 65 ёшдан ошган солиқ тўловчиларга мол-мулк солиғи бўйича мажбуриятларининг маълум қисмини тўлашни кечиктиришга имкон беради (Хавмен, Sekston, 2008).

Кечиктириш солиқ мажбуриятларини бекор қилмайди, балки давлат бюджетидан имтиёзли кредит беради. Шунингдек, солиқ тўловчи мол-мулк солиғини йиллик даромаднинг 3 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда тўлашни давом эттиради. Қолган сумма давлат бюджети ҳисобидан қопланади ва маҳаллий бюджет зарар кўрмайди.

Ушбу ёндашув бюджет маблағларини сарфлаш нуқтаи назардан тежамкор ҳисобланса-да, унинг қуйидаги камчиликларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Биринчидан, маҳаллий бюджетнинг даромадлари асосан

## АҚШда «УЙЛАРИМИЗНИ ҚУТҚАРИНГ» ДЕГАН ШИОР ОСТИДА ҚАЙТА БАҲОЛАШДА УЙ-ЖОЙЛАР КАДАСТР ҚИЙМАТИНИНГ ЎСИШИ БЎЙИЧА ЧЕКЛОВЧИ ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН. НАТИЖАДА ҚАЙТА БАҲОЛАШДА ЎСИШ ЙИЛИГА 3 ФОИЗ БИЛАН ЧЕКЛАНДИГАН ВА СОЛИҚ СТАВКАСИ 2 ФОИЗДАН ОШМАЙДИГАН БЎЛДИ.





мол-мулклари гаровга қўйилган кечиктирувчи имтиёз иштирокчиларнинг келажақдаги мажбуриятлари ҳисобига шакллана бошлайди. Бироқ ушбу активлар ликвидсиз эканлиги аниқ ва уларни минтақадаги ривожланиш лойиҳаларини молиялаштириш учун ишлатиш қийин. Бундан ташқари, АҚШда бўлган сингари, Ўзбекистонда узок муддатли истиқболда «Уйлари мизни кутқаринг» шиори остида ушбу қарзлардан кечиш хавфи туғилиши мумкин.

Иккинчидан, мерос пайтида қарзни тўлаш зарурати нафақат янги ворислар, балки пенсионерларнинг ўзлари учун ҳам адолатсиз бўлиб туюлиши мумкин, бу эса шу каби имтиёзларнинг сиёсий истиқболларига шубҳа туғдиради, чунки пенсионерлар Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисмини ташкил қилади. Шунинг учун имтиёзлар беришнинг янада мақбул механизмини излаш керак.

Хорижий давлатларда ҳам мол-мулк солиғи маҳаллий ва минтақавий ҳукумат учун асосий даромад манбаи бўлишига қарамай, адолатсиз деган фикр ҳукмронлиги сабабли бошқа солиқлар орасида самарасиз ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни адолатсиз таъминлаш фуқароларнинг солиқни рад этишига олиб келиши ҳам мумкин (Doherty, 1999). Аммо бунинг акси сифатида яхши ишлаб чиқилган имтиёзлар ушбу солиқнинг самарасизлиги билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг олдини олади.

Камбағал фуқаролар солиқ тўлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келишлари эҳтимоли кўпроқ бўлганлиги сабабли, имтиёз турларини солиқ тўловчининг даромадлари билан боғлаш керак. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларнинг ушбу тури АҚШ ва Канадада «circuit-breaker» деб номланади, яъни «ҳимояловчи» ёки «суғурта» деган маънони

англади, худди «сақловчи» уй электр тармоғини қисқа туташув ва ёнғин хавфини келтириб чиқарадиган хавфли ортиқча юклардан ҳимоя қилгани сингари, у ҳам солиқ тўловчилар молиявий ҳолати учун хавфли бўлган ортиқча солиқ юкидан ҳимоя қилади.

Биз ҳимояловчи деб атайдиган ушбу имтиёзларнинг турли хил вариантлари мавжуд, аммо уларнинг барчаси бир хил ишлайди. 1973 йилда АҚШнинг Висконсин штатида жорий қилинган ҳимояловчи имтиёзга тўхталамиз. Имтиёз олиш учун тўртта мезон бажарилиши керак (Bendick, 1974):

① Фойда олувчи давлатнинг вояга етган резиденти бўлиши ва охириги уч йил ичида, шу

жумладан, ҳозирги кунга қадар қарам бўлмаслиги керак.

② Имтиёз олувчининг даромади миқдори белгиланган 7000 доллардан ошмаслиги лозим.

③ У бир вақтнинг ўзида камбағаллар учун бошқа имтиёзларни олмаслиги керак.

④ У мол-мулк солиғини тўлайдиган уйда яшаши ёки ижарачи бўлиши лозим (АҚШда уйни ижарага бериш нархининг тахминан 25 фоизи мол-мулк солиғи бўлиб, уни уй эгаси ижарачига топширади).

Мол-мулк солиғи суммаси, агар солиқ тўловчилар йиллик даромади 3500 дан 7000 долларгача бўлганда, улар даромадларининг 14,3 фоизи сифатида ва йилига 3500 доллардан паст

даромадга эга бўлган солиқ тўловчилар учун эса 0 фоиз миқдорида белгиланади.

Солиқ мажбуриятларининг белгиланган мол-мулк солиғи суммасидан ошиб кетиши давлат томонидан 80 фоиз субсидияланади. Қолган 20 фоизни эгасининг ўзи тўлаши керак бўлади. Шундай қилиб, имтиёзли тоифалар солиқлардан қисман озод қилинади. Бундай ҳолда имтиёз олувчи маҳаллий бюджет харажатлари учун солиқ мажбуриятини сақлаб қолади.

Ҳимояловчи имтиёз мол-мулк солиғи самарали бўлишини таъминлайди ва камбағал фуқароларни ортиқча солиқ юкидан ҳимоя қилади. Мол-мулк солиғи ҳимояловчи имтиёз билан биргаликда кўчмас мулкнинг бозор

қийматидаги соф солиқ билан солиштирганда иккинчи ўринда туради (Bendick Jr, 1974). Бир томондан, бу сиёсий жиҳатдан жуда мақбул бўлса, бошқа томондан, солиқ назарияси нуқтаи назарида қўллаб-қувватланади ва камчиликлардан холи ҳисобланади.

Ҳимояловчи имтиёзнинг қўшимча афзаллиги бу солиқ агентлари иқтисодий хулқ-атвори бузилишининг олдини олишдир. Кенг қўламадаги имтиёзлар уй-жой нархини капитализация қилиб, уни кўпайтирсан-да, камбағалларга мўлжалланган имтиёз бундай таъсирга эга эмас, чунки уни уй сотиб олиш учун кучли рағбат сифатида қабул қилиш қийин (Anderson, 2014).

Умумий ажратмалар ва тоифали имтиёзлар ночор солиқ

тўловчининг муаммосини ҳал қилишда самарасиз. Ушбу муаммони ҳал қиладиган имтиёзлар махсус тарзда тартибга солиниши, аниқ тўловга қодир бўлмаган фуқаролар солиқдан (камида қисман) озод қилиниши керак. Кам таъминланган оилаларга уй-жой коммунал хизматларига ҳақ тўлаш учун имтиёзлар берилгани каби, жисмоний шахсларга мол-мулк солиғи бўйича ҳам имтиёз берилиши лозим.

Ҳимояловчи имтиёзнинг муҳим хусусиятларидан фақат чегирманинг максимал миқдорини чеклайдиган ва жуда бой фуқароларга имтиёздан фойдаланишга имкон бермайдиган чегарани қолдириш керак.

Чегирманинг максимал миқдори Ўзбекистон қонунчилигида

**СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ СУММАСИДАН ОШИБ КЕТИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН 80 ФОИЗ СУБСИДИЯЛАНАДИ. ҚОЛГАН 20 ФОИЗНИ ЭГАСИНИНГ ЎЗИ ТЎЛАШИ КЕРАК БЎЛАДИ. ИМТИЁЗЛИ ТОИФАЛАР СОЛИҚЛАРДАН ҚИСМАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ. БУНДАЙ ҲОЛДА ИМТИЁЗ ОЛУВЧИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ УЧУН СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИ САҚЛАБ ҚОЛАДИ.**

**МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ СУММАСИ, АГАР СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ЙИЛЛИК ДАРОМАДИ 3500 ДАН 7000 ДОЛЛАРГАЧА БЎЛГАНДА, УЛАР ДАРОМАДЛАРИНИНГ 14,3 ФОИЗИ СИФАТИДА ВА ЙИЛИГА 3500 ДОЛЛАРДАН ПАСТ ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЭСА 0 ФОИЗ МИҚДОРИДА БЕЛГИЛАНАДИ.**



## ИМТИЁЗНИНГ ЯНА БИР ЎЛЧОВИ – КАМБАҒАЛЛАРНИ АНИҚЛАШДИР. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КАМБАҒАЛ ФУҚАРОЛАР ДАВЛАТНИНГ МАЪЛУМ БИР СУБЪЕКТИДА ДАРОМАДЛАРИ ЯШАШ ДАРАЖАСИДАН ПАСТ БЎЛГАНЛАР, ЯЪНИ КАМ ТАЪМИНЛАНГАНЛАР ДЕБ ҲИСОБЛАНСА-ДА, МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ КОНТЕКСТИДА БОШҚА ТАЪРИФЛАРДАН ҲАМ ФЙДАЛАНИШ МУМКИН.

«яшаш майдонларини ҳисобга олиш даражаси» деб номланган ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланадиган уй-жой шароитлари сифатининг минимал стандартига асосланиши мумкин. Масалан, мамлакатимизда муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жойлар фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ берилади. Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси вилоят ҳокимликлари томонидан 1 киши ҳисобига 16 кв. м. дан кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло аравачада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса 23 кв. м. дан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади (Уй-жой кодекси, 1998).

Уч кишилик оила учун 48 кв. м. уй-жой етариллигидан келиб чиқиб, бундай уй-жой нархи ва солиқ ставкаси жойлашган жойга боғлиқ бўлиб, унинг кадастр қиймати қишлоқ жойларда 20 млн., шаҳар жойларда 60 млн. атрофида бўлади. Белгиланган ставкалар бўйича ушбу уй-жой учун солиқ суммаси мутаносиб тарзда 84 минг ва 150 минг сўмни ташкил этади – бу уч кишилик оила учун солиқ имтиёзларининг мумкин бўлган ҳажмидир.

Шубҳасиз, юқоридаги схема бўйича имтиёз даражаси оиланинг катталигига, қаерда (қишлоқда ёки шаҳарда) яшашига ва уй-жой нархига боғлиқ. Шу билан бирга, имтиёзни солиқ ставкаси билан боғлаш номақбул ҳолатдир. Агар биз ушбу масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, имтиёзни кўчмас мулк майдони-

га боғлаш номақбул бўлишини ва камбағал аҳолига имтиёзлар етарлича бўлмаслигини кўра-миз.

Имтиёзнинг яна бир ўлчови – камбағалларни аниқлашдир. Ўзбекистондаги камбағал фуқаролар давлатнинг маълум бир субъектида даромадлари яшаш даражасидан паст бўлганлар, яъни кам таъминланганлар деб ҳисобланса-да, мол-мулк солиғи контекстида бошқа таърифлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳимояловчи имтиёз бюджет маблағларини мол-мулк солиғи базаси емирилишига олиб келмайдиган тарзда сарфлашда жуда тежамли бўлиб, имтиёзга муҳтож солиқ тўловчиларга максимал даражада ёрдам кўрсатади. Бу мамлакатимиздаги жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича маҳаллий бюджетларни етарли даражада тўлдириш учун мўлжалланган энг истиқболли йўналиш эканлигидан далолат беради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз 4-5 миллион (жами аҳолининг 10-15 фоизи) камбағал аҳолисининг даромадлари

шунчалик пастки (йиллик 10-12 млн. сўмни ташкил этади), қўлидаги даромадларининг 5 фоизга камайиши улар учун ҳалокатли бўлиши мумкин. Шунинг учун уларнинг солиқ мажбуриятлари йиллик даромадининг 5 фоизидан ошганда солиқдан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Мамлакатимизда ҳимояловчи имтиёз ўлчов бирликларини ромад миқдори таъсирини башорат қилиш мақсадида куйидагича белгиланиши мумкин:

① Имтиёз бериладиган даромад миқдори чегараси (йиллик): 12 млн. сўм.

② Энг юқори солиқ суммаси: даромаднинг 5 фоизи.

③ Даромаддан ортиқча субсидияланадиган миқдор: 100 фоиз.

④ Максимал имтиёз миқдори: 500 минг сўм.

⑤ Имтиёз барча кам даромадли фуқароларга берилади.

⑥ Қўшимча чекловлар йўқ.

Эътибор беринг, солиқ ставкалари турлича бўлганда, имтиёзлар бироз бошқача ишлай бошлайди. Таърифта кўра, барча имтиёзлар солиқ базасини камайтиради, бу эса бюджет эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларини юқори ставкаларни жорий этишга мажбур қилади. Имтиёзнинг нотўғри қўлланилиши (унинг имтиёзларни тақсимлашга таъсири) қанчалик кўп бўлса, солиқ базасини шунчалик кучли ва номутаносиб равишда камайтиради. Шундай қилиб, тоифали

**МАМЛАКАТИМИЗ 4-5 МИЛЛИОН (ЖАМИ АҲОЛИНИНГ 10-15 ФОИЗИ) КАМБАҒАЛ АҲОЛИСИНING ДАРОМАДЛАРИ ШУНЧАЛИК ПАСТКИ (ЙИЛЛИК 10-12 МЛН. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ), ҚЎЛИДАГИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ 5 ФОИЗГА КАМАЙИШИ УЛАР УЧУН ҲАЛОКАТЛИ БЎЛИШИ МУМКИН. ШУНИНГ УЧУН УЛАРНИНГ СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИ ЙИЛЛИК ДАРОМАДИНИНГ 5 ФОИЗИДАН ОШГАНДА СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ БЎЛАДИ.**

имтиёз мол-мулк солиғида катта таъсир кучига эга бўлади.

Мамлакатимизда мол-мулк солиғи ислохотлари (маҳаллий бюджетларни тўлдириш) асосида, энг жозибадор солиқ базаси камайишининг олдини олиш учун ҳимояловчи имтиёзлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Давлат даражасида ҳимояловчи имтиёзни жорий қилиш бўйича умумий чекловларни белгилаш муҳимдир. Аҳолининг даромадлари даражасидаги минтақавий фарқлар, уй-жой нархи, захираларнинг тенг тақсимланмаганлиги ва ҳудудларни ривожлантиришнинг турли устувор йўналишлари туфайли имтиёзларнинг ўзига хос параметрлари (ҳимояловчи имтиёз-ни тўлиқ аниқлайдиган ўлчов бирликлари) давлат даражасида белгиланиши керак. Ушбу даражада имтиёзларни жорий қилиш учун зарур бўлган камбағалларнинг (имтиёз олишлари мумкин бўлган солиқ тўловчиларнинг) реестрлари аниқланади.

Имтиёзларни маҳаллий бюджетдан тақдим этиш яхшироқдир, чунки у ёки бу тарзда маҳаллий бюджетлар ўтказмаларини молиялаштириш зарур, бунда маҳаллий бюджетларни субси-

**ИМТИЁЗЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТДАН ТАҚДИМ ЭТИШ ЯХШИРОҚДИР, ЧУНКИ У ЁКИ БУ ТАРЗДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ЎТКАЗМАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЗАРУР, БУНДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ СУБСИДИЯЛАШНИНГ УШБУ МЕХАНИЗМИ ЯНАДА ШАФОФФРОҚ КЎРИНАДИ. БУ, АЙНИҚСА, ИМТИЁЗЛАРНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНАДИГАН БЎЛСА ИШ БЕРАДИ, АКС ҲОЛДА ДАВЛАТ СИЁСАТЧИЛАРНИНГ САХИЙЛИГИ (ЁКИ ПОПУЛИЗМИ) ТУФАЙЛИ МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ЗАРАР КЎРИШИ МУМКИН.**

диялашнинг ушбу механизми янада шафоффроқ кўринади. Бу, айниқса, имтиёзларнинг параметрлари маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланадиган бўлса иш беради, акс ҳолда давлат сиёсатчиларнинг сахийлиги (ёки популизми) туфайли маҳаллий бошқариш органлари зарар кўриши мумкин.

Мамлакатимизда маҳаллий даражада солиқ имтиёзларини белгилаш ва қўллашда қуйидаги **асосий муаммоларни** ажратиб кўрсатиш мумкин:

- солиқ имтиёзларини тақдим этиш механизмлари ва вое-ситарларининг ишлаб чиқилмаганлиги;

- маҳаллий солиқлар бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш ва тақдим этишнинг қонунчилик базасидаги тўсиқлар;

- маҳаллий солиқлар бўйича солиқ имтиёзларининг аксарияти давлат даражасида жорий этилиши ва маҳаллий даражада уларни тартибга солиш бўйича тегишли ваколатлар берилмаганлиги;

- мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги мавжуд номутаносиб-ликлар ва уларнинг мақсадга йўналтирилганлигини ҳисобга олмасдан, маҳаллий даражадаги солиқ имтиёзларини белгилаш;



**Ўзбекистонда мавжуд солиқ имтиёзлари таснифи**

Имтиёзларнинг ўзига хос хусусияти	Имтиёзларнинг асосий турлари	Имтиёзларни тақдим этиш асослари
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Муддатли</li> <li>2. Ихтиёрий</li> <li>3. Тоифаловчи</li> <li>4. Солиқ юкини камайтувчи</li> <li>5. Мақсадли</li> <li>6. Рағбатлантирувчи</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Солиқ базасини камайтувчи</li> <li>2. Солиқ суммасини камайтувчи</li> <li>3. Солиқдан озод (тўлиқ ёки қисман) қилувчи</li> <li>4. Солиқ объектини солиқдан озод қилувчи</li> <li>5. Солиқ тўлаш муддатини кечиктирувчи (узайтириш ёки ўзгартириш, солиқ каникули)</li> <li>6. Солиқ ставкаларини пасайтирувчи</li> <li>7. Солиқ чегирмалари (солиққа тортилмайдиган минимум)</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Солиқ тўловчи</li> <li>2. Солиқ солиш объекти</li> <li>3. Солиқ базаси</li> <li>4. Солиқ ставкаси</li> <li>5. Солиқ тўлаш муддати</li> </ol>

Манба: Муаллиф томонидан тайёрланди.

● индивидуал солиқ тўловчилар шароитида тақдим этиладиган солиқ имтиёзларининг мақсадлари, миқдори ва муддатлари, сони тўғрисида солиқ органларининг консолидацияланган ҳисоботини шакллантириш бўйича ишлайдиган тизимнинг йўқлиги имтиёзларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини баҳолашга имкон бермайди;

● кўп миқдордаги солиқ имтиёзлари, шунингдек уларни давлат даражасида мунтазам равишда қўйиш, ўзгартириш ва аниқлаштириш маҳаллий солиқларни ҳисоблашни қийинлаштиради;

● республика ва маҳаллий даражаларда солиқ имтиёзлари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг танланган хусусиятлари мавжуд эмаслиги.

Мол-мулк солиғи имтиёзлари самарадорлигини ошириш ва тадбиркорлик субъектлари учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида ҳамда солиқ тизимини янада такомиллаштириш бўйича юқоридаги муаммолар ечими сифатида қуйидаги **тавсиялар ва таклифларни** ишлаб чиқдик:

① Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг ягона методологиясини ва солиқ имтиёзларини мониторинг қилиш механизмини шакллантириш;

② Солиқ маълумотлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш борасидаги статистик маълумотларни (имтиёз олувчилар сони, тоифаси, суммаси ва ҳоказоларни) эълон қилиб бориш;

③ Яшаб турган уйи асосий иш жойи (офис) бўлган барча яқка тартибдаги тадбиркорлик билан банд бўлганларга жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи ставкасини қўллаш;

④ Эгаси ўзгарганда (шу жумладан мерос) солиқ қарздорлиги бўйича ҳар бир солиқ тўловчи учун ҳаёти давомида

бир марта солиқ имтиёзи тарзида маълум солиқ суммаси миқдоридан солиқ кредити беришни йўлга қўйиш;

⑤ Ижтимоий ҳимояланадиган гуруҳга кирмайдиган солиқ тўловчилар (Ўзбекистон Қахрамони, Совет Иттифоқи Қахрамони, Меҳнат Қахрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар) учун имтиёзларни бекор қилиш;

⑥ Айрим солиқ тўловчилар учун 60 кв. м. доирасида солиқ солишдан озод қилиш тарзидаги имтиёз ўрнига барча солиқ тўловчилар учун кадастр қиймати 42 млн. сўмгача (жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқа-

риш мақсадида, мол-мулкнинг белгиланган шартли кадастр қийматидан) бўлган мол-мулкларни солиқдан озод қилиш;

⑦ Кўчмас мулкни солиққа тортишда (умумий майдон = фойдали майдон + ёрдамчи майдон) ёрдамчи майдонни солиқдан озод қилиш;

⑧ Камбағаллар, хусусан «Темир дафтар»га киритилган фуқаролар учун алоҳида имтиёзларни жорий этиш шарт. Шу имтиёз асосида уларни ҳеч бўлмаганда дафтардан рўйхатдан чиққунга қадар солиқдан озод қилиш.

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда солиқ имтиёзлари таснифлари ишлаб чиқилди:

**МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР АСОСИДА КЎЧМАС МУЛККА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ КУТИЛАЁТГАН ЯГОНА СОЛИҚ МОДЕЛИ СОЛИҚ ЙИҒИШНИ КЎПАЙТИРИШИ, УЛАРНИ БОШҚАРИШНИ СОДДАЛАШТИРИШИ, МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШИ, ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РЕСУРСЛАРДАН ЯНАДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛИШИ, КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШИ КУТИЛМОҚДА.**



**ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ БИР ҚАНЧА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ АНИҚЛАНДИ. УШБУ ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИ БЎЛГАН ҲИМОЯЛОВЧИ ИМТИЁЗЛАР СОЛИҚ ЮКИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ДАРОМАДЛАРИГА НИСБАТАН ЖУДА ЮҚОРИ БЎЛГАНДА САМАРАЛИ ЭКАНЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ТИЗИМИДА ҚўЛЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.**

Мақолада мамлакатимизда мол-мулк солиғи бўйича самарали имтиёзларни белгилаш назарда тутилган бўлиб, бу, бир томондан, кам таъминланган ва «ижтимоий ҳимояланмаган» фуқаролардан ҳаддан зиёд солиқ юки муаммосини олиб ташлайди ва бошқа томондан мамлакатимизда амалга оширилаётган **кўчмас мулк солиғи** ислохотларининг мақсадларига зид келмайди. Шунингдек, мол-мулк солиғининг фискал салоҳиятини сақлаб қолади ва солиққа тортишда тенг ва адолатли ёндашувни кафолатлайди. Бунда камбағалларга ёрдам бериш учун мақсадли равишда яратилган имтиёзлар талаб этилади.

Мамлакатимизда хорижий тажриба ва тенденциялар асосида кўчмас мулкка жорий этили-

ши қутилаётган ягона солиқ модели солиқ йиғишни кўпайтириши, уларни бошқаришни соддалаштириши, маҳаллий бюджетларни барқарор даромад манбаи билан таъминлаши, давлат томонидан ресурслардан янада самарали фойдаланилиши, кўчмас мулк бозорини ахборот билан таъминлаши кутилмоқда.

Унинг киритилиши солиқ юкининг сезиларли даражада ошишига олиб келиши мумкин, бу эса кўчмас мулкка бўлган талабнинг пасайишига олиб келади ва яширин бозор ривожланишини рағбатлантиради, ammo бу муаммони солиқ имтиёзларнинг кенгайтирилган тизими билан бартараф этиш мумкин.

Ўзбекистонда кўчмас мулкка ягона солиқни жорий этиш қўйидагиларга асосланиши керак:

- ◆ мол-мулк солиғини бошқариш бўйича тўпланган жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш;
- ◆ солиқ имтиёзларининг яхлит тизимини яратиш;
- ◆ кўчмас мулкка ягона солиқ тушумидан тушадиган маблағларни молиялаштириш йўналишларини белгилаш;
- ◆ солиқ тизимини тўладан бўйин товлаш, шу жумладан ҳисобга олинмаган кўчмас мулк орқали жавобгарлик чоралари ва мониторинг тизимини ишлаб чиқиш.

Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда солиқ имтиёзларининг бир қанча истиқболли йўналишлари аниқланди. Ушбу йўналишлардан бири бўлган ҳимояловчи имтиёзлар солиқ юки солиқ тўловчининг даромадларига нисбатан жуда юқори бўлганда самарали эканлиги билан ажралиб туради ва мамлакатимиз солиқ имтиёзлари тизимида қўллашни тақозо этади.

Мавжуд имтиёзларнинг самарасизлиги ва уларнинг қамровини камайтириш ҳамда уларни махсус ишлаб чиқилган имтиёзлар билан алмаштириш амалга оширилмас экан, ушбу масала долзарблигича қолаверади.



# БУХОРО АМИРЛИГИДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ)

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти таянадиган асосий устунлардан бири молия соҳаси бўлиб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи тизим банклар ҳисобланади. Россия банкларининг Ўрта Осиёга, жумладан, Бухоро амирлиги ҳудудига кириб келиши маҳаллий тадбиркорлар билан биргаликда рус фирма ва жамиятларининг ўзаро шерикчилик алоқалари кенгайишида, амирликда вужудга келган завод ва корхоналарни ривожлантириш ва маблағ билан таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Шу боис Бухорода акциядорлик банкни очиш борасида таклифлар туша бошлади. Бу масалада оренбурглик савдогарлар 1882 йилда амирга мурожаат қилдилар. Амир бунга хайрихоҳлик билдириб, агар Бухорода банк очилса, 70 млн. рубль беришни ваъда қилган. Аммо бу иш узоқ чўзилиб кетади ва фақатгина 1894 йилга келиб Янги Бухоро (Когон)да биринчи Россия Давлат банки бўлими, 1902 йилда эса мамлакат пойтахти Бухоро шаҳрида Рус-Хитой банки ва Халқаро банк бўлимлари очилади. Шунингдек, Москва савдо банкининг Бухородаги бўлимлари 1892 йилда очилган бўлиб, банк ака-ука Поляковлар, П.Стремоухов, В.О.Боланский ва бошқалар томонидан таъсис этилган. Банк турли ширкатлар ва савдо ўй-

**Б**ухоро амирлигида кредит тизимининг ва нақд пулнинг йўқлиги маҳаллий савдогарларни оғир аҳволга туширди. Бундан фойдаланиб, амир ўз саррофлари

орқали жуда катта фоизда пул бера бошлайди ва буни йилдан-йилга кенгайтириб боради. Бу амирга катта даромад берсада, савдонинг ривожланишига у қадар яхши таъсир қилмади.



**Феруза Амонова,**  
Тошкент кимё-технология институти таянч докторанти

## ССУДА ОЛИШ ТАРТИБИГА КЎРА, ССУДА ОЛУВЧИ САВДОГАРГА ЖАВОБГАРЛИКНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛГАН ЗАВОД ЭГАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ПАХТАНИНГ СИФАТИ ВА ТУРИ КЎРСАТИЛГАН ХУЖЖАТ ЗАВОДНИНГ МАРКАСИ (БЕЛГИСИ) БИЛАН ТАСДИҚЛАГАНДАН СЎНГ БАНК КРЕДИТ АЖРАТГАН.

ларини молиялаштириш асосида кириб келган<sup>1</sup>.

Пахта савдоси билан шуғулланадиган кичик фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида Россиянинг темир йўл бошқармаси ва молия вазирлиги ички пахтачиликни қўллаб-қувватлаш учун Давлат банки томонидан кредитлар беришнинг янги қоидаларини тайёрлаш бўйича ишлар олиб борган. Хукумат 1895 йил 3 февралда 72 банддан иборат «Ички пахтачиликни қўллаб-қувватлаш учун кредит бериш қоидалари»ни тасдиқлаган. Ушбу қоидага асосан «Маҳаллий пахтачиликни қўллаб-қувватлаш учун кредитлар бериш қоидалари» тайёрланган. «1895 йил 3 февраль қоидалари» номи билан танилган бу қоида Россия империяси ҳудудида пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, кредит билан таъминлаш Россия давлат банкига топширилган.

«1895 йил 3 февраль қоидалари»нинг иккинчи бандига кўра, пахтакорларни айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида sanoat кредитлари ажратиш кўзда тутилган. Кейинчалик кредитнинг бу турига ўзгариш киритилиб, у 1894 йил 22 июлда тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги кредитлари тўғрисида»ги умумий қоидалар асосида бериладиган бўлган. Унга кўра, мижознинг гаров сифатида берган ер майдонининг ялпи даромади, унга тўланадиган ер со-

лиги, суғориладиган ер миқдори ва бошқалар инобатга олинган. Ўрта Осиё пахтакорларига пахта сотиб олишлари учун кредитлар 1894 йил 22 декабрда тасдиқланган «Товарларга кредит беришнинг умумий қоидалари»га асосан берилган. Қоидага кўра, кредит фақат шахсий кредит шаклида берилиши, унинг муддати 3 ойдан ошмаслиги, берилган кредит миқдори маҳаллий пахта нархининг 40 фоизидан юқори бўлмаслиги керак эди<sup>2</sup>. Бу қоидага асосан прессланган тоза пахта учун ссуда бериш тартиби ҳам келтирилган ва берилган ссуда пахта савдоси билан шуғулланган савдогарларга пахтани тўплаш (кўпроқ йғиш) ва уни sanoat маркасларига etkazувчилар учун ажратилган. Ссуда олиш тартибига кўра, ссуда олувчи савдогарга жавобгарликни ўз зиммасига олган завод эгаси ишлаб чиқарадиган пахтанинг сифати ва тури кўрсатилган хужжат заводнинг маркази (белгиси) билан тасдиқлагандан сўнг банк кредит ажратган.

Кичик кредит бериш тартиби Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудида деярли йўлга қўйилмаган. Молия вазирининг рухсати билан банкларда кичик кредитлар бўлимини ташкил этишнинг мақсадли ва фойдали

томонларини ўрганиш учун кичик кредитлар бўлимининг текширувчиси Д.Евдокимов Бухорога юборилган. Бундан ташқари, кичик кредитлар менежери Л.С.Баркин, Бухородаги сиёсий агент А.С.Сомов, Россия ҳарбий вазирлиги Бош штабининг Осиё бўлими бошлиғи С.В.Цейлар кредит бўлиmlарини ташкил этишни илгари сурдилар ва амирликда фаолият суритаётган турли фирма вакиллари иштирокида Бухоро амирлигида Россия Давлат банкининг Бухоро филиали орқали кичик кредит ташкилотларини ташкил этиш борасида йиғилишлар ўтказганлар. Бироқ амир ҳукумати бу ташаббусни рад этган. Чунки кичик кредит ташкилотлари Россиянинг шундай кредитлар берадиган идоралари назорати остида бўлиши назарда тутилган.

Д.Евдокимов 1912 йил 21 августда кичик кредитлар бўлимига ҳисобот тақдим этган. Унинг ёзишича, 1911 йилда Вобкент туманида амир ҳукумати томонидан деҳқонларга ссуда берилган. Ссуда бериш тартиби қуйидагича бўлган: энг юқори ссуда миқдори 75 рубль ва унинг муддати белгиланмаган. Сентябрь ойда берилган ссуда ййғиб олинган. Кредитнинг бу тури пахтакор учун фойдасиз бўлган. Чунки пахтакорлар пахтани сентябрь ойда сотишни бошлаган.

Хуллас, йилдан йилга ўсиб борувчи кичик кредит ташкилотлари фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни судхўрлардан озод қилиш учун катта аҳамиятга эга бўлиши назарда тутилган бўлса ҳам бу ҳолат амалиётга жорий этилмаган.

## КИЧИК КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУДУДИДА ДЕЯРЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМАГАН.

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий архиви, И-1-жамғарма, 27-руйхат, 425-иш, 2-варақ.

<sup>2</sup> Хотамов Н.Б. История банков и предпринимательства в Средней Азии (60-е годы XIX в. – 1917 г.) – Душанбе: «Эр-граф», 2014. – С. 184.

Россиянинг марказий тижорат банклари учун энг катта қизиқиш уйғотадиган рақобатбардош товарлар орасида қорақул тери ҳам бор эди, чунки қорақул мўйнаси жаҳон бозорида узоқ вақтдан бери машҳур бўлиб келган. Бухоро шаҳри қорақул савдоси марказига айланган. Албатта ушбу операцияларда марказий тижорат банклари-нинг маҳаллий бўлимлари фаол иштирок этган. Айниқса, қорақул тери савдоси Азов-Дон, Рус-Осиё ва Рус-Хитой банклари-нинг маблағлари орқали ривожланган. Азов-Дон банкининг Эски Бухорода 51 та қорақул етказиб берадиган бўлимлари бўлган. Пахта сингари қорақул тери маҳсулотлари Москва ва Нижний Новгород ярмаркаларида кўпроқ сотилган. Хусусан, 1910 йилда Рус-Осиё банкининг Бухородаги филиали маблағи эвазига 329482 дона қорақул териси сотиб олиниб, Марказга жўнатилган.

Россия давлат банкининг Бухоро бўлими кенгаши ёзишмаларида таъкидланганидек, Убайдулла Хўжа<sup>3</sup> «Марказий Осиёнинг савдо бозорларини Россия бозорлари билан боғлайдиган асосий бўғин эди»<sup>4</sup>. У пахта ва қорақул савдоси учун Рус-Осиё банкidan 1909 йилда 530 минг рубль миқдоридан кредит олган.

Рус-Осиё банкининг энг йирик мижозлари қорақул савдогарлари эди. Жўрабек Арабов Бухоро қорақўлининг йирик экспортчилари-дан бўлган. Банк менежери 1909 йилда бўлиб ўтган директорлар кенгашида «Арабов биз учун жуда муҳим ва қадрли мижоз. Биз унинг манфаатини

қадрлаймиз, чунки у маҳаллий савдогарларга ҳам, Бухоро ҳукумати-га ҳам катта таъсир кўрсата олган. У банк кредитидан камдан-кам фойдаланади. У қорақул савдосидаги энг катта мижоздир» деб таъкидлаган.

Сибирь савдо банки Ўрта Осиёдаги пахта савдосида фаол қатнашган. Хусусан, 1910–1911 йилларда Бухорода тадбиркорлик билан шуғулланган 104 нафар савдогарнинг шахсий маълумотлари тузилган. Уларнинг барчасига банк томонидан 150 минг рублгача кредит ажратилган.

Банкдан кредит олган мижоз тўловни ўз вақтида амалга ошириши шарт бўлиб, агар мижознинг бир ёки бир неча банк бўлимларидан қарздорлиги аниқланса, қарзни банклар келишган ҳолда биргаликда йиққан. Банклар мижознинг гаровга берган мол-мулкни сотишга ўтган. Мол-мулкни сотишдан тушадиган маблағ ҳам қарзларини фоизлар билан тўлиқ тўлаш учун етарли бўлмаса, қарздорнинг рўйхатида кўрсатилган мулк банк ва фирмалар ўртасида ҳар бирига қарз миқдори-га мута-

носиб равишда тақсимланган. Шунинг учун банклар билан мижоз ўртасида қарзни қоплаш учун кўчмас мулкларни гаровга қўйиш тўғрисида шартнома имзоланган. Бу шартнома васиқа<sup>5</sup> дейилган.

Банклардан кредит олиш тартиби қуйидагича бўлган: кредит олган шахслардан банк васиқа олган. Васиқа одатда иккита шахснинг гувоҳлигида тўлдирилган. Васиқани қонунийлаштиришда бу ҳужжат сиёсий агент тасдиқлаганидан сўнг қўшбеги<sup>6</sup> томонидан имзоланган. Аслида бундай ҳужжатлар жуда кўп бўлганлиги сабабли сиёсий агент васиқани тасдиқлаш ваколатини Бухоро қозикалони ёки раисга топширган ва амир номидан қўшбеги муҳрлаган.

Бухоро амирлигида Рус-Осиё банкининг Карки бўлимидан бухоролик савдогар Мирза Исомиддин Мирза Муҳитдинов банкдан олган кредити учун тўлдирган васиқада ёзилишича: «Мен Бухоро шаҳрида жойлашган Ҳаммоми Кунжак маҳалласидаги уйимнинг  $\frac{3}{4}$  қисмини ташқи савдо учун қисқа муддат-

**БАНКЛАРДАН КРЕДИТ ОЛИШ ТАРТИБИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛГАН: КРЕДИТ ОЛГАН ШАХСЛАРДАН БАНК ВАСИҚА ОЛГАН. ВАСИҚА ОДАТДА ИККИТА ШАХСНИНГ ГУВОҲЛИГИДА ТЎЛДИРИЛГАН. ВАСИҚАНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШДА БУ ҲУЖЖАТ СИЁСИЙ АГЕНТ ТАСДИҚЛАГАНИДАН СЎНГ ҚЎШБЕГИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН. АСЛИДА БУНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ЖУДА КЎП БЎЛГАНЛИГИ САБАБЛИ СИЁСИЙ АГЕНТ ВАСИҚАНИ ТАСДИҚЛАШ ВАКОЛАТИНИ БУХОРО ҚОЗИКАЛОНИ ЁКИ РАИСГА ТОПШИРГАН ВА АМИР НОМИДАН ҚЎШБЕГИ МУҲРЛАГАН.**


<sup>3</sup> Убайдулла Хўжа 1858 йилда Бухоро шаҳрида йирик савдогар оиласида туғилган. XX аср бошларида Бухоро амирлигида савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиб, йирик сармоядор даражасига кўтарилган. Баъзи тадқиқотларга кўра, унинг сармояси Бухоро амирлигида ҳукмдорниқидан кейинги ўринда турган. У асосан қорақул тери савдоси билан шуғулланган. Бухоро сармоядорлари орасида йиллик операциялари миллион рус рублига тенг маблағга эга мулкдор Убайдулла Хўжа Москва савдо-саноат ширкати билан ҳамкорлик қилган. Ширкат томонидан йирик кредитлар олди-бердиси билан шуғулланган.

<sup>4</sup> Гафуров Н.У. Формирование национальной буржуазии в Бухарском эмирате // Вестник ТГУРБП (Худжанд). 2011. №4 (48). – С. 182.

<sup>5</sup> Васиқа – Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида (шу жумладан, 1917 йилгача Туркистонда) ер-мулк олди-сотдиси тўғрисида тузилган расий шартнома. Кўчмас мулкка (ер-сувага ва хўжалик биноларига) доимий ёки вақтинчалик эгалик қилиш ҳуқуқини берган.

<sup>6</sup> Қўшбеги – Бухоро амирлигида амирдан кейин турувчи энг юқори лавозим бўлиб, у одатда Бош вазир лавозимига тенг бўлган.





да 10000 рублга банк ҳисобига (гаровга) топширдим. Мен ўзим тўлиқ эгаллик қилаётган 15 таноб хур<sup>7</sup> ерларимнинг ярмини, Қизилтепа станцияси ва Коми Абуमुслим<sup>8</sup> тумани (ҳозирги Қизилтепа тумани худуди)да жойлашган пахта тозалаш заводларимни Россия Ташки савдо, Рус-Осиё ва Москва ҳисоб банкига қисқа муддатда 100 минг рубль учун гаровга бердим».

Яна бир савдогар Иноятулла Хўжа Бақоҳўжаев ҳам Рус-Осиё банкидан олган кредити учун васиқа тўлдирган. Васикада шундай ёзилган: «30 таноб ернинг (30 таноб ернинг ичига Зарафшон дарёсининг жанубий қисмида жойлашган Тош-Буқа худудидаги 27 таноб хирож ерлари ҳам кирган) 1/6 қисмини 2500 рубль маблағ учун гаровга бердим. Мен бу маблағни 19 ой (1 йилу 7 ой) муддатда тўлашни ўз зиммамга оламан».

Амир Саид Олимхон рус фирмалари билан ҳам ҳамкорлик қилган. Йирик рус ширкатларидан бири «И.Г.Стахеев и К<sup>9</sup>» савдо-саноат ширкати 1916 йил октябрь ойида Бухоро ҳукума-

тига «Бухоро мулклари таркибидан фойдали ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қулай савдонини ривожлантириш билан шуулланиш тўғрисида»ги таклиф билан чиқди. 1916 йил 15 ноябрда Бухоро амира Саид Олимхон ширкат билан биргаликдаги ҳамкорлигига розилик олгач, шерикчилик асосида 15 пунктдан иборат шартнома имзоланди. Шартномага кўра, шерикчилик фаолияти ҳеч қандай монопол характерга эга эмаслиги қайд этилган<sup>9</sup>.

1916 йилда ширкат Рус-Осиё ва Петроград халқаро тижорат банклари билан Рус-Бухоро банкини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борди. И.Стахеев 1917 йил сентябрда Россия Муваққат ҳукуматидан Рус-Бухоро банкини ташкил этиш ҳуқуқини олди. Янги банк Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган Рус-Осиё банкининг бўлими негизидан пайдо бўлди.

Ушбу банкнинг устави 1917 йил 22 августда Россия Молия вазирлиги томонидан асосий капитали 5 млн. рубль капитал билан тасдиқланди. Банк кенгаши Петроград (ҳозирги Санкт-

Петербург) шаҳрида жойлашган. Банк акциялар чиқарган, уларнинг ҳар бири 34 рублдан баҳоланган. Банкнинг баъзи акциялари турли муассасалар томонидан сотиб олинган. Бироқ банкнинг асосчилари И.Стахеев ва Амир Саид Олимхоннинг мақсадли режалари амалга ошмаган. Большевиклар ҳокимиятни босиб олишгач, совет Россияси ҳукумати 1917 йил 14 (27) декабрдаги фармони билан барча рус банкларини, шу жумладан, Рус-Бухоро банкини ҳам миллийлаштирди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигида XIX асрнинг охиридан бошлаб ташкил топган турли банklar фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Асосан Россиядаги турли банklarнинг бўлиmlари сифатида тузилган бундай банklar амирлик иқтисодиётини кўтаришда, саноат корхоналарини ташкил қилиш ва жиҳозлашда, маҳаллий сармоядорлар билан рус тадбиркорлари ўртасидаги турли молиявий алоқаларда катта роль ўйнаган. Ҳатто Бухоро амирининг ўзи ҳам банklar хизматидан фойдаланган.

<sup>7</sup> Хур ерлар – солиқлардан озод қилинган ерлар.

<sup>8</sup> Ражабов К., Максудов Р. Қизилтепа тумани. – Тошкент: «Muharrir», 2011. – Б. 220.

<sup>9</sup> Хотамов Н. Роль банковского капитала в социально-экономическом развитии Средней Азии (начало 90-х гг. XIX в. – 1917 г.). – Душанбе: «Дониш», 1990. – С. 64.

# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ЎРНИ



Давлат харидлари тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориш, давлат харидларини амалга ошириш жараёнларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали инсон омили аралашувини камайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бугунги кунда соҳадаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**М**амлакатда иқтисодий ўсишга эришиш кўплаб омилларни қамраб олади ва давлат харидларини самарали ташкил этиш орқали иқтисодий ўсишга ижобий таъсир этиш мумкин.

Бугунги кунда давлат харидларини нафақат бюджет маблағларини манзилли сарфлаш, балки иқтисодий ўсишни рағбатлантириш билан биргаликда иккиламчи мақсадларга эришиш, инновацияларни жорий этиш,

кичик ва ўрта бизнес вакиллари барқарор натижаларга эришишига иқтисодий имкониятларни яратиб беришини ҳисобга олган ҳолда кенг қўламли, иқтисодийётга самарали таъсир ўтказадиган қилиб ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳозирги кунда давлат харидларида атиги 4 фоиз тadbirkorлар қатнашаётгани, шу йилда 24 та йирик давлат корхонасида давлат хариди бўйича очиқ-ошкора талаблар жорий этилиши, натижада маҳаллий тadbirkorларимиз ҳар йили камида 10 триллион сўмлик маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиш имкониятига эга бўлиши, бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлишини<sup>1</sup> алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Иқтисодий нуқтани назардан, давлат харидлари давлат харажатлари самарадорлигини ошириш воситаси сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Шу сабабли, давлат харажатлари «самарадорлиги»ни ошириш ҳукуматлар учун фойдали

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (<https://president.uz/oz/lists/view/4057>).



**Алишер Маманов,**  
Тошкент молия институти магистранти



**Шохрух Маманов,**  
Тошкент молия институти магистранти

1-жадвал

**ИХТТга аъзо мамлакатларда давлат харидлари, соҳалар кесимида (фоизда, 2017 йил)**

Давлатлар	Умумий давлат хизматлари	Мудофаа	Жамоат тартиби ва хавфсизлиги	Иқтисодиёт учун харажатлар	Атроф-муҳит муҳофазаси	Уй-жой ва маиший хизматлар	Соғлиқни сақлаш	Ҳордиқ чиқариш, маданият ва дин	Таълим	Ижтимоий ҳимоя
Чили	6,0	5,5	8,5	19,1	1,3	6,9	21,6	2,6	16,9	11,5
Чехия	6,5	2,2	3,6	20,4	5,3	3,0	35,2	5,0	14,0	4,8
Дания	14,7	5,1	2,7	11,0	1,3	0,8	31,1	5,5	11,8	16,0
Эстония	12,0	10,1	4,5	19,6	4,0	2,0	22,6	7,1	14,4	3,7
Финляндия	21,8	4,6	2,2	13,3	0,6	1,1	22,8	3,8	11,6	18,3
Франция	7,0	6,3	2,5	12,4	4,1	3,0	38,5	4,6	6,7	14,8
Германия	10,0	4,0	3,2	9,3	2,6	1,0	40,6	2,3	6,5	20,6
Исроил	6,9	25,5	3,6	2,8	2,7	1,6	31,8	4,1	10,0	11,0
Италия	11,6	3,9	3,6	9,0	7,8	3,4	44,4	4,7	5,3	6,4
Япония	6,2	3,2	1,9	14,3	5,9	2,1	44,6	1,6	6,5	13,8
Корея	11,5	11,1	3,1	18,3	4,1	4,6	31,4	2,8	10,7	2,4
Швеция	19,0	4,5	2,8	13,0	1,1	3,7	21,5	2,9	15,4	16,1
АҚШ	9,9	20,3	6,6	22,3	0,0	2,4	14,4	1,7	19,0	3,4

**Манба:** <https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/8ccf5c38-en.pdf?expires=1611818320&id=id&accname=guest&checksum=AF01F54AA67E763A49E940A2024FE97C>.

деб ҳисобланади. 2017 йилда «McKinsey» халқаро консалтинг компанияси томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, агар давлат харажатлари яхши бошқарилса ва энг самарали деб топилган давлат тажрибаларидан фойдаланилса, 2021 йилга бориб 3,3 триллион АҚШ доллари миқдоридagi бюджет дефицитининг олди олиниши ёки бошқача айтганда ўрни тўлдирилиши мумкин. Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар натижа-

ларига кўра, давлат харидларини амалга оширишда самарали сарфланган маблағлар эвазига умр кўриш давомийлиги ўртача 1,4 йилга узайиши мумкин<sup>2</sup>.

Давлат сектори самарадорлиги миллий иқтисодиёт кўрсаткичлари ва жамият фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳукуматлар фуқароларга таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар, транспорт ва инфратузилма каби асосий хизматларнинг асосий, баъзан эса ягона етказиб берувчиси

ҳисобланади. Дарҳақиқат, бир нечта соҳаларда ҳукуматлар ушбу секторнинг аксарият хизматларини сотиб олишади. Хусусан, тадқиқотларнинг кўрсатишича, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо мамлакатлар томонидан давлат харидлари доирасида соғлиқни сақлаш маҳсулотлари ва хизматлари учун охириги истеъмол харажатларининг 70 фоизи ва таълим учун охириги истеъмол харажатларининг 84 фоизи миқдорида харажат қилинади<sup>3</sup>.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳит каби соҳалар давлат харажатларининг асосий объекти бўлиб қолади. Масалан, ҳукуматлар ўз фуқароларининг соғлигини яхшилаш ва уларнинг таълим олишлари учун пул сарфлашади. Одатда, самарадорлиқни ошириш учун хусусий секторда кенг қўлланмишлар олиб борилади, лекин шуни унутмаслик керакки, таклиф ва талаб ағалари учун қулай

**ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ КЎРСАТИШИЧА, ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАШКИЛОТИ (ИХТТ)ГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ТОМОНИДАН ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ДОИРАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ОХИРГИ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 70 ФОИЗИ ВА ТАЪЛИМ УЧУН ОХИРГИ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 84 ФОИЗИ МИҚДОРИДА ХАРАЖАТ ҚИЛИНАДИ.**

<sup>2</sup> McKinsey & Company (2017), Government Productivity Unlocking the \$3.5 Trillion Opportunity – Executive summary (<http://www.mckinsey.com/>).

<sup>3</sup> <http://www.oecd.org/gov/public-procurement/publications/productivity-public-procurement.pdf>.

2-жадвал

**ИХҚТга аъзо мамлакатларда давлат харидларининг давлат харажатлари ва ЯИМдаги улуши (фоизда)**

Давлатлар	Давлат харидларининг давлат харажатларидаги улуши			Давлат харидларининг ЯИМдаги улуши		
	2007 й.	2009 й.	2017 й.	2007 й.	2009 й.	2017 й.
Чили	25,2	25,7	26,6	7,7	8,5	9,1
Чехия	35,6	37,4	31,5	14,4	16,5	12,3
Дания	25,4	25,6	26,6	12,6	14,5	13,6
Эстония	38,5	32,6	35,4	13,1	15,0	13,9
Финляндия	30,8	31,6	32,9	14,4	17,3	17,8
Франция	26,8	26,7	25,7	14,1	15,3	14,5
Германия	30,2	31,4	35,3	12,9	15,0	15,5
Исроил	34,5	33,1	37,5	14,5	14,2	14,8
Италия	22,3	23,0	21,4	10,4	11,8	10,4
Япония	39,1	37,8	41,6	13,7	15,4	16,1
Жанубий Корея	41,5	41,8	40,1	12,3	14,6	13,0
Швеция	29,3	31,0	32,8	14,5	16,3	16,2
АҚШ	28,5	27,2	24,5	10,7	11,8	9,3

Манба: <http://statlinks.oecdcode.org/gov-2019-4130-en-g073.xlsx>.

**СТРАТЕГИК РАВИШДА ФЙДАЛАНИЛГАНДА, ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ИҚТИСОДИЁТНИ САМАРАЛИРОҚ ҚИЛИШ, ДАВЛАТ СЕКТОРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ИНСТИТУТЛАРНИ ЯНАДА ИШОНЧЛИ ҚИЛИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ.**



инфратузилма яратиш орқали ҳам хусусий сектор фаолиятининг, ҳам давлат харажатларининг самарадорлигига эришиш мумкин.

2-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатлар миқёсида давлат харажатлари таркибида харидлар қарийб 25 фоизни ташкил қилмоқда. Ялпи ички маҳсулотдаги давлат харидлари улуши Чили, АҚШ ва Италияда нисбатан пастроқ салмоққа эга бўлиб, ўртача 9-10 фоизни ташкил қилмоқда. Финляндияда эса бу кўрсаткич бирмунча юқори бўлиб, қарийб 18 фоизга тенг.

Стратегик равишда фойдаланилганда, давлат харидлари иқтисодийetni самаралироқ қилиш, давлат сектори самарадорлигини ошириш ва институтларни янада ишончли қилишга ёрдам беради. Бугунги кунда давлат харидлари давлат сиёсати мақсадларига эришининг потенциал стратегик воситаларидан бири сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Масалан, инновацияларни рағбатлантириш, экологик стандартларни қўллаш ва қайта тикланувчи иқтисодийetni ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнеснинг давлат харидларига киришини қўллаб-қувватлаш, ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва масъулиятли иш юритиш тарғиб қилинмоқда.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича глобал индикатор ишлаб чиқилди.

Глобал индикатор асосида Ўзбекистонда ҳам 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий

мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан миллий мақсадлар ишлаб чиқилган бўлиб, 12-мақсад таркибида «Давлат харидларини амалга ошириш давомида экологик стандартларнинг қўлланишини кенгайтириш» 12.7-вазифа<sup>4</sup> қилиб қўйилди. Бу давлат харидларини стратегик режалаштириш ҳамда уларни янада оптималлаштириш учун катта қадамлардан бири бўлди.

Давлат харидлари самарадорлигини ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш доимий долзарб масалалардан бўлиб келган. Тизимга электрон технологияларнинг жорий қилиниши билан ушбу масаланинг асосий қисми ижобий ҳал қилинди. Инсон омилсиз бажариладиган қисмда амалга ошириладиган ишлар бутунлай автоматлаштирилди ва айти шу жараёнда вужудга келиши мумкин бўлган коррупция ҳамда суиистеъмолчиликларнинг олди олинди.

Электрон харид тизимлари ҳукуматларга давлат харидларида шаффофликни яхшилашга ва харид жараёнлари тўғрисида изчил, тўлиқ ва ишончли маълумотларни тўплашга имкон беради. Бу, ўз навбатида, автоматлаштирилган маълумотлар алмашинуви орқали бошқа ҳукумат ахборот технологиялари (АТ) тизимларида ишлатилиши мумкин, хатолар ва уларнинг такрорланиш хавфини камайтиради. Бундан ташқари, электрон рақамли давлат тизимлари, масалан, электрон ҳисоб-китоблар билан интеграциялашув, сотиб олиш циклининг барча босқичларида, шу жумладан, шартномани бажариш ва тўлашда тўлиқ электрон харидларни амалга оширишни таъминлаш учун муҳим ҳисобланади.

Ахборотни тарқатиш имкониятлари маълумотлар ва тех-

3-жадвал

**Корпоратив буюртмачилар учун яратилган  
«emilliydokon.uzex.uz» савдо майдончасидаги  
давлат харидлари тўғрисида маълумот  
(2020 йил 1 август ҳолатига)**

Т/р	Худудлар номи	Амалга оширилган харидлар сони	Салмоғи, фоизда
1	Тошкент шаҳри	1 646	16,0
2	Андижон вилояти	1 504	14,6
3	Наманган вилояти	1 266	12,3
4	Фарғона вилояти	1226	11,9
5	Самарқанд вилояти	1214	11,8
6	Хоразм вилояти	975	9,5
7	Навойи вилояти	607	5,9
8	Жиззах вилояти	509	4,9
9	Сурхондарё вилояти	309	3,0
10	Қорақалпоғистон Республикаси	295	2,9
11	Сирдарё вилояти	277	2,7
12	Тошкент вилояти	185	1,8
13	Қашқадарё вилояти	157	1,5
14	Бухоро вилояти	143	1,4
<b>Жами:</b>		<b>10 313</b>	

**Манба:** Baymurodov Sh.M. «Davlat xaridlarini amalga oshirishda elektron savdolaridan foydalanish samaradorligi»// «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» ilmiy elektron jurnali. №5, sentyabr-oktyabr, 2020-yil.

4-жадвал

**Бюджет буюртмачилари учун яратилган  
«milliydokon.uzex.uz» савдо майдончасидаги  
давлат харидлари тўғрисида маълумот  
(2020 йил 1 август ҳолатига)**

Т/р	Худудлар номи	Амалга оширилган харидлар сони	Салмоғи, фоизда
1.	Андижон вилояти	2 573	16,7
2.	Фарғона вилояти	2 456	16,0
3.	Тошкент шаҳри	1 838	11,9
4.	Қорақалпоғистон Республикаси	1 599	10,4
5.	Навойи вилояти	1 184	7,7
6.	Наманган вилояти	1 142	7,4
7.	Хоразм вилояти	992	6,4
8.	Сурхондарё вилояти	903	5,9
9.	Самарқанд вилояти	676	4,4
10.	Жиззах вилояти	643	4,2
11.	Сирдарё вилояти	422	2,7
12.	Бухоро вилояти	403	2,6
13.	Тошкент вилояти	307	2,0
14.	Қашқадарё вилояти	256	1,7
<b>Жами:</b>		<b>15 394</b>	

**Манба:** Baymurodov Sh.M. «Davlat xaridlarini amalga oshirishda elektron savdolaridan foydalanish samaradorligi»// «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» ilmiy elektron jurnali. №5, sentyabr-oktyabr, 2020-yil.

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/-4013356>.

нологиялар ҳажмининг кўпайиши билан кенгайиб борди. Шу нуқтаи назардан, давлат харидлари жараёнларида иштирок этиш жараёни анча соддалашди, рақобат учун имкониятлар кўпайди. Лекин давлат харидлари самарадорлигини ошириш учун қонуний талабларнинг қўйилиши билан биргаликда тижорат сирига путур етказмасликни ҳам ҳисобга олиш керак.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда электрон харид тизимларини ривожлантириш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Электрон харидларнинг давлатнинг бошқа рақамли ва электрон тизимлари билан интеграциялашуви кенгаймоқда. ИХТТга аъзо мамлакатларда 2016 йилдаги маълумотларга кўра электрон харидларнинг давлатнинг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялашуви 37 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 72 фоизга етган<sup>5</sup>.


Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам давлат харидлари-

ни электронлаштириш орқали бюджет маблағлари сарфланишининг самарадорлигини ошириш, харид жараёнларини шаффолаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат харидлари инфратузилмасини яхшилаш билан биргаликда электрон харидларни ривожлантиришга қаратилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги<sup>6</sup> 2018 йил 26 май (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилган,

рўйхат рақами 3016) буйруғига асосан «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Низомнинг «Электрон давлат харидлари» деб номланган 2-боби ҳамда «Электрон тендер ўтказиш тартиб-таомиллари» деб номланган 4<sup>1</sup>-бобида электрон давлат харидлари батафсил изоҳланди ва амалга оширишнинг тартиб-таомиллари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 5 декабрда имзоланган «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>7</sup>ги ПҚ-4544-

**ИХТТга АЪЗО МАМЛАКАТЛАРДА 2016 ЙИЛДАГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА ЭЛЕКТРОН ХАРИДЛАРНИНГ ДАВЛАТНИНГ БОШҚА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ 37 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАН БЎЛСА, БУ КЎРСАТКИЧ 2018 ЙИЛДА 72 ФОИЗГА ЕТГАН.**



<sup>5</sup> <https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/8ccf5c38-en.pdf?expires=1612531983&id=id&accname=guest&checksum=BC6167ACFC3743CE47B3123825F5DA63>.

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/-3750573#-3759586>.

<sup>7</sup> <https://lex.uz/docs/-4629467>.

сонли қарорнинг қабул қилиниши давлат харидларини электронлаштириш борасидаги муҳим ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу қарор давлат харидлари тартиб-таомилларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклга ўтказиш орқали давлат харидлари тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштириш ҳисобига корпоратив буюртмачилар, шу жумладан стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳўжалик жамиятлари ва корхоналар маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш, электрон тендер (танлов) савдоларини кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратиб берди.

Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидаги электрон дўкон савдо майдончасида давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини худудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириш имкониятини берувчи қўшимча саҳифалар ([milliydokon.uzex.uz](http://milliydokon.uzex.uz) – бюджет буюртмачилари учун, [emilliydokon.uzex.uz](http://emilliydokon.uzex.uz) – корпоратив буюртмачилар учун) ишга туширилди.

2020 йил 5 январь куни «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Фарғона вилояти филиали томонидан 825,0 минг сўмлик 5 минг дон плёнка сотиб олиш бўйича биринчи шартнома имзоланди. Давлат харидлари бўйича электрон ким ошди савдоси бюджет буюртмачилари учун [milliydokon.uzex.uz](http://milliydokon.uzex.uz) ва корпоратив мижозлар учун [emilliydokon.uzex.uz](http://emilliydokon.uzex.uz) сайтларида 48 соат ичида белгиланган тартибда ўтказилади. Ушбу электрон савдо



**2020 йил 5 январь куни «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Фарғона вилояти филиали томонидан 825,0 минг сўмлик 5 минг дон плёнка сотиб олиш бўйича биринчи шартнома имзоланди. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОН КИМ ОШДИ САВДОСИ БЮДЖЕТ БУЮРТМАЧИЛАРИ УЧУН [MILLIYDOKON.UZEX.UZ](http://MILLIYDOKON.UZEX.UZ) ВА КОРПОРАТИВ МИЖОЗЛАР УЧУН [EMILLIYDOKON.UZEX.UZ](http://EMILLIYDOKON.UZEX.UZ) САЙТЛАРИДА 48 СОАТ ИЧИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

5-жадвал

### Электрон савдо майдончаларининг афзалликлари

Афзалликлари	Хусусиятлари
Рақобатбардошлиқни ошириш	Харид жараёнида кўп сонли компаниялар иштирок этиши натижасида рақобат кучаяди ва охир-оқибат минимал нархларга сифатли товар ва хизматлар сотиб олинади.
Худудий чегараларни истисно этиш	Электрон савдо орқали харидларни ташкил этиш худудлар чегараси ва олислиги, шунингдек, бозор имкониятлари тўғрисида маълумотлар танқислиги каби муаммоларни бартараф этади.
Харидлар шаффофлиги ва очиқлигини ошириш	Электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш харид жараёнини самарали назорат қилиш имконини беради ва шаффоф савдо тизимини яратади.
Меҳнат харажатларини қисқартириш	Электрон шаклдаги харидлар аънаввий харидларга нисбатан кам вақт талаб этади. Шунга қўра, хизматчиларнинг етказиб берувчиларни қидириш, энг яхши тақлифларни ажратиш ва музокаралар ўтказиш билан боғлиқ иш ҳажмини қисқартиради.
Харид жараёнларини стандартлаштириш	Электрон майдончаларда жаҳон амалиётида энг самарали деб топилаган стандартлаштирилган харид жараёнларидан фойдаланилади.

**Манба:** Мясникова Л.А. Тюрина К.А. «Современные инструменты повышения эффективности системы государственных закупок». Вестник Пермского университета, 2016, Экономика. Вып. 3 (30). – С. 132.

майдочаларидан фойдаланиш харид жараёнларини шаффофлаштиради ва савдо жараёни билан боғлиқ ташкилий масалаларга кетадиган вақтни қисқартиради ҳамда харажатларни камайтиради.

Куйидаги 4-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2020 йил 1 август ҳолатига «milliydokon.uzex.uz» савдо майдончаси орқали давлат харидларини амалга оширишда Андижон вилояти (16,7%), Фарғона вилояти (16,0%), Тошкент шаҳри (11,9%) етакчилардан бўлган бўлса, ушбу савдо майдончаси орқали Тошкент вилояти (2,0%), Қашқадарё вилояти (1,7%) каби ҳудудларда амалга оширилган давлат харидлари сони қолган ҳудудларга қараганда камроқни ташкил қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январда қабул қилинган «Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»<sup>8</sup>ги 37-сонли қарориди давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида Молия вазирлигига 2021 йил 1 апрелга қадар давлат харидлари соҳасидаги махсус ахборот портали операторлари билан биргаликда махсус ахборот порталида қурилиш соҳасида давлат харидларини электрон шаклда ўтказишни назарда тутовчи алоҳида саҳифа яратиш, 2021 йил 1 майга қадар Марказий ахборот порталини яратиш бўйича техник лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, 2021 йил 1 сентябрга қадар давлат

харидлари бўйича барча маълумотларни жамловчи ва ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро электрон ҳамкорликни таъминловчи Давлат харидлари марказий ахборот портали дастурий мажмуасини яратиш ва уни кузатишни таъминлаш чораларини кўриш вазифаси юкланди.

Давлат харидларини электронлаштиришнинг бир қатор афзалликлари мавжуд.

Хулоса қиладиган бўлсак, давлат харидлари самарадорлигини ошириш учун замонавий стандартларга жавоб берадиган инфратузилма, кучли меъёрий-ҳуқуқий база яратиш муҳим. Давлат харидлари механизмини такомиллаштириш учун куйидагиларни изчиллик билан амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- давлат харидларида замонавий ахборот технологияларини янада кенгроқ қўллаш, харидлар жараёнини содда-

лаштириш ва автоматлаштириш;

- давлат харидлари тартиб-таомиллари шаффофлигини ошириш орқали коррупцион омилларни бартараф этиш;


- давлат харидларини тартибга солиш институционал тизимини ислоҳ қилиш ва амалдаги қонунчиликни электрон харидларни рағбатлантириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш;

- шаффофликни таъминлашга қаратилган объектив шарт-шароитларни мустаҳкамлаш;

- электрон давлат харидларини амалга оширишда нарх омили билан бирга сифат кўрсаткичларини ўзида акс эттирган тизимлаштирилган мезонлар тўпламини жорий этиш.

Шу билан бирга, нархлар ва сифат кўрсаткичлари тенг бўлган тақдирда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга устуворлик бериш яна бир муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ИНФРАТУЗИЛМА, КУЧЛИ МЕЪЁРИЙ- ҲУҚУҚИЙ БАЗА ЯРАТИШ МУҲИМ.



<sup>8</sup> <https://lex.uz/docs/-5243631>.



## МАРКАЗИЙ БАНК ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИНИ ИШГА ТУШИРМОҚДА



ЎзА.Фотоси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан ҳамкорликда 2021–2023 йилларга мўлжалланган молия тизими ва тадбиркорликда гендер инклюзивлигини ошириш масалалари бўйича Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқди.

**Х**ужжатда Молиявий инклюзивлигини ошириш агентлиги (АФИ) тармоғи Denarau (DAP) Ҳаракатлар режасига мос келувчи, аёлларнинг молиявий хизматлардан фойдаланишини оширишга қаратилган 9 та асосий ташаббус баён этилган

(Марказий банк ушбу ташкилотга 2018 йилда аъзо бўлган).

Ҳаракатлар режасига Марказий банк томонидан илгари сурилган қуйидаги ташаббуслар ҳам киритилди:

- аёллар тадбиркорлигининг тармоғини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- ўз бизнесини бошлаётган аёллар учун қисқа муддатли бизнес ва молиявий таълим дастурларини амалга ошириш;

- етакчилиكنи шакллантириш ва гендер турфа хиллиги бўйича таълим бериш орқали Марказий банкнинг ўзида ҳам гендер хилма-хиллигини илгари суриш.

Шунингдек, Ҳаракатлар режасида назарда тутилган чора-тадбирлар:

- ◆ тадбиркор аёлларнинг турли молиявий эҳтиёжларини қаноатлантирувчи хизматлар ва маҳсулотларнинг тижорат банклари ва бошқа молия институтлари томонидан жорий этилишини рағбатлантириш учун самарали ва амалиётга таянган сиёсатни ишлаб чиқишга замин яратди;

- ◆ иштирок этувчи барча муассасалар томонидан гендер тенглиги асосида молиялаштириш масалалари бўйича самарали тарзда мақсадларни белгилаш, натижаларини мониторинг ва таҳлил қилиш юзасидан механизмлар жорий этилишида кўмаклашишга хизмат қилади.

**Манба:**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки.

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАСИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

«Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори (210–сон, 14.04.2021 й.) қабул қилинди.

**Қ**арорга кўра, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси қайта ташкил этилди.

Қарор билан Жамғарма тўғрисидаги низо тасдиқланди. Унга мувофиқ Жамғарма:

- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган,

кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб беради;

- хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлигини сақлаш, аёллар спортини ривожлантириш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашади;

- хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларига ресурс маблағларини белгиланган тартибда жойлаштиради;

- хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашади.

**Манба:**

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигининг «*Nuquqiy  
axborot*» Telegram-канали.

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ



СТАНДАРТЛАРНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ ВА АМАЛДА  
ҚўЛЛАШ – ОДАМЛАРНИНГ  
ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИ  
УЧУН ХАВФСИЗЛИКНИ,  
АТРОФ-МУҲИТНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ,  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР  
ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШНИ, МИЛЛИЙ,  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
ВА ТЕХНИКАВИЙ  
ДАСТУРЛАРНИНГ  
АМАЛГА ОШИРИЛИШINI  
ТАЪМИНЛАШГА  
ҚАРАТИЛГАН СОҲАДИР.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш, савдога чиқариш ёки ишлатишда андозалаштириш шунчалик муҳимки, ҳатто 14 октябрь Халқаро стандартлаштириш куни деб эълон қилинган.

**Ш**у санада оддий бўлмаган меҳнат – стандартларни ишлаб чиқиш ва қўллаш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланадиган кишилар байрами нишонланади.

Стандартларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш – одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизликни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни, миллий, ижтимоий-иқтисодий ва техникавий дастурларнинг

амалга оширилишини таъминлашга қаратилган соҳадир.

Стандартлаштиришнинг адабиётларда мавжуд таърифларини мазмуни, ўзлаштириш қулайлиги, тушунарлилиги ва информацион қиймати нуқтаи назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қилайлик.

Стандартлаштириш – яшаш шароитлари, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг атроф-муҳит, ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулк учун хавфсизлиги, техник ва ахборот мувофиқлиги, маҳсулот-



**Мирҳамид Тўраев,**  
Прогнозлаштириш ва  
макроиқтисодий тадқиқотлар  
институтини бош илмий ходими



**Шухрат Ходжаев,**  
Иқтисодий тараққиёт вазирлиги  
бошқарма бошлиғи ўринбосари  
в.в.б.

лар, ишлар ва хизматларнинг ўзаро алмашинувчанлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида табиий, техноген фалокатлар ва бошқа фавқуллода вазиятларнинг вужудга келиш хавфини, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда фан, техника ва технологияларнинг ривожланиш даражасига, ўлчовларнинг бир хиллигига, барча турдаги ресурсларни тежашга, хўжалик объектларининг хавфсизлигига мос келадиган стандартларни ишлаб чиқиш, нашр этиш ва қўллаш, меъёрларни, қоидаларни ва хусусиятларни белгилаш бўйича фаолиятни ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Ушбу таърифи биринчи марта ўқиганлар жумланинг мазмуни катталиги, етарли-ча зерикарли экани, мураккаб

атамалар билан тўлиб тошгани учун унинг моҳиятини тўлиқ англамайдилар. Ўқувчиларнинг бир қисми ушбу мақолани ўрганишни шу жойда бўлхатиб қўйиши ва қизиқарлироқ нарса билан шугулланишга ҳаракат қилиши эҳтимоли йўқ эмас. Бироқ илмий ва ишлаб чиқариш соҳаларида фойдаланиш учун қисқароқ ва қулайроқ бўлган таърифлар мавжуд.

Энг аниқ ва лўнда таърифлаш қуйидагича келтирилмоқда: «Стандартлаштириш – бу қоидаларни ўрнатиш ва қўллаш жараёнидир. Бу жуда қулай, ахир қоидалар нафақат моддий нарсаларга, балки тиббиётга, спортга ва ҳатто тушунчаларга ҳам ўрнатилиши ва қўлланилиши мумкин»<sup>2</sup>.

Умуман олганда, илмий ва амалий фаолиятда қўлланила-

диган таърифлар таҳлилини умумлаштирган ҳолда ва соддалаштириш мақсадида уни қуйидагича белгилаш мумкин: **стандартлаштириш – бу инсон фаолиятининг барча соҳаларида ягона талаблар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларга риоя этишдир.**

Стандартлаштириш жамият тараққиёти билан бир қаторда ривожланади ва такомиллашади. Бунда турли соҳалардаги муносабатлар ўзаро ҳамкорликка ва келишувга эришишда бир хил ёндашувни талаб қилади. Умумий маъқул меъёрлар ва қоидаларни белгилаш ва ҳужжат билан мустаҳкамлаш унинг натижалари бўлиб ҳисобланади.

«Меъёрий ҳужжат» атамаси стандартлар, техник шартлар, шунингдек умумий кўрсатмалар, йўриқномалар ва қоидалар тушунчасини ҳам қамраб олади.

Стандартлаштириш мақсадлари кўп қиррали бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборат: бирихилликни бошқариш, қўлланилишлик, мослашувчанлик, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик-

**СТАНДАРТЛАШТИРИШ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА РИВОЖЛАНАДИ ВА ТАКОМИЛЛАШАДИ. БУНДА ТУРЛИ СОҲАЛАРДАГИ МУНОСАБАТЛАР ЎЗАРО ҲАМКОРЛИККА ВА КЕЛИШУВГА ЭРИШИШДА БИР ХИЛ ЁНДАШУВНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. УМУМИЙ МАЪҚУЛ МЕЪЁРЛАР ВА ҚОИДАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ҲУЖЖАТ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ УНИНГ НАТИЖАЛАРИ БЎЛИБ ҲИСОБЛАНАДИ.**

<sup>1</sup> <http://standard.ru/>.

<sup>2</sup> <http://cherch.ru/standartizatsiya>.



ЎзА фотоси.

ни таъминлаш, ташқи атроф-муҳитни асраш, маҳсулотни ҳимоялаш, ўзаро уйғунликка эришиш, савдодаги иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва бошқалар.

Стандартлаштириш (ёки бирхиллаштириш) усулларини қўллаш анча олдин бошланган.

Масалан, Буюк ипак йўлида ўзаро тизимли муносабатларнинг ривожланиши ва турли мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиши халқаро стандартлаштириш усуллари ишлаб чиқилиши ва қўлланиши зарурлигини англашга олиб келди.

Матолар кенглигининг ягона ўлчамлари, уларнинг зичлиги, турли ранглари, шунингдек мато ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган хомашёларга бўлган талаблар келишиб олинди ва ўрнатилди.

Ўз ўрнида, sanoat инқилоби деярли барча соҳаларда ва корхоналарда стандартлаштириш ишларини олиб бориш учун эҳтиёж пайдо бўлишига олиб келди.

Айнан ҳужжатлар айланиши, ҳаракатлар, маҳсулотларни корхона ичида бирхиллаштириши амалга ошириш, технологик жараёнлардан оқилona фойдаланишни ташкил қилиш меҳнат унумдорлигини кескин оширди ва юқори фойда олинишига олиб келди.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳозирги замонавий дунёда стандартлаштиришнинг аҳамиятини деярли баҳолаб бўлмайди. Бу XXI аср бошларига хос бўлган, иқтисодиётда



ЎЗА ФОТОСИ.

**МАТОЛАР КЕНГЛИГИНИНГ ЯГОНА ЎЛЧАМЛАРИ, УЛАРНИНГ ЗИЧЛИГИ, ТУРЛИ РАНГЛАРИ, ШУНИНГДЕК МАТО ВА УЛАРДАН МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ХОМАШЁЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР КЕЛИШИБ ОЛИНДИ ВА ЎРНАТИЛДИ.**

ва ижтимоий ҳаётда кечаётган жараёнлардан келиб чиқади ва бир қатор омиллар билан тасдиқланади.

Улардан энг муҳими – бу давлатларнинг иқтисодий чегаралари ювилиб кетиши билан капитал, одамлар, ғоялар, ишлаб чиқаришлар, технологиялар, товарлар ва маълумотлар эркин ҳаракатланадиган шундай жойки, бу ерда улар учун янада самарали меҳнат тақсимотига имконият туғдирадиган энг қулай шароитларнинг яратилиши билан тавсифланадиган жаҳон бозорининг глобаллашуви мавжуд<sup>3</sup>.

Ўз навбатида, илмий-техник тараққиётнинг жадаллашуви, ижодий соҳалар ва фаолият соҳалари, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари, атом энергетикаси ривожланиши билан лойиҳалаш ва маҳсулотни ишлаб чиқариш муддатларининг қисқариши сифат, нарх ва маҳсулотни ишлаб чиқариш муддати ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлаган ҳолда ҳаракатлардаги катта уйғунликни талаб қилади.

Бундан ташқари, ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожланиб бориши билан миллий ва халқаро стандартлаштириш тобора муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Шу билан бирга, стандартлаштириш маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш тизимларини жорий этиш, бизнесни муваффақиятли ривожлантириш, ички ва халқа-

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ЎЗАРО ТИЗИМЛИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИНГ КЕНГАЙИШИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ ЗАРУРЛИГИНИ АНГЛАШГА ОЛИБ КЕЛДИ.**

<sup>3</sup> <https://www.standart.uz/>.

ро бозорларда тадбиркорлик субъектлари мавқеини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Халқаро стандартлаштириш соҳасида Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) ва шу каби бошқа бирлашмалар иш олиб боради. ISO низомида таъкидланишича, «ташкilotнинг мақсади халқаро товар айирбошлаш ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун жаҳон миқёсида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш, шунингдек, интеллектуал, илмий, техник ва иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат».

ISO 9001 тизими товар ёки хизматларнинг юқори сифатини таъминлаш соҳасидаги ҳаракатлар алгоритмини шакллантириш имконини беради. Ушбу стандарт талабларига мувофиқ шаклланган сифат менежменти тизими кадрлар-

## ЎЗБЕКИСТОНДА УЙҒУН, МАНТИҚЛИ ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ БАРПО ЭТИЛДИ.

нинг ташкилий тузилмасини, лавозим йуриқномаларини белгилайди, шунингдек якуний маҳсулот ёки хизматнинг талаб этиладиган сифатини таъминлаш учун ресурслар, жараёнлар ва бажариладиган ишларнинг тартибларини тавсифлайди<sup>4</sup>.

Ушбу тизим стандартлари ўз маҳсулотлари ва хизматлари буюртмачининг талабларига доимо жавоб беришини ва сифатини оширишни истаган компания ва ташкилотлар учун тавсиялар ва воситаларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда юқори сифат даражасини сақлаб туриш чораларининг қабул қилиниши назарда тутилмоқда<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда уйғун, мантиқли ва кенг қамровли стандартлаштириш тизими барпо этилди.

Мамлакатимизда стандартлаштиришдаги умумий қоидаларни, ишларнинг мувофиқлаштирилиши ва бажарилиши таъминланишини, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги манфаатдор томонларнинг ўзаро ҳамкорлик шакллари ва усулларини бирхиллаштиришни миллий орган – «Ўзстандарт» агентлиги белгилайди ва амалга оширади<sup>6</sup>.

Шу билан бирга, куйида келтирилган айрим соҳалар бўйича:

- қурилиш ва қурилиш индустрияси, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялаш – Қурилиш вазирлиги;
- табиий ресурслардан фойдаланиш масалаларини

**АЙНАН ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ, ҲАРАКАТЛАР,  
МАҲСУЛОТЛАРНИ КОРХОНА ИЧИДА  
БИРХИЛЛАШТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ТЕХНОЛОГИК  
ЖАРАЁНЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ  
ҚИЛИШ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ КЕСКИН ОШИРДИ ВА  
ЮҚОРИ ФОЙДА ОЛИНИШИГА ОЛИБ КЕЛДИ.**

<sup>4</sup> Илмий электрон журнал: «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар», 2018 йил 3-сон.

<sup>5</sup> <https://dic.academic.ru/>.

<sup>6</sup> <https://www.standart.uz/>.



тартибга солиш ва атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш – Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

- тиббий маҳсулотлар, шу жумладан дори воситалари ва тиббиёт техникасини ишлаб чиқариш, шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқариладиган ва импорт орқали келадиган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддаларнинг тарқибини аниқлаш масалаларида – Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

- мудофаа қобилияти ва сафарбарлик тайёргарлиги таъминланиши, мудофаа маҳсулотларини мувофиқлаштиришда – Мудофаа вазирлиги стандартлаштириш ишларини олиб боришади.

Стандартлаштириш бўйича 2020 йилда Ўзбекистонда сези-

## ОЗИҚ-ОВҚАТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ПОЛИМЕР, ҚУРИЛИШ, ЕНГИЛ САНОАТ, СПОРТ ВА БОЛАЛАР ҲАМКОРЛИКЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СИНАШ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МАҚСАДИДА ЖАМИ 26 ДОНА ЛАБОРАТОРИЯ УСКУНАЛАРИ ХАРИД ҚИЛИНИБ, ИШГА ТУШИРИЛДИ.

ларли даражада ишлар амалга оширилди, шу жумладан:

- ① Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрири қабул қилинди.

- ② Халқаро аккредитация форуми (IAF) ва Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ҳамкорлиги (ILAC) ташкилотлари томонидан «Аккредитация маркази» аъзолигига қабул қилиниб, Ўзбекистон аккредитация тизими халқаро даражада эътироф этилди.

- ③ Халқаро Электротехника Комиссиясининг «Шериклик плус дастури» аъзолигига эришилиб, натижада электротехника соҳасига оид 400та халқаро стандартларни бепул олиш имкони яратилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга 397та Халқаро Электротехника Комиссиясининг стандартлари (IEC) тақдим қилинди.

- ④ Европа стандартлаштириш ташкилоти (CEN) билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, Европа стандартларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти яратилди.

- ⑤ Стандартлаштириш бўйича 6 мингдан ортиқ халқаро нормалар билан уйғунлашган стандартлар қабул қилиниб, уларнинг сони 14 858тага (50 фоиз) етказилди.

- ⑥ Чехиянинг «EXPORTA» компанияси билан ҳамкорликда электротехника, автотранспорт воситаларининг хавфсизлик параметрлари ва электромагнит мослашувчанлик бўйича тўла баҳолашни таъминладиган замонавий синов базаси ташкил қилинди.

- ⑦ Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, полимер, қурилиш, енгил саноат, спорт ва болалар ўйинчоқлари маҳсулотларини синаш лабораторияларини модернизациялаш мақсадида жами 26 донa лаборатория ускуналари харид қилиниб, ишга туширилди.

- ⑧ Ички бозорни сифатсиз ва хавфли маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида 10та техник регламент қабул қилиниб, уларнинг сони 50тага етказилди.

## ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРОТЕХНИКА КОМИССИЯСИНИНГ «ШЕРИКЛИК ПЛЮС ДАСТУРИ» АЪЗОЛИГИГА ЭРИШИЛИБ, НАТИЖАДА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА СОҲАСИГА ОИД 400ТА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ БЕПУЛ ОЛИШ ИМКОНИ ЯРАТИЛДИ. МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА 397ТА ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРОТЕХНИКА КОМИССИЯСИНИНГ СТАНДАРТЛАРИ (IEC) ТАҚДИМ ҚИЛИНДИ.





⑨ Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда ушбу Қонунни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

⑩ Республикада ўлчаш воситаларининг метрологик текширувини қамраб олиш, қиёслаш хизматларини янада ривожлантириш мақсадида қўлланиладиган миллий эталонлар сони 9тадан 18тага етказилди.

⑪ Метрология соҳасини халқаро андозаларга мослаштириш бўйича Германиянинг РТВ институти билан «Марказий Осиё мамлакатлари сифат инфратузилмасини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида 26 нафар мутахассисларни Евро-Осиё давлатлари метрология ташкилотлари ҳамкорлигининг (КОМЕТ) техник кўмита-

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА УШБУ ҚОНУННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

ларида иштироки таъминланди.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, маҳсулот ва хизматлар экспортида, бозордаги янги иштирокчиларга ёки товарларга (хизматларга) ишонч даражасини ошириш учун 2021 йилда яна бир қатор муҳим йўналишларда чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, шу жумладан зарурий комплекс чора-тадбирларни ва талаб қилинадиган стандартлар ва техник шартларни қабул қилиш, ишлаб чиқиш, янгилаш ва мослаштириш,


уларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлиги юқори даражада бўлишига эришиш ва кўмаклашиш, шу жумладан мамлакат иқтисодиётида ИСО стандартлари ёки бошқа тизимларни тўғридан-тўғри ёки қисман қўллаш бўйича ишларни амалга оширишда хорижий ҳамкорларни кенг жалб қилиш, миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чоралари давом эттирилади.

Умуман олганда, институционал ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқлари ва соҳаларида стандартлаштириш тизимини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ички ва ташқи бозорларда барқарор талабга эга бўлган турли хил товар ва хизматларни ишлаб чиқариш сифатини ва экспортни оширишга хизмат қилади.

**ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТСИЗ ВА ХАВФЛИ  
МАҲСУЛОТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА 10та  
ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, УЛАРНИНГ Сони  
50тага ЕТКАЗИЛДИ.**

# ЦИФРОВОЕ РЕФОРМИРОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЕМ МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

На современном этапе развитие и развивающиеся страны инвестируют в стратегию цифровой трансформации в рамках укрепления позиций на внутренних и международных рынках, повышения конкурентоспособности своих товаров и услуг. Существенная роль государства как регуляторного органа, улучшающего условия производительности и сокращающего таким путем издержки, не только улучшает деловой климат, но и способствует притоку инвестиций в страну, где цифровизации уделяют особое внимание.






**С** 2017 года мировое сообщество взяло курс на цифровую трансформацию бизнеса и построение цифровой экономики. Мир меняется так быстро, что можно сказать, будущее уже наступило. Но в разных городах и странах движение к «цифровой планете» все еще происходит с разной скоростью.

Цифровизация процессов актуальна не только на уровне отдельных предприятий – целые отрасли выбирают для себя этот путь развития как единственную возможность соответствовать стремительно меняющимся условиям окружающего мира. Цифровая трансформация промышленности, розничной торговли, государственного сектора и других сфер уже сегодня меняет жизнь каждого человека и каждой компании. Умение видеть новые тренды и меняться в режиме реального времени обеспечивает конкурентоспособность бизнеса и успешность в цифровой экономике.

Что дает цифровая трансформация? В первую очередь, это внедрение современных технологий в бизнес-процессы предприятия, которые подразумевают не только установку современного оборудования или программного обеспечения, но и фундаментальные изменения в подходах к управлению, корпоративной культуре, внутренним и внешним коммуникациям. В результате повышается производительность труда каждого сотрудника, оперативно и эффективно принимаются решения, компании активно адаптируют свою работу к требованиям текущего момента и удовлетворяют потребности клиентов, таким образом приобретая репутацию



**СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ В БИЗНЕС-ПРОЦЕССАХ, НЕ ТОЛЬКО СНИЖАЮТ ИЗДЕРЖКИ ПРОИЗВОДСТВА, НО ПОВСЕМЕСТНАЯ ДОСТУПНОСТЬ ИНФОРМАЦИИ ПОВЫШАЕТ ПРОЗРАЧНОСТЬ ВО ВСЕХ СФЕРАХ, В ТОМ ЧИСЛЕ В ЭКОНОМИКЕ. ПОТРЕБИТЕЛИ БУДУТ ИМЕТЬ ВОЗМОЖНОСТЬ ПОЛУЧАТЬ НЕОБХОДИМУЮ ИНФОРМАЦИЮ О РАЗЛИЧНЫХ ТОВАРАХ И УСЛУГАХ И ЗАКАЗЫВАТЬ ИХ, НАХОДЯСЯ В ЛЮБОЙ ТОЧКЕ МИРА.**

прогрессивной и современной организации.

Половина жителей земли уже подключены к Интернету, а к 2025 году, по мнению специалистов, 25% операционных задач будут выполнять роботы. В 2020 г. более 80 млрд устройств в мире будут подключены к Интернету.

Современные информационные технологии, используемые в бизнес-процессах, не только снижают издержки производства, но повсеместная доступность информации повышает прозрачность во всех сферах, в том числе в экономике. Потребители

будут иметь возможность получать необходимую информацию о различных товарах и услугах и заказывать их, находясь в любой точке мира.

Внедрение цифровых систем управления бизнес-процессами сопровождается несколькими проблемами:

- ① непринятие цифровой трансформации работниками компаний, боящимися потерять работу или не желающими обучаться новым правилам управления;
- ② одновременный переход на новую систему управления без потери качества и скорости



**Дурдона Нарзуллаева,**  
ФГБОУ ВО «Российский Экономический Университет им.Г.В. Плеханова»,  
Ташкентский филиал

приводит к перегрузке персонала и снижению эффективности работы.

Решение данных проблем – это создание отдельной группы сотрудников внутри одного из подразделений, которые будут работать по новым правилам параллельно с теми, кто придерживается старых схем управления бизнес-процессами. По мере расширения организационной единицы в нее будут вовлечены все сотрудники отдела, а в дальнейшем и компании.

В 2019 году компания Strategy Partners, изучив мировой опыт, провела опрос российских компаний, позволяющий оценить текущий уровень готовности бизнеса к цифровой трансформации. В опросе участвовали представители более ста российских компаний из разных сегментов рынка: крупнейшие предприятия, средний и малый бизнес, государственные компании. Опрос показал, что 83% руководителей компаний в ближайшие 3–5 лет планируют трансформировать бизнес-модели своих предприятий. Всего 4% сказали, что цифровая трансформация им не нужна. Многие из опрошенных предпринимателей уже экспериментируют с цифровыми технологиями для повышения эффективности бизнес-стратегий, но получить значимый результат сумели только единицы. Как правило, компании автоматизируют операционную работу, но при этом у них нет масштабной стратегии перехода на цифровые процессы.

Анализ ответов опрошенных предпринимателей компаний России показал, что около 2/3 предприятий сегодня тратят на цифровую трансформацию не более 5% от общего объема инвестиций, задействуют в ней не более 5% трудовых ресурсов и не имеют в структуре компании специального центра компетенций. Лишь каждое третье

Таблица 1

**Необходимо ли изменять существующую бизнес-модель в связи с цифровой трансформацией в ближайшие 3-5 лет**

1	Цифровая трансформация не требуется	4%
2	Нужны отдельные меры цифровизации бизнес-моделей	39%
3	Нужна полная цифровизация существующей бизнес-модели	22%
4	Нужна полная цифровизация существующей бизнес-модели: работа над созданием новой	22%
5	Нужен переход к новой цифровой модели	9%
6	Затруднились ответить	4%

**Источник:** *Готов ли российский бизнес к цифровизации? Анализ социального опроса предпринимателей, проведенный компанией Strategy Partners (<https://sber.pro/publication/gotov-li-rossiiskii-biznes-k-tsifrovoy-transformatsii>).*

Таблица 2

**В чем представители бизнеса видят барьеры для цифровой трансформации**

1	Недостаток знаний о технологиях и поставщиках	30%
2	Непонимание эффекта от внедрения технологий	25%
3	Нехватка финансовых ресурсов	22%
4	Отсутствует спрос на цифровые товары и услуги	22%
5	Нехватка профильных кадров	17%
6	Отсутствие стратегии трансформации	17%
7	Трансформация не является приоритетом в бизнесе	13%
8	Неэффективные отраслевые стандарты	9%
9	Отсутствие доступа к зарубежным технологиям	9%
10	Отсутствие цифровой инфраструктуры	4%

**Источник:** *Готов ли российский бизнес к цифровизации? Анализ социального опроса предпринимателей, проведенный компанией Strategy Partners (<https://sber.pro/publication/gotov-li-rossiiskii-biznes-k-tsifrovoy-transformatsii>).*

промышленное предприятие из топ-100 крупнейших компаний России сегодня имеет в штате позицию руководителя по цифровой трансформации (Таблица 1).

Говоря о препятствиях, мешающих трансформации предприятий, более половины руководителей указывают на недостаток знаний о технологиях и качественной информации о поставщиках (30%), нехватку профильных кадров (17%), непонимание перспектив от внедрения технологий (25%), отсутствие цифровой инфраструктуры и отсутствие спроса на цифровые товары и услуги (23%) (Таблица 2).

Исследования экспертов России доказывают необходи-

мость перехода бизнеса и предпринимательства на цифровую платформу, но неизбежны и некоторые трудности, в частности – финансирование внедрения цифровых технологий и обучение сотрудников навыкам их использования. Анализ показал не только недостаточную степень готовности представителей бизнеса перейти на цифровые взаимоотношения, но и неразвитость необходимой цифровой инфраструктуры. Немаловажно отметить еще тот факт, что использовать интернет-ресурсы в основном могут только среднее и молодое поколение населения, а многие пожилые люди вообще не умеют ими пользоваться.

Тем не менее, эксперты StrategyPartners отмечают следующие ключевые факторы успеха цифровой трансформации:

- понимание неизбежности перемен и поддержка первым лицом компании всех ключевых преобразований;

- цифровая повестка, которая меняет критически важные бизнес-процессы, а не ограничивается внедрением отдельных взятых инструментов;

- создание внутри компании мощного центра компетенций.

Цифровизация в той или иной степени коснулась каждой отрасли бизнеса, и это только начало. Предприятия, нацеленные на успех и развитие, обязаны принимать вызовы современной экономики – только в этом случае они смогут стать лидера-

ми. Именно в этом им и поможет цифровая трансформация.

Узбекистан, как страна, развивающаяся быстрыми темпами, также взяла курс на цифровизацию экономики, в связи с этим по предложению Президента Шавката Мирзиёева, 2020 год был объявлен в Узбекистане Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики.

За последний год Узбекистан осуществил четыре реформы, позволившие ему войти в число 20 стран, достигших наибольшего прогресса в улучшении делового климата, говорится в ежегодном докладе Группы Всемирного банка Doing Business 2020.

В докладе анализируются следующие показатели, по которым оценивается легкость ведения бизнеса в стране:

- ① создание предприятий (бизнеса);

- ② получение разрешений на строительство;

- ③ подключение к системе электроснабжения;

- ④ регистрация собственности;

- ⑤ получение кредитов;

- ⑥ защита миноритарных инвесторов;

- ⑦ налогообложение;

- ⑧ международная торговля;

- ⑨ обеспечение исполнения контрактов;

- ⑩ разрешение неплатежеспособности.

Ключевыми реформами, осуществленными в Узбекистане на основе показателей оценки легкости условий ведения бизнеса, являются следующие:

- ① Усиление защиты миноритарных инвесторов путем расширения прав и роли акционеров в принятии ключевых корпоративных решений, уточнения структур собственности и контроля, а также повышения корпоративной прозрачности.

- ② Упрощение налогообложения за счет объединения налога на развитие социальной инфраструктуры с налогом на прибыль.


- ③ Упрощение международной торговли путем введения механизма таможенной проверки, основанной на риске, а также смягчения требований к документам на импорт.

- ④ Упрощение обеспечения исполнения контрактов путем принятия закона о добровольной медиации, а также создания финансовых стимулов, поощряющих стороны прибегать к урегулированию возникших споров посредством медиации.

Ускоренное развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане положительно повлияло на социально-экономическое развитие страны. На основе эффективных механизмов государственного регулирования доля частного предпринимательства (вместе

## ИССЛЕДОВАНИЯ ЭКСПЕРТОВ РОССИИ ДОКАЗЫВАЮТ НЕОБХОДИМОСТЬ ПЕРЕХОДА БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА НА ЦИФРОВУЮ ПЛАТФОРМУ, НО НЕИЗБЕЖНЫ И НЕКОТОРЫЕ ТРУДНОСТИ, В ЧАСТНОСТИ – ФИНАНСИРОВАНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ОБУЧЕНИЕ СОТРУДНИКОВ НАВЫКАМ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ.





**ЗА ПОСЛЕДНИЙ ГОД УЗБЕКИСТАН ОСУЩЕСТВИЛ ЧЕТЫРЕ РЕФОРМЫ, ПОЗВОЛИВШИЕ ЕМУ ВОЙТИ В ЧИСЛО 20 СТРАН, ДОСТИГШИХ НАИБОЛЬШЕГО ПРОГРЕССА В УЛУЧШЕНИИ ДЕЛОВОГО КЛИМАТА, ГОВОРИТСЯ В ЕЖЕГОДНОМ ДОКЛАДЕ ГРУППЫ ВСЕМИРНОГО БАНКА DOING BUSINESS 2020.**

с малым бизнесом) в ВВП достигла 56,9%. Субъекты малого частного предпринимательства действуют практически во всех отраслях национальной экономики.

Совершенствование нормативных актов обеспечивает дальнейшее развитие и расширение этого сектора. В связи с этим 8 января 2020 года принято постановление Правительства «О мерах по внедрению системы оценки уровня развития предпринимательства в регионах республики».

В соответствии с данным постановлением, с 1 марта 2020 года введена система оценки уровня развития предпринимательства в регионах республики на основе запущенной 1 марта 2020 г. автоматизированной онлайн информационной системы «BUSINESS INDICATOR» для расчета и оценки показателей развития предпринимательства.

Доля малого предпринимательства в Узбекистане по отношению к ВВП в 2019 г. составила 56,5%. Количество субъектов малого предпринимательства на 1000 человек населения составило 13,3 ед. В 2019 г. было создано 92,9 тыс. новых малых предприятий и микрофирм (без дехканских и фермерских хозяйств), что в 1,9 раз больше аналогичного периода 2018 года.

За 2019 год в региональном разрезе наибольший показатель количества вновь созданных малых предприятий и микро-

фирм составил в городе Ташкент – 18252 ед., Ташкентской области – 9671 ед., Самаркандской области – 7980 ед. В Навоийской области этот показатель достиг 7129 ед., в Ферганской – 6712 ед., в Андижанской – 6632 ед. На низком уровне данный показатель зафиксирован в Сырдарьинской области – 3153 ед. В разрезе регионов наибольшая доля приходится на г. Ташкент и составляет в общем количестве вновь созданных малых предприятий и микрофирм 19,7%, в Ташкентской области – 10,4%, Самаркандской области – 8,6%, Навоийской области – 7,7%, Ферганской области – 7,2%, Андижанской области – 7,1%, Бухарской области – 6,6%, Наманганской области – 5,9%. В Кашкадарьинской области удельный вес составил 5,6%.

За 2019 год наибольший прирост вновь созданных малых предприятий и микрофирм зарегистрирован в Чиланзарском районе – 2279 ед. В 2019 году в региональном разрезе наибольший показатель количества субъектов малого предпринимательства (на 1000 человек населения, ед.) составил в городе Ташкент – 28,8 ед., Навоийской области – 18,1 ед.

Доля цифровой экономики по отношению к ВВП Узбекистана по итогам 2019 года составила 2,2% против 10,9% в США, 10% в Китае и 5,5% в Индии. В России использование цифровых технологий обеспечит рост ВВП от 19 до 34%.

В стране все более активно внедряются и развиваются технологии цифровизации, однако

**С 1 МАРТА 2020 ГОДА ВВЕДЕНА СИСТЕМА ОЦЕНКИ УРОВНЯ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕГИОНАХ РЕСПУБЛИКИ НА ОСНОВЕ ЗАПУЩЕННОЙ 1 МАРТА 2020 Г. АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ ОНЛАЙН ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ «BUSINESS INDICATOR» ДЛЯ РАСЧЕТА И ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.**

## В УЗБЕКИСТАНЕ ПРОДОЛЖАЕТ ШИРОКО ВНЕДРЯТЬСЯ СИСТЕМА «ЭЛЕКТРОННОЕ ПРАВИТЕЛЬСТВО», ПРЕДНАЗНАЧЕННАЯ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОТКРЫТОСТИ, ПРОЗРАЧНОСТИ И ЭФФЕКТИВНОСТИ ВО ВСЕХ СФЕРАХ, В ЧАСТНОСТИ, НАЛАЖЕНО ОКАЗАНИЕ 178 УСЛУГ ЧЕРЕЗ ЕДИНУЮ ПОРТАЛ ИНТЕРАКТИВНЫХ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ, ЧТО ЭКОНОМИТ ВРЕМЯ И СНИЖАЕТ РАСХОДЫ НАСЕЛЕНИЯ.

темпы могли быть выше, если бы не ряд барьеров.

Вследствие слабой цифровой инфраструктуры и нехватки цифровых навыков у представителей бизнеса, в Узбекистане более слабыми темпами развивается цифровой товарооборот. Например, в Постановлении Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева отмечается, что в республике существует недостаточный уровень онлайн-торговли и торговых платформ. Поэтому согласно постановлению, к 2023 году планируется удвоить долю цифровой

экономики в ВВП Узбекистана. Для этого, согласно поручению главы государства, будут модернизировать цифровую инфраструктуру, внедрять информационно-коммуникационные технологии во все сферы жизни, а также развивать цифровое предпринимательство.

В Узбекистане продолжает широко внедряться система «Электронное правительство», предназначенная для обеспечения открытости, прозрачности и эффективности во всех сферах, в частности, налажено оказание 178 услуг через Единый портал

интерактивных государственных услуг, что экономит время и снижает расходы населения.

В Ташкенте ведется строительство Технологического парка программных продуктов и информационных технологий. В 2020–2024 годах намечено организовать филиалы технопарка в 14 регионах, втрое увеличить число резидентов и довести число работников до 40 тысяч.

В заключение можно сказать, что технологии цифровой экономики, в частности, бизнеса и предпринимательства позволяют организовать максимально персонализированное взаимодействие между производством и потреблением. Цифровая трансформация процессов оптимизирует работу сотрудников предприятия, благодаря чему растет продуктивность каждого отдельного члена команды, автоматизация рутинных операций предоставляет больше времени для решения действительно важных и сложных задач.

## ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО «КЁНГНАМ БАНК» НАЧИНАЕТ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ

Центральным банком Республики Узбекистан аккредитовано представительство «Кёнгнам банк» (Республика Корея).




Представительство намерено налаживать сотрудничество с ответственными банками, оказывать содействие в повышении финансовой грамотности клиентов и внедрении передового опыта Кореи в банковско-финансовой системе Узбекистана.



**Kyongnam Bank** был создан в 1970 году. Входит в **BNK Financial Group**. Является одним из ведущих локальных банков Южной Кореи.

**Источник:** Центральный банк Республики Узбекистан.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА БАНК КАРТАЛАРИНИНГ ЧИҚАРИЛИШИ ВА МУОМАЛАДА БЎЛИШИ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ШАРҲ



Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ, Марказий банкка Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидаларини белгилаш ваколати юклатилган.

**Б**угунги кунда банк карталари асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига банк карталаридан фойдаланишда янада қулай шарт-шароитлар яратилиши борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, банк карталари муомаласига оид бир неча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқиши ва унификация қилиниши натижасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисидаги Низом» ягона ҳужжат тарзида ишлаб чиқилди ва Адлия вазирлигида жорий йил 3 апрелда 3294-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Янги таҳрирдаги меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида тижорат банклари ва кенг

жамоатчилик, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг таклиф ва мулоҳазалари ҳам ўрганиб чиқилди. Низомда карта ҳисобварағини тўлдирish амалиёти карта ҳисобварағини очган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўлов топшириқномаси асосида исталган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан амалга оширилиши белгиланди (аввалги тартибга кўра карта ҳисобварағини тўлдирish фақат асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан амалга оширилган).

Шунингдек, юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун чет эл валютасидаги банк карталарини эмиссия қилиш ва улар томонидан мазкур банк карталари орқали носавдо тусдаги валюта операцияларини (хизмат сафари харажатлари ва ҳ.к.) амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги белгиланди.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида тўлов терминалини ажратиш бўйича қилинган муружаатларни кўриб чиқиш муддати бир ойдан ўн иш кунига ҳамда мижознинг ўзида мавжуд бўлган тўлов терминалига дастурий таъминотни ўрнатиш юзасидан келиб тушган муружаатларни кўриб чиқиш муддати бир ҳафтадан уч банк иш кунига қисқартирилди.

Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонунда тўлов тизимлари субъектлари ва банк карталарига доир белгиланган асосий қоидалар ва талаблар ҳам ўрин олди.

Мазкур низом давлат рўйхатидан ўтказилиши билан бир қаторда соҳага доир бир неча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилинди. Хусусан,

- «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1344, 2004 йил 30 апрель);

- «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1470, 2005 йил 18 апрель);

- «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1850, 2008 йил 4 сентябрь);

- «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1986, 2009 йил 27 июль).

**Манба:**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки.

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

Ўзбекистон  
58000

# БПК

**БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ**

**РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ**

Ежемесячный экономический научно-практический журнал



Обуна индекси: **853**

Сизни қизиқтирган барча саволларга тахририятнинг кўйидаги телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин:

**(+998)71-234-91-13;**

**(+998)94-677-78-04**

**«БПК» журналига 2021 йил учун обунани бугуноқ расмийлаштиринг. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва молия, уларнинг ривожланиши ва истиқболлари борасида бир қадам олдинда юринг!**

ОБУНА УШБУ ТАШКИЛОТЛАР ОРҚАЛИ  
РАСМИЙЛАШТИРИЛСА, ТАХРИРИЯТ ЖУРНАЛНИ  
ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ:

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА  
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**

АЖ «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИДА

АЖ «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИДА

**БУХОРО ВИЛОЯТИ**

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**

«МАТБУОТ ТОНГИ» МЧЖ – 91-599-58-98

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**

«СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ» – 97-277-27-72

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**

«SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ – 91-586-70-00

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**

«KALEON INFORM» МЧЖ – 71-267-18-94

«ТОШКЕНТ МАТБУОТ МЕДИА» – 97-156-22-77

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

«ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ» – 97-922-02-33

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ,  
НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ,  
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

«САЙЁР – 2017» МЧЖ – 99-990-61-01








Приложение **Milliy**

**Milliy** – банк в твоём  
кармане!

+998 78 148-00-10

 [uznbu](#)  [@nbu.official](#)  [nbu\\_official](#)



Услуги лицензированы